

# ИЖТИМОЙ ЭКОЛОГИЯ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қ.Н.АБИРҚУЛОВ, А.АБДУЛҚОСИМОВ,  
Ш.ҲАМДАМОВ

## ИЖТИМОИЙ ЭКОЛОГИЯ

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги  
олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар  
фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан  
олий ўқув юртларининг иқтисодий таълим йўналишлари  
талабалари учун ўқув қўлланма  
сифатида тавсия этилган

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти,  
Тошкент 2004.

02.55  
A 150

THE MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL  
EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

TASHKENT STATE ECONOMIC UNIVERSITY

ABIRKULOV K.M., ABDULKOSIMOV A.,  
KHAMDAMOV SH.

## SOCIAL ECOLOGY

This manual is recommended by the group of "regulating the activities of scientific organizations of higher education" of the Ministry of higher and secondary special education, for the students of higher education establishments majoring in economy

©Узбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамгармаси нашриёти,  
Тошкент 2004.

Абирқулов К.М., Абдулқосимов А., Ҳамидов Ш. Ижтимоий экология (Ўқув қўлланма). – Т.: ТДИУ, 2004. – 112 бет.

Ушбу ўқув қўлланмада «Ижтимоий экология» фанининг назарий асослари, турли миқёсдаги, айниқса Ўзбекистондаги инсон экологияси муаммоларининг сабаб ва оқибатлари, ижтимоий-экологик жиҳатлари ёритилган.

Қўлланма жамият ва инсон ўртасидаги ўзаро муносабатларни фалсафий ва табиий-илмий англашнинг моҳияти, ижтимоий экологиянинг мақсад ва вазифалари баёнини ўз ичига олган. Унда, шунингдек, ижтимоий-экологик муаммоларни ҳал этишда иқтисодий сиёsat ролини кўрсатишга муҳим ўрин ажратилған.

Ўқув қўлланма иқтисодиёт йўналишидаги олий ўқув юртларининг талабалари учун мўлжалланган.


Масъул муҳаррир: и.ф.д., проф.

Ш.Р.Холмўминов

Тақризчилар: г.ф.н., доц. Ш.Азимов;

г.ф.н., доц. А. Ҳожиматов;

г.ф.д., проф. А. Ваҳобов



Abirkulov K.M., Abdulkosimov A., Khamdamov Sh. Social ecology (Manual). – T.: TSEU, 2004. – 112 pages.

The manual is about theoretical basis of the course of Social ecology. It covers the reasons and results of human ecology problems and social ecology in the Republic of Uzbekistan.

The manual also explains philosophical and natural scientific relations between society and human, social goals of ecology and tasks. Social ecologic problems and role of economic politics are covered while solving social ecologic problems.

The manual is designed for the students studying in the sphere of economy. .

**Responsible editor:** doctor of economic science,  
prof. Holmuminov Sh. R.

**References:** candidate of geographical  
science Azimov Sh.  
candidate of geographical  
science Hojimatov A.  
doctor of geographical science,  
prof. Vahobov A.

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида «Таълим тўғрисида»ги Қонуни хамда «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»да режалаштирилган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш учун кенг миқёсдаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Улар орасида Олий мактабни замон талабига мос ва хос дарслерлар, ўқув қўлланмалари билан таъминлаш масаласи дол зарб аҳамиятга эга эканлиги ажратилиб туради. Чунки, иқтисодий ислоҳотларниң иккинчи босқичи қамровидаги муҳим масалаларнинг ижобий ҳал этилиши кўп жиҳатдан халқ ҳўжалигини ҳар томонлама етук, билимдон ходимлар билан таъминлашга боғлиқ. Бунда иқтисодчи-экологлар тайёрлашда «Ижтимоий экология» фани ўзига хос ўрин тутади. Ушбу ўқув қўлланма масаланинг шу жиҳатлари эътиборда тутилиб, мамлакатимиз иқтисодиётida, табиатдан фойдаланиш иқтисоди жараёнларида сўнгти йилларда рўй берган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда тайёрланди.

«Ижтимоий экология» бошқа экологик фанлар қатори инсонларнинг амалий эҳтиёжлари сабабли юзага келди.

У, кейинги йилларда табиий, ижтимоий ва техникавий фанлар билан уйғун ҳолда жадал шаклланиб, ривожланиб бормоқда. «Ижтимоий экология» шунинг учун ҳам зарурки, фанлар орасида фақат у жамият ва табиатнинг ўзаро таъсирини сифат жиҳатидан янги тизим даражасида ўрганишга ва табиатдан оқилона фойдаланицинг илмий асосларини ишлаб чиқишига хизмат қиласди. Шунингдек, инсонларнинг дунёқарашлари, ўзлари яшаётган дунёга муносабатларида содир бўлаётган ўзгаришларга ҳам кучли туртки беради.

Ушбу ўқув қўлланма айнан шу масалалар доирасида фикр юритади. Унда ижтимоий-экологик муаммоларни ҳал этишда иқтисодий сиёсат ролини кўрсатишга муҳим ўрин ажратилган, бозор муносабатларига ўтиш шароитида иқтисодиётни экологијаштириш муаммоларига маълум даражада эътибор берилган. Экологиянинг ижтимоий-демографик, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жиҳатлари, экологик таълим-тарбия муаммолари атрофлича баён этилган.

## I боб

### «ИЖТИМОЙ ЭКОЛОГИЯ» ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МАЗМУНИ

#### 1.1. «Ижтимоий экология» фанининг предмети

Жамият тараққиёти қонуниятларини илмий англаш, инсонни ижтимоий феномен сифатида кўрсатиш унинг тараққиётини тўғри белгилаш имконини беради. Жамият аъзоларининг ўзаро муносабатлар жараёнида яратган ижтимоий ва руҳий мухитлар таъсири ижтимоий-экологик экотизим дейилади. Ушбу илм тармоғи қайси объектив борлиқни ва унинг қайси жабҳасини ўрганишини, бундан мақсади нима эканлигини ҳамда шу соҳада доимо хукм сурувчи қонуниятлар жамият манфаатларига қандай хизмат қилишини англашга кўмақлашади.

Одамзот биоижтимоий мавжудот бўлганлиги туфайли, унинг биологик моҳияти билан бир қаторда ижтимоий ва руҳий моҳиятини сақлаб қолиш зарур. Чунки биосферанинг таркибий қисми бўлган, тирик мавжудотларнинг олий шакли ҳисобланган инсон бир пайтнинг ўзида ҳам табиий мухитда, ҳам ижтимоий ва руҳий мухитларда яшайди. Шу боисдан у биологик, ижтимоий ва руҳшунослик қонуниятлари бўйича ривожланиб боради ҳамда уларнинг доимий ўзаро таъсири остида бўлади.

Ҳар бир давлатнинг ички ва ташқи сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий фаолияти натижасида юзага келаётган инсонлар ҳаёт-мамотининг ижтимоий мухити «макроижтимоий мухит» дейилади.

Бу фан табиат, ижтимоий ва техника фанларининг энг муҳим қарашларини умумлаштирган ва яхлит ҳолда уйғунаштирган фандир.

«Ижтимоий экология» нисбатан янги фан бўлиб, уни изоҳлашда бир фикрлилик йўқ, ҳатто кўпинча ижтимоий фанлар тизимида бу фаннинг ўрни тўғрисида тортишувлар мавжуд. Ўрганадиган нарсани аниқлаш учун, «Ижтимоий экология» ижтимоий фанлар орасида йўқ, деган нуқтаи назарни соқит қилиб, унинг фан сифатида пайдо бўлиш ва расмийлаштириш жараёнини кўздан кечириш зарур. Аслида «Ижтимоий экология»нинг пайдо бўлиши ва ривожланиши «Социология»нинг атроф-муҳит муаммоларига, яъни инсон экологиясига ижтимоий нуқтаи назардан ёндашишга қизиқиш ортиб бораётганини кўрсатади. Дарҳақиқат, олдин «Инсон экологияси», кейин эса, «Ижтимоий экология»нинг пайдо бўлиши ҳам шундан далолат.

«Ижтимоий экология» ҳар хил, ҳатто қарама-қарши изоҳларга асослангани сабабли узоқ вақт шаҳар социологияси, урбанизацияси сифатида мавжуд бўлади. У ҳақдаги тушунча, унинг нусха ва назарияси макон-ижтимоий тузилма ва жараённи, айниқса, аҳолиси кўпайиб кетган катта шаҳарлар доирасида, умумий тушунтириш ҳамда изоҳлашнинг тимсоли сифатидаги вазифани бажариб келмоқда.

Табиат инсон учун ягона макон, у одамни турли озиқовқат маҳсулотлари, кийим-кечак, уй-жой ва бошқа зарурий буюмлар билан таъминлайди.

Аҳолининг экологик онги табиат муҳофазасини мунтазам амалга оширишда асосий ижрочи омил ҳисобланади. Аҳолининг барча табақалари – боғча ёшидаги ёш болалардан тортиб, мўйсафид отахон ва онахонларгача атроф-муҳитга яқдил, ижобий фикрда бўлишлари, унга зиён-захмат етказмаслик руҳида тарбияланишлари керак. Мамлакатимиз зиёлилари – тарбиячи, ўқитувчи, оммавий аҳборот воситалари хизматчиларининг бугунги, бирдан бир вазифаси – жамиятимиз ижтимоий ва руҳий муҳитлари тозалигини сақлаш ва аҳолига экология маънавияти асосларини ўргатиб боришдан иборат. Шуидай қилиб, инсон яшаб турган муҳитни барқарор вазиятда асрар, унинг биоижтимоий тадрижий ривожланиши жараёнини меъёрий ҳолатда сақлаб қолиш, демакдир.

## 1.2. «Ижтимоий экология» фанининг шаклланиши ва ривожланиши

«Ижтимоий экология» нисбатан янги фандир. «Ижтимоий экология» биоэкология таъсирида шакллана бошлади. Шу сабабли, бу фан тўғрисидаги тушунчаларнинг катта қисми ўсимлик ва ҳайвонлар экологиясидан олинган. Бунда ижтимоий экология, ижтимоий география ва иқтисодий назариянинг макон-вақт ёндашувидан ҳам кенг фойдаланилган.

«Ижтимоий экология» Жаҳон уришидан сўнг фаол ривожланиш палласига кирди. Жаҳон социологларининг 1966 йилда бўлиб ўтган Бутунжаҳон конгресси «Ижтимоий экология»нинг оёққа туриши ва ривожланишига жiddий туртки берди. Бу фанининг жадал ривожланишини социологларнинг 1970 йили Варнада ўтказилган навбатдаги конгрессида «Ижтимоий экология» муаммолари бўйича социологларнинг Бутунжаҳон бирлашмаси – Тадқиқот қўмитасини тузиш имконини берди. Бу билан, аслида, «Ижтимоий экология» «Социология» мустақил соҳаси сифатида тан олини ва унинг янада тезроқ ривожланиши ва предмети янада аниқроқ белгиланишига туртки берилди.

XX асрнинг 10-20 йилларида «Социология»нинг янги соҳаси «шаҳар социологияси» номи билан пайдо бўлган «Ижтимоий экология» кўпроқ гарб мамлакатларининг шаҳарларда одамларнинг ўрнашишини энг мувофиқ равишда ташкил этиш бўйича амалий вазифаларни ҳал эта бориш баробарида изчил ривожланди.

Машҳур Америка олими, инсон экологиясининг кўзга кўринган классик вакили Радерик Маккензи биринчилардан «Ижтимоий экология»га таъриф берди. У «Ижтимоий экология» фақат мазкур вактда мавжуд экотизим билан алоқадор эмаслигини таъкидлаган. Инсон жонзотлари ўзаро таъсири оқибатида пайдо бўладиган фазога оид муносабатлар ва ҳаётни сақлаб қолиш бўйича муносабатлар экология ва маданий омиллар мажмууга реакция сифатида ўзгаришлар жараёнида муттасил бор бўлади. «Ижтимоий экология»нинг вазифасига табиий ва кўзгатувчи кучлар фаолияти қонун-қоидаларини тушуниб олиш учун ана шу жараёнларни ўрганиш киради.

Кейинги даврларда «Ижтимоий экология» хусусида яна бир қараш пайдо бўлди. Бу қарашнинг бунёдкорлари Л. Щуор ва Д. Дункан уни, экология мажмую тўғрисидаги қараш, деб атадилар. Тўрт омил: популяция, мухит, технология ва ташкилот экология мажмuinи ташкил этади. Улар сабаб ва фаолият жиҳатидан ўзаро боғлангандирлар. Омилларнинг исталган биридаги ўзгариш, энг аввало, кичик даражага қаратилган классик экологиядан одамларни узоқлаштирумокда. Янги, «Ижтимоий экология» тадқиқотларда ўзаро боғланган бир қанча даражалири, жумладан, макро-даражаси билан боғлиқ бўлади, деган фикр олга сурilmокда.

Америкалик ижтимоий эколог К. Фланныери «Ҳар бир экотизимда инсоният ҳамжамиятларини таҳлил этишга ёндашиш барча ахборот берувчига ўҳшаб, экология доирасида бўлади», деб ёзган эди.

«Ижтимоий экология» соҳасининг ривожланишига кўп хизмат қилган А. Хоули «Ижтимоий экология» ҳамма нарсани тушунишга қобилияти бўлган ижтимоий фанга айланиши керак», деган фикрда ўзига хос «Ижтимоий панэкологизм»ни эълон қилади. Ана шу таълимотдан кўриниб турибдики, табиий шаклларга нисбатан муносабат бўйича материя ҳаракати ижтимоий шаклларининг етакчилик ролини рад этиш гарб муаллифларини «Ижтимоий экология» хусусида умумий фикрга олиб келган.

Мутахассисларнинг бир қанча фанлар бўйича узоқ йиллар давомида олиб борган тадқиқотларида шу нарса маълум бўлдики, табиий-ижтимоий тўпламнинг вужудга келиши ва ри-

вожланиши ижтимоий ҳаёт ва табиатнинг ўзаро таъсирини тадқиқ этиш жараёнида фанларнинг бир-бирига кириб бориш жараёни кучаяди.

### 1.3. «Ижтимоий экология» фанининг бошқа фанлар билан алоқаси

«Ижтимоий экология» бир қатор амалий муаммоларни тадқиқ этадиган шунчаки соҳа бўлмай, балки у ижтимоий, табиат муносабатлари қонуниятлари, инсоният ва атроф-муҳит ўзаро таъсирини аввал кулагаштириш, кейин эса мувофиқлаштириш қонун-қоидалари ва усуллари тўғрисидаги уйғунлаштан фандир.

Ижтимоий-экологик муаммолар ривожланишининг ҳозирги босқичида уларни тизимли таҳдил этиш марказий вазифа бўлиб қолди. Фан сифатида «Ижтимоий экология»нинг мантиқий тузилишини кашиф қилиш, табиий-ижтимоий жараёнлар ҳаракатини кучайтириш ва мувофиқлаштириш тўғрисидаги уйғунлашган фан сифатида «Ижтимоий экология»нинг шаклламиши, хусусияти ва қонун-қоидаларининг ўзига хослигини диалектик тадқиқ этиш бундай таҳдилнинг умумий назарий асосига айланмоқда.

«Ижтимоий экология» – бу уйғунлашган фан бўлиб, инсон, жамият ва табиатнинг ўзаро муносабатлари қонуниятларини тадқиқ этади. У ижтимоий-экология тизими ривожида эволюцияни таъминловчи ижтимоий-табиий муносабатларни кулагаштириш ва мувофиқлаштириш тўғрисидаги фандир.

«Ижтимоий экология» тирик нарсалар экологияси ва Ер сайдераси экологиясидан тубдан фарқланади. Гал шундаки, факат одамлар (жамият)гина модда ва табиат кучлари шаклини ўзгартириб, меҳнатнинг ижтимоий ривожланиши жараёнида ахборот оқимларини кучайтириш ва ўзгартириш орқали ўз ҳаётини дунёга келтиради.

«Ижтимоий экология»нинг микротузилиши алоҳида фанлар ютуқларини уйғунлаштирувчи учта бўлакни, яъни ишлаб чиқариш экологияси (табиатдан фойдаланиш тарихи ва назарияси тўғрисидаги таълимот), инсон экологияси (марказий бўлак) ва фазо (глобал) экологиясини ўз ичига олади. Алоҳида фанлар (табиат, ижтимоий, техникавий) бир хил объект (жамият-инсон-техника-табиий муҳит тизими)нинг турли томонлари ва ҳолатлари тўғрисидаги билимларни ўргатади.

Мазкур тизим ҳаракати ва унинг элементлари тўғрисидаги алоҳида илмий билимлар тегишли табиий, ижтимоий, техникавий фанлар гурухи доирасида умумлаштирилиб, кейин эса гносеологик умумлаштириш махсулотлари амалий эҳтиёжлари ва мақсад-

лар асосида кўрсатиб ўтилган бўлакларда уйғунлашган вактдагина «Ижтимоий экология» меъёрий ривожланиши мумкин.

#### 1.4. «Ижтимоий экология»нинг тадқиқот доираси

«Умумий экология» каби, «Ижтимоий экология» ҳам ўзининг тадқиқот обьектига эгадир. Ижтимоий экология тизими «Ижтимоий экология»ни ўрганадиган обьектdir.

«Ижтимоий экология» тизими, бу биргаликда яшайдиган, ўзаро диалектик бирлик ва алоқада бўладиган турли ижтимоий гурух, бирлик ва популациялар ҳамда улар атрофидаги табиий ва ижтимоий-иқтисодий кичик тизимлар мажмуидир. Бу тизим ер шарини қамраб олган (глобал) регионал ва маҳаллий тизимларга бўлинади.

Ер шарини қамраб олган «Ижтимоий экология» тизимида сайдерамиз табиати, бутун инсоният жамияти ўзаро таъсирида бўлади. Регионал ва маҳаллий «Ижтимоий экология» тизимида инсоният жамият рухлари атроф табиий муҳити билан турли даражадаги кўпроқ ёки автоном бошқариладиган маъмурий хўжалик бирлиги: давлат, маъмурий вилоят ва туманлар, шаҳарлар, тўлиқ қишлоқ хўжалик корхоналари доирасида ўзаро таъсирида бўлади.

Шундай қилиб, «ижтимоий экология» тизимининг даражама-даражаси тузилмаси пайдо бўлади: давлатлардан иборат глобал тузилма, ундан кейин вилоятлардан, охиргиси туманлардан иборат тузилма, улар шаҳар ва қишлоқ хўжалиги тузилмаларини ўз ичига олади. Ўз навбатида, ҳар бир «Ижтимоий экология» тизими икки асосий кичик тизим табиий ва ижтимоий-иқтисодий тизимлар қўшилишидир. Улар қуий даражадаги тизимлардан ташкил топади, табиийси жонли ва жонсиз, ижтимоий-иқтисодий, демографик ва хўжалик тизимлари қўшилишидан иборатдир.

Бундан ташқари, ҳар бир кичик тизим таркибий қисмлардан иборат бўлади: табиийси – ер қобиғи қалинлигининг юзасига яқини: тупроқ, ўсимлик, ҳайвонат дунёсини, ер юзаси остидаги сувларни, атмосфера ҳавосини; ижтимоий-иқтисодийси – аҳоли, уй-жой, корхоналар, мухандислик иншоотлари, коммуникациялар, транспорт ва инсон хўжалик фаолиятининг босқа обьектларини ўз ичига олади.

«Ижтимоий экология» тизими жўшқин тизимдир. Унинг кичик тизимлари ва таркибий қисмлари узлуксиз ўзгаради ва ўзаро таъсирида бўлади. Меъёрий ривожланадиган ижтимоий экология тизимларида улар жўшқин мувозанат ҳолатида бўлади. Агар антропоген таркибий қисмларининг генертрофланган ривожи бу

мувозанатни бузса, ижтимоий экология тизими келиб чиқадиган барча ижтимоий-иқтисодий оқибатлари билан бирга таназзулга юз тутади. Марказий Осиё ижтимоий экология тизими бунинг классик мисолидир, бу миңтақаһыннан табиий ва ижтимоий-иқтисодий кичик тизимларида бўхрон вазият пайдо бўлган.

«Ижтимоий экология» тизимининг хар бир таркибий қисми шу қисмнинг вақт ва макондаги ўзгарувчанлигини ифодаловчи бир қатор кўрсаткичлар билан тавсифланади. Бу кўрсаткичлар ижтимоий экология тизими жўшқин мувозанатига таъсир этувчи омиллар ва айни вақтда ижтимоий экология тизими умумий ҳолатини акс эттирадиган индикаторлар ҳисобланади. Бу билан жамиятта, мақсадга йўналтирилган хўжалик фаолияти воситасида ўзининг тартибга солувчилик вазифасини бажариш имкони берилади. Шундай қилиб, ижтимоий экология тизими ўз-ўзини тартибга соладиган кибернетика тизимларидан иборатdir. Уларнинг жўшқин мувозанати, табиий экология тизимларидан фарқли ўлароқ, ижтимоий онг, жамият ва табиатнинг коэволюцияси томонидан таъминланиши керак.

Ҳар бир «ижтимоий экология» тизимининг жўпқин мувозанатини, унинг энг қулай фаолият тузилмаси таъминлайди. Бу тузилма энг қулай функционал зоналаштириш ва табиатдан фойдаланишнинг энг қулай тартибини ўз ичига олади. Энг қулай функционал зоналаштириш хўжалик йўсенида фойдаланиш кўринишлари – дехқончилик, яйловчилик, ўрмончилик, саноат, дам олиш жойлари, кўриқхона ва бошқалар ўртасида ижтимоий экология тизими худудий бойликларини ижтимоий экология жиҳатидан энг оқилона, яъни ижтимоий, иқтисодий ва табиий муҳофазалац талабларини ҳисобга олган ҳолда тақсимлашдан иборатdir. Табиатдан фойдаланишнинг энг қулай тартиби эса, ижтимоий экология тизими турли-туман кўринищдаги табиий бойликлардан иқтисодий жиҳатдан энг кўп фойда олишни кўзлаб фойдаланишдан иборатdir. Бунда геоэкотизимни ташкил этувчи таркибий йўл қўйилган чегарадан ортиқ юк тушибаслиги керак, албатта.

### 1.5. «Ижтимоий экология»нинг вазифалари

«Ижтимоий экология» предметининг таҳлили, бу фан махсус фанларга хос ҳусусиятта эга бўлмаслигини кўрсатади, зеро у воқеликнинг асосий соҳалари – инсон, жамият, табиат ўртасидағи чуқур алоқаларни очиб беради. Бу «Ижтимоий экология» «Жамият-инсон-техника-табиий мухит» тизимлари бир бутунлиги ва бир-бирини тақозо қилишини тадқиқ этадиган уйғуналашган

фан эканлигидан далолат беради. Унинг ўзига хослиги яна шундаки, у материянинг мажмуи ва тизим сифатида олинган ижтимоий ва бошқа барча ҳаракат шакллари ўртасидаги қонуний алоқаларни ўрганади. Бу фан табиий-илмий ва ижтимоий фанларни ўйғулаштирувчи «Фалсафий материализм»нинг умумий услубијати негизида шаклланади ва ривожланади.

Г.А.Бачинский адолатли равишда таъкидлаганидек, «Ижтимоий экология» ўйғулашган фанлараро хусусият мавжуд бўлгани учун тизимли бир бутунликка эга. Назарий асоси «Материалистик диалектика» бўлган бу фан «География», «Иқтисодиёт», «Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти», «Биоэкология», «Муҳандислик экологияси» ва ҳоказоларнинг ижтимоий-табиий қараашларини ўйғулаштиради.

«Ижтимоий экология» назарий (фундамент) ва амалий йўналишларга эга. Инсоният жамиятнинг атроф табиат муҳити билан ўзаро таъсири қонуниятларини ўрганиш, жамият ва табиатнинг ўзаро мувофиқлашган (балансланган) таъсири умумий назариясини ишлаб чиқиши назарий жиҳатдан «Ижтимоий экология»нинг предметидир. Регионал ва маҳаллий ижтимоий экология тизимларини мажмууй (мажмуя) ўрганиш ва мажмуалаштириш (моделлаштириш)ни «Ижтимоий экология» предмети дейиши мумкин. Бунда шу тизимларнинг қулай фаолият тузилмасини аниқлаш мақсад қилиб қўйилади.

«Ижтимоий экология»нинг асосий вазифаларини аниқлаётган жамият ва муҳитнинг ўзаро таъсирини акс эттирадиган «Экология»га нафақат тушунча сифатида, балки экологиянинг ижтимоийлиги сифатида ҳам эътибор бериш лозим. Бунинг маъноси шуки, «Ижтимоий экология» тадқиқотлари маълум меъёрда ижтимоий тузилмаларга, ижтимоий тузилмалар бошқарувчи жамоат-ишлаб чиқариш технологиясига мос келишини аниқлашга, жамият ва атроф-муҳитнинг ўзаро таъсирини қулайлаштиришга, инсониятнинг бутун ер шарига тааллуқли муаммоларини ҳал этишга қаратилиши керак. Шундай қилиб, ижтимоий тузилмаларга мувофиқ келадиган қолипларни (моделларни) ишлаб чиқиши «Ижтимоий экология»нинг энг муҳим вазифасидир.

Ижтимоий тузилмаларнинг ўзи ҳам, жамоат-ишлаб чиқариш технологияси мазмуни, жамиятнинг бутун ҳаёт фаолияти шу жамиятнинг ижтимоий аҳамиятли эҳтиёжлари билан ҳал қилувчи даражада боғлиқдир.

Зиддиятли цивилизациянинг бутун тарихий даври, ўзгартирувчи технологиянинг ҳукмронлиги моддий эҳтиёжлар устун туриши билан тавсифланган. Моддий бойлик яратиш тараққи-

ётни ҳаракатга келтирувчи асосий мазмун (мотив) сифатида майдонга чиқди. Аммо бундай тараққиёт ўзининг табиий чега-расига эга бўлиб, сайёра ва унинг биосфераси пировард аҳами-яти билан ер шари экологик бўхронга интилган бўлади.

Инсон табиатига энг муносиб ва унга айнан ўхшайдиган эҳтиёжларни инсон ва инсоният жамияти моҳиятидан чиқара билиш ҳамда уни ижтимоий аҳамиятли даражага кўтариш «Ижтимоий экология»нинг энг муҳим вазифасидир. Бу эҳтиёжлар инсоннинг чексиз вужудга келаверишида рағбатлантирувчи ва ўзгартирувчи омил бўлишта қодирдир. Афтидан, бундай эҳтиёжларни маънавий, ақлий фаолиятдан келтириб чиқариш лозим бўлади.

Маънавий ривожланиши маддий ривожланишдан фарқли ўлароқ, чексиздир. Бундан ташқари, унинг энг жиддий устунилиги шундаки, у бошқа бирорнинг ҳисобига амалга оширилиши мумкин эмас, унга бошқаларга қандайдир зарар етказмаган ҳолда ҳар бир киши эришиши мумкин. Бинобарин, шуни ҳам назарда тутиш лозимки, ақлий ривожланиш бўлмай, лаззатланиш ва кайфсафони кўзлайдиган муайян маънавий эҳтиёжларни қондириш табиат ва жамиятга зарар етказади.

Кўтгина тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, жамият билан табиат ўртасидаги ўзаро муносабатларни мувофиқлаштириш, «Ижтимоий экология» тизимларида табиий ва антропоген таркибий қисмларни мувофиқ равишда уйғулаштирадиган ҳамда одамларнинг санитария-гигиена, нафосат ва маддий эҳтиёжларни қондирадиган сифат жиҳатдан янги табиий маданийлашган ҳаёт муҳитини яратиш ҳамда қўллаб-қувватлаш «Ижтимоий экология»нинг асосий вазифасидир. Мазкур вазифа регионал ва маҳаллий ижтимоий экология тизимлари энг қулай фаолиятини таъминлайдиган тузилмалар яратиш воситасида ҳал этилиши мумкин.

## Қисқача холосалар

«Ижтимоий экология» табиат, ижтимоий ва техника фанларининг энг муҳим қарашларини умумлаштирадиган ва бир бутун қилиб бирлаштирадиган уйғунлашган фандир.

Табиат инсон учун ягона макон, у одамни турли озиқовқат маҳсулотлари, кийим-кечак, уй-жой ва бошқа зарурый буюмлар билан таъминлайди.

«Ижтимоий экология» биоэкологик таъсирида шаклдана бошлади.

«Ижтимоий экология»нинг микротузилиши алоҳида фанлар ютуқларини уйғунлаштирувчи учта бўлакни, яъни ишлаб чиқариш экологияси, инсон экологияси ва фазо экологиясини ўз ичига олади. Ижтимоий экология тизими ер шарини қамраб олган (глобал); регионал ва маҳаллий тизимларга бўлинади.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. «Ижтимоий экология» фани нимани ўрганади?
2. «Ижтимоий экология» фанининг ривожланиш босқичлари.
3. «Ижтимоий экология» фани қайси фанлар билан алоқадор?
4. «Ижтимоий экология» фанининг бозор иқтисодиёти шароитидаги вазифалари нималардан иборат?

## Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Шодиметов Ю.Ш. Региональные проблемы социальной экологии. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
3. Шодиметов Ю.Ш. Ижтимоий экология»га кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1994.
4. Лосев А.В., Провадкин Г.Г. Социальная экология. – М.: Владос, 1998.
5. Камаров В.Д. Социальная экология – Л., 1990.
6. Маркович Д., Ж. Социальная экология. – М. Просвещение, 1991.
7. Багинская Г.А. Основы социоэкологии. – Л., 1993.

## II боб

### ИЖТИМОЙ ЭКОЛОГИЯНИНГ МУАММОЛАРИ ВА ҚОНУНЛАРИ

#### 2.1. Ижтимоий-экологик муаммолар ва уларниң оқибатлари

Экологик ҳалокатлар оқибатлари йил сайин даҳшатли тус олмокда. Биз бу ҳалокатлардан сақланиш устида эмас, балки уларниң тарқалишини камайтириш, сайёрамизни ҳозирги аҳволга олиб келган замонавий цивилизацияниң техноген ва ижтимоий-маданий оқибатлари шиддатини тұхтатиши устида бош қотиришимиз керак. Бу эса әльтиборни содир бұлаёттан экологик ҳалокатларниң сабабларини охиригача англаб олишга, чукурроқ тадқиқ қилишга ва салбий оқибатлардан қутилиш шүлгүнини излашға қаратмоғимизни такозо этади.

Күпгина тадқиқотчиларниң фикрича, табиатдан фойдаланында экология қонун-қоңдаларига ҳали етарлы равищда риоя қилинмайды. Лекин айни пайтда экология қонуниятларидан амалда фойдаланиши борасыда дастлабки қадамлар қўйилмоқда. Экотизимларни бошқариши ўрганиш, уларниң тузилишини, алоҳида қисмлари ўртасидаги ўзаро муносабатларниң ўзгариб кетаётган мұхит шароитларыда бир бутунлигини таъминлайдиган ўзаро таъсир этиш мажмуди ва бошқа жиҳатларини янада чукурроқ ўрганиш зарурати туғилмоқда.

Моддаларниң биологик айланишига мадад бериш экотизимнинг бош вазифасидир. У тизимни ташкил этувчи популяциялар ўртасидаги ўзаро муносабатлар асосида амалга ошади. Зотлар билан алоҳида популяцияларниң ўзаро таъсири турли усулларда рўй беради. Аммо улар орасида биологик айланиш бош ҳалқасини модда ва энергиялар бир шаклдан бошқасига айланишини таъминлайдиган оралық алоқалар катта аҳамиятга эга. Айни бир вақтда ҳар бир популяция мұхитдаги аниқ шароитларда турниң яшаш вазифасини саклаш ва қайта ишлаб чиқаришдир. Инсон табиат хазинасидан зарур бойликларни олар экан, аниқ популяция экотизимида қандай алоқаларни бузёттеганига кўпинча бефарқ қарашади.

Ҳайвонлар ва ўсимликлар популяцияларидан кўп ҳолларда уларниң жинси ва ёш тузилмаси ўрганилмай, зичлиги, туғилиши ва ўлиши, янгилиниш имкониятлари ҳисоб-китоб қилинмай фойдаланилади. Бу биологик бойликларниң таназзулга тутишигагина эмас, балки шу худудда турларниң йўқолиб ёки бутунлай қирилиб кетишига олиб келади.

## **2.2. Табиий ресурслардан интенсив фойдаланиш ва бошқа усуллар орқали жамиятнинг экотизимга таъсири**

Табиий ресурслардан интенсив фойдаланиш ва бошқа усуллар орқали жамиятнинг экотизимга таъсири оқибатида антропоген юкнинг ўсиши табиий бойликларнинг зарарланишига олиб келади. Инсон популяцияси миқдорининг ғоятда ортиши ҳамда модда ва энергиянинг инсон популяция орқали ҳаракат қилиши табиий экология тизимларининг алмашиниши ёки бутунлай йўқ бўлиб кетишини келтириб чиқаради. Инсоният жамиятига хос бўлган моддий қайта ишлаб чиқариш туфайли бу таъсирнинг ортиши ва янги техникани қўллаш, ҳозирнинг ўзидаёқ инсон популяцияси ер шарининг катта маконларидан нафақат бош трофиқ йўл (канал)га, балки барча даражадаги биогеноц нозни ўзгартирувчи бош кучга айланган.

Экотизимларни таҳлил қилаётганда, инсон уларнинг ички тузилмаларидан ажратиб олинади ва тизим устига қурилган ижтимоий ҳодиса сифатида кўздан кечирилади. Лекин бу инсоннинг экология тизими билан бевосита ва билавосита алоқаларини ҳамда бу алоқаларнинг экотизимда модда алмашинувига таъсирини сира ҳам истисно этмайди.

Цивилизация давригача инсон популяция сифатида табиий экотизимнинг ва экотизимлар устига қурилган бирликлар элементи бўлган, нисбатан тартибга солинган ўзаро алоқа тузилмалари ва вазифаларига қўшилган. Энди эса вазият шундайки, инсоннинг техникавий фаолияти таъсири натижасида табиий экотизим ёнпасига инқирозга учратмоқда.

Ҳозирги пайтда экологлар табиатнинг табиий ҳолати қандай ўзгараётгани, организм муҳитнинг ўзгараётган шароитларига қандай мослашаётгани каби масалаларни ҳал этишлари, аниқ олинган экотизимларда антропоген жараёнларнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган меъёрларини аниқлашлари маҳсулотларда моддаларнинг биологик айланишини таъминалайдиган технология лойиха ва жараёнларини ишлаб чиқишида қатнашишлари, саноат ва аҳоли тўплангандарда экотизимни тиклаш ва барпо этиш услубларини ишлаб чиқишилари керак. Бошқача қилиб айтганда, табиий экотизимларни, уларнинг ўзгаришига олиб келадиган антропоген фаолият ўртасидаги тўғри ва такрорий алоқа ҳамда таъсир йўлларини ўрганиш зарурати туғилмоқда. Шунинг учун ҳам инсоннинг экостизимга таъсирини ўрганиш ва туркумлаш биринчи ўриндаги вазифадир.

### **2.3. Табиатда экотизимга таъсир қилувчи антропоген омилларнинг турлари ва оқибатлари**

Эколог К.А.Малтиновский қуйидаги асосий антропоген таъсирларни ажратиб кўрсатади:

— абиотик муҳитни ўзгартирувчи таъсирлар. Улар техника воситалари билан муайян мақсадни кўзлаб атайнин кўрсатилади ёки қўшимча хўжадик фаолияти натижасида юзага келади. Бу таъсирлар биотик тизимларнинг муҳитга мавжуд мослашув холатини бузади, агар кўрсатиладиган таъсир ўз жадаллиги бўйича экотизимнинг бузилган мувозанатларини тиклаш чегараларидан ўтиб кетса, уларни қайта куришга олиб келади. Бундай чегарарадан чиқиб кетиш ҳоллари геология, гидрология ва метеорология шароитларининг бузилиши, организм ёки бошқа бирималар ҳаётини чегараловчи биогенларни қалаштириб ташлаш, сув, ҳаво, тупроқ таркибий қисмлари ўртасидаги нисбатларнинг ўзгариши ва бошқа ўзбошимчаликлар оқибатида рўй беради. Улар экотизимни одат бўлиб қолган дастурдан чиқаради. Бу ўзгаришлар саноат, мелиорация, қишлоқ хўжалиги, урбанизация сабабли амалга ошади. Бу ўринда таъсирлар абиотик элементлар, қадриятилар ўзгаришига ва шу пайтгача мазкур шароитларда бўлмаган янги элементларни жорий қилишга олиб келади;

— муҳит шароитлари антропоген ўзгаришларнинг биотик таркибий қисмлар ҳаёт фаолиятига восита ёрдамида таъсири. Шароитларнинг бу ўзгаришлари организмлар ҳаёт фаолиятини кучайтиради ёки сусайтиради ва уларнинг муҳит шароитига таъсирини оширади. Бундай ҳолатлар тупроқ ҳосил қиладиган жинслар, тупроқ бузилишида, ер ости сувлари даражаси, худуднинг сув таъминоти беқарор ўзгарганда кузатилади. Муҳит шароитларининг техника воситалари ёрдамида ўзгариши биотларга энг жиддий таъсир кўрсатади.

Тирик организмларга техниканинг бевосита таъсири — типик организмларга техника воситалари билан далаларга ишлов беришда, ҳосилни механизмлар ёрдамида йиғиштиришда, поезд, автомобиль, транспорт ҳаракати вақтида, электр тармоқларини куришда, сув бостиришда, худуд кечаси ёритилганда рўй беради. Бу жараёндаги йўқотиш одий механика ёрдамида йўқотиш хисобланади. Бевосита механик таъсирининг бошқа кўринишлари, бу — популяция ёки биогеоценозни автомобиль йўллари, темир йўллари, дамбалар кураётганда турли техникавий тўсиклар билан майда қисмларга бўлиб ташлашидир. Курилиш вақтида пайдо бўладиган вазиятларда анъанавий вазифаларни бажариш учун популяциялар камлик қилиб колишиб мумкин. Бундай тўсиклар

AXBORO T RESURS MARKAZI

№ 440436

зотларнинг кўчидан юришига қаршилик қиласи, генефонд ва эволюция жараёни ўзгаришини келтириб чиқаради.

Биотларга бевосита тўғридан-тўғри таъсир кўрсатувчи омиллар. Улар фойдали ўсимликларни йиғиш, саноат жамиятга эга бўлган ҳайвонларни тўғридан-тўғри овлаш ёки отиб олиш, организмларни ёки алоҳида турлар химоясини йўқотиб юбориш кўринишларида намоён бўлади. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, инсон ва техника муйян маънода экологияга оид илмий-тадқиқот дастурларининг бир қисмига айланади. Бундай шароитларда табиий экотизимларда инсон ва техникани ўрганиши умумий экологиянинг ижтимоий экологияга жалб қилинадиган қисми учун асосий вазифа ҳисобланади. «Умумий экология»нинг бу қисми нафақат назарий, балки амалий йўналишга ҳам эга бўлиши, экотизимни қулайлаштирадиган хўжалик тадбирларини ишлаб чиқиши заруриятини юзага келтиради.

#### 2.4. Ижтимоий экологиянинг асосий қонунлари

Мантиқий фондида предметни тавсифлайдиган қонун-қондалар муйян фанинг муҳим кўрсаткичидир. Фан кашф этган қонуниятлар унинг гнесиологик етуклигидан ва амалиётга жавоб бериш қобилиятидан дарак беради. Жамият ва табиий муҳит ўзаро таъсирининг муҳим йўналишларини акс эттирадиган қандай қонунлар. «Ижтимоий экология» фан сифатида мавжудлиги ҳақидаги фикрларни асослаши мумкин.

Эколог олимларнинг фикрига кўра, жамият тавсифи унинг томонидан, ўз табиати мухитидан ва ҳаёт фаолиятининг табиий бойликларидан фойдаланиш тавсифини олдиндан белгилаши мумкин. Шу бойисдан биз табиий-ижтимоий контининум ичидаги жиддий, тарихан барқарор ва умумий бошлиқ сифатида табиатдан фойдаланиш тавсифига нисбатан ижтимоий тузумнинг бошқарувчилик роли қонунини қайд этишга ҳақлимиз. Унинг мазмунни мазкур жамиятнинг табиатдан фойдаланишига шундай иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий таъсир кўрсатишини ўз ичига оладики, у моддий ишлаб чиқариш соҳасини, ишлаб чиқариш кучлари ривожини тезлаштиради.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қонун ҳаракатининг обьективлиги материя ҳаракатининг ижтимоий шакли, шу материя ривожининг қонуниятли маҳсули бўлиб, сифат жиҳатидан ўзига хосдир. Шундан келиб чиқиб, В.Д. Камаров тегишли мантиқий таърифни, бойликни меҳнат воситалари билан қўлга киритишининг ҳаёт воситалари табиий бойлигидан устунлиги қонунини таклиф этади.

Табиий мұхит ҳолати ва жамият ривожи тавсифининг эңг мувофиқлиги қонуни. Ижтимоий-эколог Э.В. Гиусов табиий мұхит ҳолати ва жамият ривожи тавсифининг эңг мувофиқлиги қонунини таърифлаб берган. Бу қонуннинг мазмуни шундан иборатки, табиий мұхит ҳолати ижтимоий ишлаб чиқариш усулы ва ривожланишининг аниқ тарихий чегарасидир. Агар жамият ўша мұхитда қола туриб, ўзининг табиатта мұносабати сифатини ўзgartырмай, ишлаб чиқаришни жадал ривожлантираверар әкан, мұайян босқычда экология бўхрони ҳолатига киради. Бўхроннинг ривожланиши эса, мазкур цивилизациянинг ҳалокати билан тутайди ёки жамият ишлаб чиқариш кучлари тавсифи ўзгаришига сабабчи бўлади.

Жамият ўз фаолиятининг табиатдаги узоқ, табиий-тарихий натижаларини ҳисобга олмай, ишлаб чиқаришни тартибсиз олиб боришидан тўхтамас эжан, кўрсатиб ўтилган қонун мажбурий ҳаракатда бўлади. Э.В. Гиусов фикрига кўра, ҳозирги даврга келиб инсоният қудратли геологик кучга айланган бўлиб, табиат тикланишини, таъминлаш қобилияти вазифасини ўз зими масига олиши керак. Бунда ўз-ўзидан равшанки, сайёрамизда бир-бирига қарама-қарши ижтимоий-иқтисодий тузумлар мавжудлиги, мазкур вазифани бажариш учун барча давлатлар ҳамкорлиги зарур. Иқтисодий ва ишлаб чиқаришнинг илмий-техникавий тараққиёти мавжуд бўлгани ҳолда бундай ҳамкорликнинг ҳар қандай сустлапшуви глобал ижтимоий-экологик вазиятнинг кескинлашувига олиб келади.

Ойкуменанинг табиий-тарихий кенгайиш қонуни. Ойкуменанинг тарихий-табиий кенгайиш қонуни таъсириининг турли томонларини ҳозирги шароитларда «Тарих», «Биология», «Геология», «География» ва бошқа кўпгина фанлар ўрганмоқда. Шу билан бирга, бу йўналишдаги илмий маълумотлар фақат ижтимоий экология доирасида уйғунлашади. Инсоният ривожининг тарихий тажрибаси кўрсатишича, Ойкумена узлуксиз кенгайиб боради. Жамият тараққиёти билан унинг ишлаб чиқариш, амалий фаолияти чегаралари ўртасидаги тақрорланиб турадиган алоқалари янада ривожланади. Ойкумена кенгайишининг географик-фазовий миқёслари юқорида айтилган уйғунлашиша техника фанлари, космонавтиканинг ҳам қатнашишини талаб қиласди.

В.И. Вернадский кашф этган ноосферанинг тўлқинсимон ривожланиши шамойили «Ижтимоий экология»нинг асосий қонуни дидир. У кейинги минг йиллар ичida меҳнат ва фан ноосферани ривожлантира бориб, биосфера ва Ернинг бошқа қатламларига таъсирини муттасил кенгайтира ва чуқурлаштира бор-

ғанлиги түррисидаги ғояни 1940 йилдаёқ матбуотда чоп этган эди. У шундай деб ёзган эди: «Биосферада сўнгги ўн мингинчи йилликда ўз аҳамияти бўйича «Эркин энергия»нинг янги шакли янгидан бунёд этилади; Инсоният маданияти энергияси ёки маданий биогеокимёй энергия, деб аташ мумкин бўлган биогеокимёвий энергиянинг бу янги шакли ҳозирги вақтда ноосфера бунёд этётган биогеокимёвий энергиядир... У организмларнинг ақлий фаолияти билан ҳаётнинг олий кўринишидан мия ривожи билан боғлиқдир ва фақат ақлнинг пайдо бўлишидан эътиборан биосферанинг ноосферага ўтишини тайёрловчи шаклда бўлар экан». Вернадский бой илмий материални умумлаштириб, инсониятнинг маданий биогеокимёвий энергияси олдинга қараб ўсиши хусусида холосага келади. Бу белгилар ноосфера ривожининг танаффуслари изчил қисқариши, орқага қайтмаслигидан далолат беради. Бир вақтнинг ўзида Ойкуменанинг кенгайиш жараёни давом этётгани ва ижтимоий ҳаёт олга ривожланишини, планетализмининг турли қисмларида цивилизация суръати ўзгараётгани хисобга олинадиган бўлса, ноосферанинг тўлқинсимон ҳаракати очик-ойдин бўлиб қолади. Ойкуменанинг кенгайиши тамойилидан фарқли ўлароқ, ноосфера тараққиёти кенгайиши тамом бўлиб, мазкур худуд табиат мухитини чуқур ўзлаштириш бошланганида жадаллашади.

## Қисқача холосалар

Моддаларнинг биологик айланишига мадад бериш экотизмнинг бош вазифасидир. У тизимни ташкил этувчи популяциялар ўргасидаги ўзаро муносабатлар асосида амалга ошади.

Экотизимларни таҳдил қилаётганда инсонни уларнинг ички тузилмаларидан ажратиб олинади ва уни тизим устига қурилган ижтимоий ҳодиса сифатида кўздан кечирилади.

Ҳозирги пайтда экологлар табиатнинг табиий ҳолати қандай ўзгараётгани, организм мухитнинг ўзгараётган шароитларига қандай мослашаётгани каби масалаларни ҳал этишлари, аниқ олинган экотизимларда антропоген жараёнларнинг йўл кўйилиши мумкин бўлган меъёrlарини аниқлашлари керак.

Эколог олимларнинг фикрига кўра, жамият тавсифи униаг томонидан ўз табиат мухитидан ва хаёт фаолиятининг табиий бойликларидан фойдаланиш тавсифини олдиндан белгилари мумкин.

В.И.Вернадский капш эттан ноосферанинг тўлиқинсимон ривожланиши тамоили ижтимоий экологиянинг асосий қонунидир.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

Ижтимоий экологиянинг қайси муаммоларини биласиз?

Табиий ресурсларни камайиб кетиши сабаблари нимада?

Экотизимга таъсир этувчи қайси омилларни биласиз?

Антропоген омил турларини айтиб беринг.

Бошқарувчилик роли қонуни ва мазмуни нимадан иборат?

Жамият ривожи ҳаракатининг энг мувофиқлии қонуни нима?

## Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Шодиметов Ю.Ш. Региональные проблемы социальной экологии. - Т. Ўзбекистон, 1992.
3. Шодиметов Ю.Ш. Ижтимоий экологияга кириш. - Т.: Ўқитувчи, 1994.
4. Лосев А.В., Провадкин Г.Г. Социальная экология. - М.: Владос, 1998.
5. Холмуминов Ж. Экология ва қонун. - Т.: Адолат, 2000.
6. Камаров В.Д. Социальная экология. - Л., 1990.
7. Маркович Д.Ж. Социальная экология. - М.: Просвещение, 1991.

## III боб

### ИНСОННИНГ РИВОЖАЛИНИШИДА ИЖТИМОЙ-ЭКОЛОГИК ОМИЛЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

#### 3.1. Жамиятнинг табиат билан ўзаро муносабатлари ривожланиши ва ижтимоий-экологик муаммоларнинг пайдо бўлиши

Инсоният турмуш тарзига фан-техника тараққиёти катта таъсир ўтказиб, жамиятнинг табиат билан ўзаро муносабатини анча фаоллаштирунганда. Бу ижтимоий ривожланишининг энг асосий омилларидан биридир. Инсоннинг биосферага таъсир ўтказиши ҳам миқёси бўйича, ҳам жадаллиги бўйича кескин ўсганлиги бутун дунёда экологияга, унинг услубий ва амалий кўринишларига қизиқиши кучайтирунганда. Эколог И.Т.Фроловнинг таъкидлашича, инсоният қудрати ғоятда ошиб бораётган техника воситалари ёрдамида табиат бойликларини жадал истемол эта бориб, ўз циливилизацияси ривожланици ва биология тури сифатида ўзининг ўсиши шароитлари беҳад яхшиланганлиги бутунги кунда рад этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Бироқ табиатни бўйсундира бориб, инсон ўз ҳаёт фаолиятининг табиий негизларига анча путур етказиб, жамият билан табиат ўртасидаги ўзаро таъсирни бузганлиги ҳам равшандир. Бу ижтимоий ва инсоният учун аҳамиятли бўлган экология муаммосининг моҳиятини ташкил этади. Бундай шароитда «Инсон экологияси» фанини ривожлантириш, унинг услубий ва ижтимоий-гиена жиҳатларини тадқиқ этиш зарурати тобора ортиб боради. Мазкур фан одамлар ва табиат, инсон ва биосферанинг ўзаро муносабатини ҳаётнинг аниқ ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шароитлари билан боғлиқ ҳолда ўрганиши зарур.

«Инсон экологияси»га материалистик ёндашиш бир томондан, унинг ҳам мажмуини, ҳам глобал тавсифини, иккинчи томондан эса, ижтимоий ривожланишининг замонавий ишлаб чиқариш, фан-техника, маданият тараққиёти ўсишининг янада умумий жараёнлари билан боғлиқ ҳолда аниқ ижтимоий контекстда келиб чиқиши ва моҳиятини кўриш имконини беради. Илмий техника инқилоби даврида фан ва амалиётнинг кўпдан-кўп йўналишлари ўз тадқиқотлари марказида тобора кўпроқ инсонни, унинг ижтимиой биологик табиатини, фаровоилигини кўрмоқдалар.

Инсон саломатлиги бугунги кунда жамиятнинг мураккаб тарихи ва ҳозирги тараққиёти оқибати эканлиги аникланган. Шу боисдан тиббий санитария - гигиена тадбирларининг бироргаси

ҳам, улар қанчалик илмий асосланган ва техникавий ривожланган бўлмасин, ўз-ўзича жамият аъзоларининг соғлигини саклаш ва ривожлантириш, муҳофаза қилишини таъминлай олмайди. Бунинг учун бутун жамиятни ижтимоий ишлаб чиқариш — иқтисодиёт тузилмасини илмий ташкил қилиш, меҳнат, дам олиш, майнавий ва жисмоний тарбия шароитларини вужудга келтириш, ҳаёт тарзи маданияти ривожлантирилишини тақозо этади.

Ушбу муаммолар жамиятнинг табиий шароитлар билан ўзаро таъсири тўғри ва бу таъсирини такомиллаштиришга йўналтирилгандагина ҳал этилиши мумкин. Бунда барча географик минтақалар, жонли ва жонсиз табиатдаги барча жараёнлар, планетализмнинг ҳамма соҳалари қамраб олинади. Ҳозирги даврда табиатни шунчаки муҳофазалаш эмас, балки инсон, табиат ва улар ўртасидаги мувофиқликни янада такомиллаштириш талаб этилади.

### **3.2. Табиатни муҳофаза қилишининг инсон саломатлигига ижобий таъсири**

Табиатни муҳофаза қилиш энг олий мақсад ҳар томонлама ривожланган инсон ва инсоният жамиятига эришишининг энг муҳим воситаларидан биридир. Табиаттинга экотизимнинг барча элементлари утун фақат ҳаётий зарур моддий шарт-шароитлар ва биогеноценознинг бошقا элементлари билан боғлиқ равишда ҳаёт кечириш мумкин бўлган табиий муҳитдир. Биоижтимоий (жонзот) шароитда фақат инсонгина ўз эколигик вазиятини ўзгартириш ва бир экотизимдан иккинчисига эркин равишда ўтиш қобилиятига эга. Инсониятнинг тарихий ривожланиши унинг табиий табиатта таъсир даражаси ўсиб бориши ва ўзи яшаци учун сунъий ижтимоий шароитлар яратилиши билан туташиб кетган.

Фан-техника тараққиёти шароитида ижтимоий ҳаётнинг барча ҳодисаларига (ижтимоий-иқтисодий, тиббиёт-биология, экология ва бошقا) мажмууй ёндашиш зарурати пайдо бўлди. Бу ўтган даврларга нисбатан инсоннинг табиатга тажовуз қилиши энг фаол тус олаётгани билан боғлиқдир. Бундай тажовуз табиатга ҳам, инсоннинг ўзига ҳам, унинг ҳаёт фаолияти шароитларига ҳам жиддий таъсир кўрсатаётир.

### **3.3. Фан-техника тараққиёти натижасида табиатнинг ўзгариши ва ижтимоий муаммолар**

Инсоният учун фан-техника тараққиёти янги имкониятлар яратиш билан бирга, ижтимоий тизим тавсифидан қатъи

назар, бу имкониятлардан фойдаланишда зиддиятлар түгдира-ди. Мехнат маҳсулоти, моддий бойликлар, қадриятларни тақ-симлаш бу зиддиятлар нафақат маданият ва санъатнинг иж-тимоий-сиёсий қонун-қоидаларида, балки инсоннинг табиат ва сунъий экотизимлар билан, шунингдек, ўзининг рухий-физиоло-гик ва ижтимоий-биологик табиати билан ўзаро таъсирида ҳам намоён бўлади. Айнан мана шу зиддиятлар ҳозирги замон эко-логия вазиятида ҳаёт кечириши даражаси пасайиши ва кучайи-ши ҳамда уйғунсизлик пайдо бўлиши негизини ташкил этади. Бундай зиддиятлар одамларнинг объектив жиҳатидан тобора ошиб борадиган эҳтиёжлари учун кўпинчча табиат бойликлари-дан фойдаланиш жараёнининг келажакдаги экологик оқибат-ларини инобатга олишини тақозо этади.

### 3.4. Инсон экологиясида ижтимоий ва ҳаётийликнинг моҳияти

Фан ва техниканинг ривожланиши инсон ҳаёти билан узвий боғлиқ бўлган ижтимоий-биологик муаммоларни ва ҳаёт эҳтиёжларини тадқиқ этишдаги муваффақиятлар «Ижтимоий экология» муаммоларини соғ назарий таҳдил қилишдан амалий равишда кўриб чиқишга ўтиш вазифасини қўйди. Инсон эколо-гиясида ижтимоийлик билан биологиявийликнинг ўзаро боғ-лиқлиги меҳнатнинг барча элементларида, предметлари ва во-ситаларида, алоҳида ишчи кучида, меҳнат фаолиятининг ўзида ва унинг барча хатти-ҳаракатида намоён бўлади. Меҳнатнинг ана шу элементларидан ҳар бири инсон антогенезида организм-нинг ижтимоий-биологик ривожланиши ижтимоий сабаб асо-сида рўй беришига таъсир кўрсатади. Масалан, истеъмол қий-матларини яратиш инсоннинг ижтимоий-биологик ва ижтимо-ий ҳаёт кечиришини бирлаштириш ва таъминлашнинг зарурӣ щартидир. Меҳнатнинг ягона жараёнини мавхум ва аниқ меҳ-натга ажратишда инсондаги ва унинг меҳнат фаолиятидаги ижтимоийлик ва ижтимоий биологиявийлик диалектик алоқа-сининг энг муҳим кўринишидир. Барча омиллар биргаликда ёки алоҳида-алоҳида ишлаб чиқариш усули, базис, устқурма-нинг ўзаро муносабатлари ва уларнинг иқтисодий, гоявий ва ижтимоий-биологик одамлар ҳаёти фаолиятининг муайян да-ражаларида алоқаларига жиљдий таъсир кўрсатади. «Инсон-жамият-табиат» тизими доирасида инсон экологиясида ижти-моийлик ва биологиявийлик ўзаро таъсирининг қуйидаги дара-жалари ажратиб кўрсатилади: регионал, тармоқ, корхона ёки меҳнат жамоаси таркиби, иш жойи, меҳнат фаолияти ва унинг

турли кўринишлари барча даражалар учун ҳал қилувчи ижтимоий омил ҳисобланади: «Инсон организми «мехнат меъёрини» белгилаб бориб, меҳнат сифати ва миқдорига, унинг йўналиши ва давомийлигига, иш вақти ва бўш вақтдан фойдаланишга узлуксиз ўз муносабатини билдириб туради. «Мехнат меъёри»ни белгилашдан ўтиш эса, инсоннинг ҳам ижтимоий, ҳам биологик ривожланишида ўз изини қолдиради», деб таъкидлашади эколог олимлар К.Е. Тарасов ва Е.К. Черненколар.

Фан ва техника тараққиёти ютуқлари фаол қўлланиладиган барча ижтимоий тизимларда инсон экологиясидаги ижтимоийлик ва биологиявийлик ўртасида зиддиятлар мавжуд бўлади. Бу зиддиятлар фан-техника ютуқларини қўйлаш, меҳнатни такомиллаштириш ҳамда инсонийлаштирилишига караб бартараф этилиши ёки таъсири доирасини камайтириши мумкин.

### 3.5. Инсон экологиясида минтақавий даражада кўрсаткичлари ва уларнинг асосий йўналишлари

Жамиятнинг технологик ривожланиши меҳнат ва аҳоли саломатлиги муаммоларига, унинг ижтимоий-гигиеник, рухий-физиологик ва экологик кўринишларига сифат жиҳатидан янгича ёндашишин талаб қиласди. Минтақавий маънода бу муаммолар Марказий Осиё мисолида айниқса яққол кўзга ташланади.

Одамларга илмий техника жараёнлари билан боғлиқ бўлган кўплаб турли-туман омиллар тобора ўсиб борувчи меъёрларда таъсири кўрсатади. Булар атом ва кимё саноати ривожи юзага келтирган зарарли сабаблар, абиготик ва биотик вазиятни ўзгартирувчи саноат чиқитлари, саноатнинг, одамларнинг катта шаҳарларда тўпланиши, демографик ва бошқа омиллар билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Бундай шароитларда меҳнат ва саломатлик диалектикаси муайян ижтимоий-иктисодий ва экологик вазиятга татбиқан аниқ таҳдилни талаб этади. Кўп худудларда экологик вазият кишилар саломатлигининг сифат ва миқдор кўрсаткичлари муайян даражада ёмонлашгани билан тавсифланади, бу эса мамлакат меҳнат кучлари имкониятларига салбий таъсири кўрсатади. Бу яқин ўтмишда собиқ Иттилоғ ҷегараларида мамлакатда инсон экологиясида рўй берган салбий ҳодисалар оқибатидир.

Ижтимоий соҳа муаммоларига бир ёқлама технократик ёндашув иктиносидиётнинг кўпгина тармоқларида банд бўлган кишиларнинг саломатлиги, меҳнат фаолиятига салбий таъсири қиласди. Натижада бир неча ўн йиллар мобайнида ўлимнинг тез камайиши ва узоқ умр кўришнинг ўсишидан кейин «Бир жойда депсиниши» нинг узоқ чўзилган даври бошланди. Ўлимнинг юқори-

лиги сақланиб қолди, баъзи ҳолларда бусиз ҳам нисбатан юқори ўлим даражаси, айниқса, ишчи ёшидаги эркакларда ўси, ўлим ва ўртача умр кўриш кўрсаткичлари бўйича мамлакатнинг дунёдаги иқтисодий жиҳатдан ривожланган кўпчилик мамлакатлардан орқада қолишига олиб келди. Цивилизация ютуқларини таъминлай олишни ҳисобга олиб таққосланганда, эркаклар ўртача 10 йил, аёллар эса 7 йил кам яшайдиган бўлдилар.

Ишчи ёшидаги аҳоли ўсишининг тез суръатлари билан унинг анчагина қисми соғлигининг паст даражаси ўртасида муайян зиддиятлар пайдо бўладики, бу минтаقا аҳолисининг имкониятига таъсир кўрсатди. Собиқ СССРда меҳнат ёшидаги аҳолининг қон айланиши касалликларидан ўлиши 1970 йилдаги 88 (100 минг кишига ҳисоблаганда)дан 1999 йилда 120 %га, ёмон сифатли янгидан пайдо бўладиган элементлар 76 дан 94% га етган. Айни вакъта АҚШда худди шунга ўхшаш давр мобайнида юрак касалликлари оқибатида ўлиш ҳоллари сони 30 %га камайган, инсультдан оламдан ўтиш 40 %га қисқарган.

Марказий Осиё минтақасида вужудга келган экология бўхрони вазиятининг олди олинмас экан, меҳнатни инсонпарварлаштириш ва аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш муаммосини муваффақиятли ҳал қилиб бўлмайди. Бу ҳудуд биосферасига экологик, антропоген таъсир кўрсатиш юзасидан ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, кейинги ўн беш йилликда инсон ҳаёт кечирадиган шароитларга саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва демография кўрсатган таъсир юклари (нагрузкаси) бир неча марта кўпайган. Ишлаб чиқаришнинг ўсиб кетган миёслари табиат бойликларининг барча асосий турларини ишлаб чиқариш жараёнларига жалб этиш жадаллиги ва ишлаб чиқариш атроф-муҳитга чиқариб ташлаётган чиқитлар ҳажманинг кўпайиши инсон саломатлиги учун катта ва кўпдан-кўп муаммолар келиб чиқишига сабабчи бўлмоқда.

Маълум ҳудудларда ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштириш масалалари ҳал этилаётганда атроф-муҳитни сақлаш таъминланмагани ижтимоий-экология мувозанатининг жиҳдий равицда бузилишига ва антропогекимёвий фавқулодда ҳолатлар пайдо бўлишига олиб келди. Юқорида таъқидланганидек, Амударё ва Сирдарё ҳавзасида кўнгилсиз экологик ҳолатлар вужудга келди, бир қатор нодир сув ҳавзаларида сув сатҳи пасайиши авж олди. Орол денгизи акваторияси икки марта қисқарди, Иссиккўлга қўйиладиган юзаки оқим ҳам анча камайди.

Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, малакасиз меҳнат жабҳаларида саноат роботларини қўллаш, моддий ишлаб чиқарища фаннинг роли ошиб кетганлиги мазкур омиллар негизи-

ни ташкил этади. Аҳоли ҳаёт фаолиятининг янада қулайроқ ва бир хил қимматдаги иқтисодий, ижтимоий, экологик ва ижтимоий-гигиеник шароитларини таъминлашда умуман минтақа ва мамлакат ҳудуди бўйича одамларни жойлаштириш тизимини режали шакллантириш Марказий Осиё учун, айниқса, долзарбдир. Бу муаммоларни ҳал этиш учун инсон экологиясида иқтисодий, демографик ва ижтимоий-биологик жиҳатлар бирлигини нафақат минтақавий, балки тармоқ даражасида ҳам такомиллаштириш талаб этилади.

### 3.6. Инсон экологиясида тармоқлар даражасининг хусусиятлари

Марказий Осиё республикаларида саноат тармоқларини қайта қуриш ва техника билан қайта қуроллантиришга аҳамият бериладиган бўлиб қолди. Бу иш регион учун жуда муҳимдир, зеро кўпгина корхоналар йаҳон уруши йилларида қўчириб келтирилган заводлар базасида қурилган. Ҳаракатдаги ишлаб чиқаришни янтилаш ишлаб чиқариш фондлари ўсишининг етакчи йўналишига айланмоқда.

Саноат тармоқларининг каттагина қисми техника ва технология даражаси, санитария-гигиена аҳволи бўйича фан-техника инқилобининг замонавий имкониятларига мувофиқ келмайди. Кам малакали, зериктирадиган кўл меҳнати, ишлаб чиқаришни экологиялаштиришнинг гоят паст даражадалиги минтақа хўжалигининг кўпгина тармоқларига хосдир.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида Ўзбекистоннинг кўпгина йирик корхоналари ишлаб чиқариши техника жиҳатдан тубдан ўзгартиришга эришилмоқда ва кўплари қайтадан такомиллаштиришга муҳтож.

Бозор муносабатлари шароитида ҳалиқ хўжалигининг илмий-техникавий жиҳатдан қайта қуриш меҳнат жараёнининг ижтимоий-гигиена, экология ва эргономика кўринишлари бутун мажмуида ҳам айни шунга ўхшаш қайта қуриш билан уйғун равишда амалга оширилиши керак. Бунда одам фаолиятини фаоллаштиришнинг муҳим омили сифатида инсондаги иқтисодий ва ижтимоий биологик жиҳатлар диалектик асос қилиб олиш керак.

### 3.7. Инсон экологияси, корхона, меҳнат жамоаси даражаларининг хусусиятлари

Инсон ҳаёт фаолиятидаги иқтисодий, ижтимоий-экологик ва ижтимоий-биологик жиҳатларининг ўзаро муносабати

ишилаб чиқариш жамоаси даражасида айниңса яққол намоён бўлади. Замонавий корхона техника ва технология, фан-техника тараққиётининг энг сўнгги ютуқлари – компьютерлар ва микропроцессорлар, роботлар ва кайишқоқ технология тизимлари билан жиҳозланган қудратли ишилаб чиқариш мажмудидир.

Бозор муносабатлари шароитларида ходимлар ва ишилаб чиқариш воситаларининг қўшилиши эркин ҳолатда бўлади. Ишилаб чиқариш жараёнида инсон экологияси муаммоларига кенг кўламли тадбирларни ҳисобга олиб ёндашиб керак: ишилаб чиқариш технологиясини яхшилаш регионнинг иқлим-географик хусусиятларини назарда тутиб, табақалашган санитария-гигиена меъёрларини қўллаш, меҳнатни илмий ташкил этишини жорий қилиш, механизациялашган потокли ва автомат тизимларини ўрнатиш ана шундай тадбирлар сирасига киради. Бунга «Тошкент трактор заводи» ишилаб чиқариш бирлашмаси мисол бўла олади.

Меҳнат ва инсон саломатлиги ўзаро меҳнат фаолиятида, инсон экологияси санитария-гигиена кўринишларини такомиллаштирища ҳам намоён бўлади. «Меҳнат муҳофазаси» тущунчалиси тиббиёт вазифаларига тадбиқан, назарий талқин қилиш тадбирларининг икки асосий гуруҳини ажратиб кўрсатиш лозим: «меҳнат шароитларида инсонга»; «инсондан меҳнат шароитларига». Биринчи ҳолатда инсоннинг морфология-жисмоний ва руҳий туйғу тавсифлари бошлангич ўзаро таъсири нинг нисбатан доимий элементлари, деб қабул қилинди. Улар эса, муайян ташқи шароитларни талаб қиласиди. Бундай ёндашганда меҳнат фаолиятини инсон имкониятларига мувофиқлаштириш вазифаси кўйилади. Иккинчи ҳолатда ўша тавсифлар меҳнат тавсифининг ўзгармас даражаси, деб қабул қилинади. Ишилаб чиқариш инсон ва мухитнинг ўзаро муносабатларига бундай икки томонлама ёндашув инсон ҳаёт фаолиятида меҳнат, иқтисодий-экология ва ижтимоий-биологик жиҳатларнинг ўзаро муносабатларини такомиллаштиради.

## Қисқача хуосалар

Инсоннинг биосферага таъсир ўтказиши ҳам миқёси бўйича, ҳам жадаллиги бўйича кескин ўсганлиги бутун дунёда экологияга, унинг услубий ва амалий кўринишларига қизиқиши кучайтирмоқда.

Инсон экологиясига материалистик ёндашиш бир томондан, унинг ҳам мажмуйи, ҳам глобал тавсифини, иккинчи томондан эса, ижтимоий ривожланишининг замонавий ишлаб чиқариш, фан-техника, маданият тараққиёти ўсишининг янада умумий жараёнлари билан боғлиқ.

Фан-техника тараққиёти шароитида ижтимоий ҳаётнинг барча ҳодисалари (ижтимоий-иктисодий, тиббиёт-биология, экология ва х.к.) мажмуйи ёндашиш зарурати пайдо бўлди.

### Назорат ва мұхқокама учун саволлар

1. Жамият билан табиатнинг ўзаро муносабатлари.
2. Ҳозирги тараққиёт ва табиатнинг ўзгариши тўғрисидағи қарашлар.
3. Инсон экологиясида ижтимоийлик ва ҳаётийлик деғанда нимани тушунасиз?
4. Инсон экологиясида регионал тармоқ даража нима?
5. Инсон экологиясида корхона, ишчи ўрни, меҳнат жамоаси даражаси ҳақида нималарни биласиз?

### Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсарасида: хавф-сизликка таҳдиц, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафоларлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Шодиметов Ю.Ш. Ижтимоий экологияга кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1994.
3. Лосев А.В., Провадкин Г.Г. Социальная экология. – М.: Владос, 1998.
4. Камаров В.Д. Социальная экология. – Л., 1990.

## IV боб

### ИНСОННИНГ ИЖТИМОЙ-БИОЛОГИК ВА ЭКОЛОГИК ИМКОНИЯТЛАРИНИ МАҚБУЛ ҲОЛАТГА КЕЛТИРИШ МУАММОЛАРИ

#### 4.1. Фан-техника ривожининг инсон соғлиги ва онгига, рухий-жисмоний ҳолатига таъсири

Малтумки, фан-техника тараққиёти ингичилар меҳнатининг мазмуни ва шаклларида ўзгаришларга олиб келади. Тор ихтиосли касблар ўринни бошқарув, созлаш ва механизациялашган тизимларга хизмат кўрсатиш вазифаларини ўзида уйғунаштирувчи «кенг тармоқли» касблар эгалайди. Б.Н.Бессоновнинг таъқидлашича, янги ишлаб чиқариш бир иш ўрнида турли хилдаги фаолиятлар бирлашишига олиб келади ва бинобарин, ҳозирги ишчига билим доираси кенгликни, замонавий физика, кимё ишлаб чиқариш, электроника ва информатика каби фанлар асосларини билишини тақозо қиласди.

Замонавий ишчи янги қурилмалар мажмуининг ишланиши, уларнинг ишдан чиқиши, меҳнат жамоаси ва жамият учун катта иктисолий талофатлар, ускуналар, касбларнинг янги турларини ўзлаштириб олишга тайёр бўлиши керак. Бу омилларнинг барчаси киши танаси ва онгининг рухий-жисмоний ҳолатига жиҳдий таъсири қиласди. Фан ва техника тараққиёти туфайли содир бўладиган ижтимоий ўзгаришлар фақат автоматлаштириш оқибатида эмас, ишлаб чиқариш операцияларини мажмуя механизациялаш, уларни мақбул тарзда ташкил этиш ва бошқа кўплаб жараёнлар оқибатида юзага келади. Юқорицагилардан кўриниб турибдики, илмий-техника инқилоби ишлаб чиқариш кучлари тизимида яхлит юз берар экан, у асосий ишлаб чиқариш кучи ҳисобланган инсонга, унинг рухий, жисмоний имкониятларига, меҳнат қилиши лаёқатига, моддий ва маънавий бойниклар яратишга ҳам боғлиқ.

Бундай таъсирчан инсоний омил кўпинча ижтимоий-экологик ва тиббиёт йўналишларида ўрганилмоғи зарур. Ҳозирги шароитда меҳнатда технологик ва рухий-жисмоний жараёнларнинг ўзаро алоқаси муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хулоса қилиб шуни таъқидлаш зарурки, ишлаб чиқаришини автоматлаштириш жараёни ишчи саломатлигини шакллантиришда янги муаммони илгари суради: ишлаб чиқаришдаги тез ўзгараётган шароитларни, инсоннинг ижтимоий-касл маъқеи ўзгаришга мойиллигини юзага келтиришни ҳисобга олиб, технологик жараённинг рухий-жисмоний, рухий-ижтимоий, гигиеник ўлчовларни тубдан ўрганиш зарурлигини кўрсатади.

Ҳозирги даврда жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг қайта қуриш босқичида аҳоли саломатлиги тушунчаси янги мазмун касб этади. Инсон фаолиятининг макон, давр ўлчовлари жиддий кенгайиши, ҳозирги ИТР таъсирида юзага келадиган янги экологик вазият саломатлик савиясини белгилаб олиш, инсон танасининг руҳий-жисмоний мақбул ҳолатлари меъёрини ойдинлаштириш вазифасини илгари суради.

Кишиларнинг саломатлик савиясини белгилаб олиш муҳим инсонпарварлик ва халқ хўжалиги аҳамиятига эга. Саломатлик имкониятларини аниқлаш ҳудудларнинг иқлимий-журрофий шароитлари, этник ривожланишаги ўзига хосликлар, аҳоли турмуш тарзи, илмий-техника инқилоби, устувор соҳалардаги технологик савиялари, ишлаб чиқариш имкониятларининг техник ўлчовлари инсоннинг антропометрик ва руҳий-жисмоний имкониятларига мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда ҳаётга татбиқ этилишини тақозо этади.

Жамиятдаги турли ижтимоий ва демографик гурӯхларнинг саломатлигини аниқ назорат қилиш керак, бу кишиларнинг самарали турмуш кечириши, меҳнат қилиш, аҳоли турли тоифаларининг ижтимоий фаолиятини оширишга қаратилган муҳим шартга айланмоғи лозим. Аҳоли турли тоифаларининг саломатлигини муҳофаза қилиш масалаларини самарали ҳал этиш саломатликка доир кўрсаткичларга баҳо беришда, ҳудудий ўлчов ва мезонлар ишлаб чиқиш зарурятини тутдирмоқда.

Жамиятда «соғлом киши» тушунчасини тоифаларга бўлган ҳолда у кишиларнинг мамлакат турли ҳудудларида истиқомат қилишлари билан ҳам белгиланиши кераклиги жуда тўғри таъкидланади. Узок Шимолдаги шароитларда яшайдиган соғлом киши ва Марказий Осиё ёки бошқа ҳудудлардаги соғлом кишини бир хил тушунчаларда изоҳлаб бўлмайди. Ҳар бир минтақада уларнинг фаолият йўналиши ва турмуш тарзи бир-бiriга ўхшамайди.

Марказий Осиё ҳудуди демографик хусусиятининг ўзига хосликлари фан-техника тараққиёти шароитларида жамиятни қайта қуриш, меҳнат ва саломатликнинг ижтимоий-тигиеник, руҳий-ижтимоий ва эргономик жиҳатларини ҳар томонлама ўрганиш асосида меҳнат жараёнини мақбул ҳолатга келтириш муаммосига мажмуя ёндашишини тақозо этади.

Фан-техника тараққиётини ишлаб чиқаришда кенг жорий қилишда меҳнат жараёнини гигиеник ва ижтимоий-экологик мақбуллаштириш бўйича асосий омиллар қуидаги гурӯхларга бўлинади:

### 1. Объектив омиллар:

- а) ижтимоий-технологик;
- б) техникавий-технологик;
- в) экологик;
- г) морфофизиологик.

2. Субъектив омиллар:

- а) тацкилий-бошқарув;
- б) союлиқни муҳофаза қилишга оид;
- в) аксиологик (шахсий-майл);
- г) рухий.

Ушбу омиллар янада такомиллашган сайин ва ривожлангач, меҳнат жараёнини мақбул ҳолатга келтиришга жиддий таъсир кўрсатади. Инсон саломатлиги кўп жиҳатдан унинг турмуш фаолиятига, кечадиган меҳнат жараёнига бориб тақалади. Бу вазифаларни ҳал этишда фан-техника тараққиёти ривожланишида юзага келадиган салбий-ижтимоий, экологик, техникавий-технологик омилларни аниқлаб, аста-секин бартараф этиш муҳим роль ўйнайди. Замонавий ходимнинг руҳий-жисмоний мавқеига, меҳнати сифатига таъсир кўрсатадиган субъектив омиллар ичida ишлаб чиқаришни, меҳнатни муҳофаза қилиш, механизм, асбоб-ускуналар аҳволи муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги пайтда муҳофаза-соғломлаштириш тадбирлари учун ишлатилаётган маблағлар ҳажми етарли эмас. Шунинг учун ишлаб чиқаришда ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга маблағларни анча оцириш зарур.

#### **4.2. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт тармоқларида меҳнат жараёни ва уларнинг инсон саломатлиги ва меҳнат унумдорлигига таъсири**

Маълумки, ёмон меҳнат шароитлари касалликлар туфайли иш вақтини бой беришни кўпайтиради ва ходимлар қўнимизлигига асосий сабаб бўлади. Меҳнат шароитларини ҳар томонлама яхшилаш вазифаси тобора ижтимоий-иктисодий тус олиб, уни ҳал этиши учун бу соҳада бошқарув механизмини қайта қурицни талаб қиласди. Шу ўринда меҳнат жараёнини, унинг тацкилий-бошқарув жиҳатларини оптималлаштириш объектив омиллари биринчи ўринга чиқади, меҳнат шароитларини тартибиға солиш, хавфезизлик ўлчовларини ишлаб чиқиш бўйича яхлит тизим яратиш даркор.

Фан-техника тараққиётининг жадаллашиши киши меҳнат фаолияти жараёнида барқарорликни таъминлайдиган мақбул биологик-ижтимоий чегараларни аниқлаш вазифасини илгари суради. Бу вазифани ҳал этиш меҳнат шароитининг иж-

тимоий мақбул жиҳатларини илмий равишда олдиндан аниқлаш йўллари ва объектив мезонлари бўлишни тақозо этади. Бу мезонлар асосан меҳнат жараёнини мақбуллаштиришнинг юқоридаги тоифаларга бўлинган омилларидан келиб чиқади.

Республика соғлиқни сақлаш ташкилотларининг маълумотларига қараганда, регионда кўпгина корхоналарда ишлаб чиқариш жараённада санитария-гиёна меъёрларига риоя қилинмайди, шовқин-сурон, титраш, чанг-чунглик даражаси мумкин бўлган чегарадан 5-10 мартадан ҳам ортиқдир.

Бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ёки жароҳат олиш эҳтимоли бизда ривожланган мамлакатлардагига нисбатан жуда катта. Азият чекканларнинг кўпчилигини кутқариб қолишиади. Лекин бундай вазиятлар сонини камайтириш энг самарали йўлдир. Бу вазифани ҳал қилишда тибиёт ҳам қатнашиши мумкин ва зарур, лекин ёлғиз шу билан иш битмайди. Бу йўналишда ривожланган мамлакатларда кўпгина тажрибадар тўплантган. Масалан, АҚШ машинасозлик фирмалари техника хавфсизлиги қоидаларини кучайтириб, меҳнатни муҳофаза қилиш мақсадларига салмоқли маблағлар ажратмоқда. Бу маблағлар манбаи асосан бахтсиз ҳодисалар айборлари ва уларни келтириб чиқариш мумкин бўлган шахслар, техника хавфсизлигига риоя қилмайдиганлардан олинадиган жаримадир.

Ишлаб чиқаришни юксак даражада автоматлаштириш ва технологик асбоб-ускуналарнинг пухталиги ҳам жароҳатлар сонини қисқартирища мухим омилдир. Машинасозлик тармоқларида техника тараққиёти ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш даражасига бевосита таъсир қиласди. Ўтган асрнинг 80-йиллари охирида Ўзбекистонда саноат корхоналарнинг 50%дан кўпроғи янги техникани жорий қилиш билан шугулланмаган, 96 та роботлаштирилган мажмуалардан ҳар бештадан бири ишламас эди. Айни чорда хўжалик ҳисоби ва ўзини маблағ билан таъминлаш меҳнат жараёнини оптималлаштиришга ижобий таъсир кўрсатётган қатор корхоналар ҳам бор. Масалан, Тошкент трактор заводида меҳнат ва саломатлик самарадорлигининг ижтимоий-иқтисодий омиллари муваффақиятли кўлланилмоқда.

Бозор муносабатларига ўтиш билан меҳнат шароитларини яхшилаш, кўл ишлари ва оғир юмушларни механизациялаш бўйича тадбирларнинг бажарилиши, ишлаб чиқаришда хасталанишни 22%га камайтириш имконини берди. Кўриниб турибдики, меҳнат жараёнини мақбуллаштиришнинг объектив ва субъектив омилларини мажмуа таъминдаш жамоага ходимларининг саломатлигини муҳофаза қилини, меҳнат потенциалини сақлаб қолишида ижобий натижалар келтириши мүқаррардир.

Мехнат жараёнида инсоннинг биологик-ижтимоий имканиятларини муваффақиятли тарзда оптималлаштиришни таъминлаган бундай мисоллар кўп эмас. Бу айниқса минтақанинг агросаноат мажмуи учун тавсифлидир. Узбекистон аҳолисининг учдан икки қисми қишлоқ жойларда истиқомат қиласди, меҳнатга лаёқатли бир ярим миљион қишлоқ аҳоли пахтачилик билан банд. Мехнат шароитлари, экологик аҳвол, қўлланиладиган машина ва механизмлар регион меҳнат потенциали биологик-ижтимоий имкониятиларига доимо мос келавермайди.

Марказий Осиё худудидаги туб аҳоли морфологик тавсифини ўрганиш шундан далолат берадики, ўзбек, тоҷик ва туркманлар жисмоний турга кўра европеоид ирқининг шохобчалиридан бирига мансубдир. Тадқик қилинаётган гуруҳдар қиёс этилган рус аҳолиси катта европеоид ирқи саналувчи Ўрта Европа ирқига мансубдир. Минтақа агросаноат мажмуасида қўлланиладиган қишлоқ ҳўжалик техникаси қишлоқ меҳнаткашларининг антропометрик жиҳатларига мос келмайди. Мехнат умумдорлигининг пастлиги, кўплаб хасталикларнинг юзага келиши сабаблари ҳам шуларга боғлиқ.

Эргономик талаблар ҳисобга олинган ҳолда иш жойи жиҳозланадиган бўлса, меҳнат унумдорлиги 60% кўпаяди, иш пайтида қоматни тўғри тутиш унумдорликни 5-25%, иш ҳарақатларини тўғри бажариш унумдорликни 25%гacha оширади. Ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра, механизаторларнинг организми функционал ҳолати иш куни давомида гемодинамик кўрсаткичларни жиддий ёмонлаштиради, марказий асаб тизими ишини анча зўриқтиради. Кўркув анализатори, асаб-мушак аппаратини зўриқтиради.

Социологик таҳлилларга кўра, қишлоқ ҳўжалигининг 1800 ходимидан тракторчиларнинг 74,9%и у ёки бу сурункали хасталиклардан азият чекаркан. Бу хасталиклар орасида нафас олиш, ошқозон-ичак йўlliари касалликлари, бод етакчи ўрин эгаллайди. Ҳўжалик раҳбарларида у ёки бу сурункали касалликлар борлиги аниқланган. Мехнат тавсифи ва шароитларини белгиловчи кўрсаткичлар таҳлили фўзага ишлов бериш ва йигим-терим ишлари билан машғул механизатор меҳнатининг оғирлиги ва зўриқиши жиҳатдан IV тоифага мансуб. Бу тоифага хос белгиллар ҳавонинг чангланганилиги ва щовқининг кўплиги, шунингдек, механик ишнинг қудратини ўз ичига олади. Лекин қилинадиган саъй-ҳарақатнинг юқори нуқтаси, иш ҳолати, диққат-эътибор зўриқиши омиллари, юрак-қон томир ва асаб-мушак тизимлари ҳолати кўрсаткичлари, шунингдек, сарфланадиган кувватга кўра, механизаторлар меҳнатини III тоифага ман-

суб қилиш мүмкін. IV тоифадаги мөхнат, яғни жуда оғир ва зұриқтирадиган мөхнат танавинг мослашиш-қолаш имконияттарини издан чиқариши билан тавсифланади.

Яқын ўтмишда пахтачилук техникаларыда ишлаш шароиттарининг нокулайлиги туфайли хотин-қызлар мөхнатидан фойдаланиш жараёнида барча ишлаб чиқариш омиллари аёллар организмыга салбий таъсир күрсатар эди. Жисмоний-морфологик ўзига хосликлари туфайли аёллар танаси экологик салбий омилларга таъсирчан эканлыгини ҳисобға олсак, күплаб ишлаб чиқарылған трактор ва пахта териш машиналарыда ишлаш аёл танасига күпроқ салбий таъсир қылды.

Кишлоқ хұжалиғы тармоқдари орасыда ғұзага ишлов бериш билан банд бўлган эркак механизатор саломатлиғи ахволини ўрганиш шуни күрсатғанки, саломатлик кўп жиҳатдан баражираётган ишнинг тавсифига боғлиқ экан. Трактор ҳайдовчиларининг иш стажи ошган сари, уларнинг нафас олиш аязолари хасталиклари билан оғриши кучая бориши аниқланған. Асаб тизими, титраш касалликлари ҳар хил туртқилаш, нокулай ясалған ўриндиқ, қоматни тегишлича тутиш зарурати, бошқарув дастакларига катта куч ишлатиш натижасида ривожланади. Радикулит билан оғриш ўйи ишлагандан кейин кўзга ташланар экан.

Аут экологик ўрганиш шуни кўрсатадики, трактор ҳайдовчиларининг хасталанишлари мавсумий тавсифга эга бўлиб, йилнинг иш қизғин пайтларida орта боради. Еши улғайған сари, тракторчилар ўртасида хасталаниш кўрсатқичи ҳам ортиб борар экан. Ҳар юз тракторчига ҳисоблагандан, бир йилда 214дан 1469гача иш куни бой бериши аниқланған.

Шундай қилиб, қишлоқ хұжалиғи учун ишлатиладиган машина ва механизmlарнинг техник ўлчовларини әргономик ва санитария-гигиена талаблари асосида ўрганиш орқали ишлаб чиқаришта жорий этиш зарур. Марказий Осиё иқдим шароитининг ўзига хосликларини ҳисобға олган ҳолда машиналарни такомиллаштириш мөхнаткашлар саломатлигини муҳофаза қилиш учун ҳам, мөхнат унумдорлигини ошириш учун ҳам катта аҳамиятта эга. Буларнинг ҳаммаси Марказий Осиё ижтимоий-экологик тизими шароитларida инсон экологиясини мажмua тадқиқ, қилишни тақозо этади.

Инсонни кўзда туттган ҳолда мөхнат жараёнини мақбул ҳолатга келтириш инсон-машина тизимини такомиллаштиришни тақозо этиб, бу тизим икки шохобча – инсон ва машиналарни ўз ичига олади.

Марказий Осиё минтақаси шароитида қўлланиладиган машиналар инсон ўлчовларига мос келмайдиган бир қатор тех-

ник ўлчовларга эга. Шу талаблардан келиб чиқсан ҳолда инсон-машина тизимиңдаги ўзаро муносабатларни оптималлаштириш, икки шохобча ўртасидаги зиддиятларни ҳал этиш йўлларини топишни тақозо этилади.

#### 4.3. Инсоннинг биологик ва ижтимоий мослашиши тўғрисида умумий тушунчалар

Фан-техника инқилоби кишилик жамиятининг тарихий ривожланишида қонуний жараён бўлган инсон ва табиат муносабатларида сифат жиҳатидан янги босқичдир. Айни чорда, у бир қатор янги муаммоларни юзага келтирадики, улар орасида инсоннинг ижтимоий ва биологик мослашуви, яъни адаптацияси муҳим ўрин тутади.

Янги иқтисодий шароитда ящаётган инсоннинг ҳаётий шароити фан-техника янгиликлари эндитина илдиз ота бошлаган саноат тўнтаришилари давридаги шароитдан жiddий фарқланади. Кишиларга фан-техника тараққиёти ва ижтимоий тараққиёт билан боғлиқ кўплаб омиллар сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Хозирги даврда атом ва кимё саноатларининг ривожланиши, ишлаб чиқариш чиқиндилари, биогеоценозлар, шароитларнинг ўзгариши, пестицид ва дефолиантларни кўплаб қўллаш билан боғлиқ равишда кенг миқёсли қишлоқ хўжалиги муҳитининг юзага келиши, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва электронлаштириш юзага келтирган кўплаб омиллар инсоннинг мослашиш имкониятларига жiddий таъсир қиласди.

Инсон жониворлардан фарқли равишда муҳитдан фойдаланиб қолмасдан, ўзининг яшаши учун уни маълум даражада ўзгартиришга қодир. Социологик кузатишлар натижаларига кўра, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги янги муҳит инсоннинг биологик-ижтимоий табиатига жiddий таъсир кўрсатиб, унинг биологик потенциали ва мослашиш қобилиятилари савиясига анча таъсир этади. Биологик-ижтимоий эволюция жараёнида биологик мослашиш механизмларидан ташқари инсонда янги мослашиш воситалари юзага келди. Улар фақат морфофизиологик жиҳатлар ва фетъл-атвор орқалигина эмас, аввало кишилар ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, демографик ва бошқа муносабатларни қайта куриш асосида ташкил топади. Бундай мослашишни «ижтимоий адаптация» дейилади (В.П.Петленко, Г.И.Царегородцев, 1976). Инсон табиатининг ва ижтимоий моҳиятининг диалектик бирлиги унинг ҳам ижтимоий, ҳам биологик жиҳатдан мослашиш имкониятларини таъминлайди.

Барча тирик мавжудотнинг умумий хусусиятлари бўлган

мослашиш организмларнинг ўзгараётган шароитларига мослашишини таъминлауди ва тирик мавжудотнинг атроф-муҳитдаги ўзгаришларига мос равища кўниши жараёндан иборатdir. Мослашиц-кўниши жараёнлари инсон фаолиятининг турмуш тарзида, тафаккурида барқарорланган ҳамда биологик бирлиги ўзаро алоқалари асосида содир бўлади. Инсон мослашишининг умумбиологик қонуниятлари билан бирга ўзининг ижтимоий мөхиятини кўрсатувчи кўниши имкониятларига эга ҳамdir.

Инсонга фан-техника инқилоби ютуқлари, коинотни, дениз тубларини, узоқ шимол ва жануб худудларини, чўллар, тропикларни ўзлаштириш муносабати билан одатдан ташқари муҳит омиллари таъсири кўрсатади. Буидай мослашиш муаммоларини тадқиқ қилиш мухим ва зарур эканлиги 1963 йили Венада бўлиб ўтган X Бош Ассамблеясида Халқаро илмий кенгаш эътиборини жалб қилди. Бу масалалар мос равища Халқаро Биологик дастурда (ХБД) ўз аксини топди. (Е.К. Крепе, 1971 й.).

Г.И. Царегородцев ва В.П. Петленколар (1976 й.) ижтимоий кўнишишнинг физик, кимёвий, биологик ва ижтимоий омилларни, шунингдек кўнишиш механизми бўйича ижтимоий мослашиши таъкидлаб кўрсатишиди. Улар ижтимоий мослашиш тушунчасини қуидагича таърифлашни таклиф қилишиб: «Ижтимоий мослашиш шахс ёки ижтимоий гуруҳнинг ўзгаришидаги шундай жараёнки, бу жараён уларнинг мавжуд ижтимоий муносабатлар, маънавий меъёрлар, қадр-қиммат тушунчаларини акс эттириб ва табиий муҳитга мос келиб қолмасдан ижтимоий-иктисодий муносабатларни ишлаб чиқаришнинг ривожланиши давомигина мос равища муйян тарзда қайта, куришни тақозо этади. Ижтимоий мослашишнинг бундай таърифи инсон фаолиятининг икки жиҳатини акс эттиради. Ушбу фаолият мослашиш хоссаларини инкор этмаган ҳолда бунёдкорлик жиҳатларига эга. Ижтимоий-иктисодий таракқиётни жадаллаштириш эҳтиёжларининг жамият олдида ҳам ишлаб чиқариш муносабатлари тавсифи ишлаб чиқарувчи кучлари ривожланиши давомигина мос келиши мувоносини ҳар томонлама таҳлил қилиш заруритини тақозо этади.

Янги бозор иктисодиёти шароитида ишлаб чиқарувчи ва ишлаб чиқариш муносабатлари бирлиги ижтимоий мослашиш тушунчасини янада кенгрок белгилаб олишини талаб қиласди. Кенг миқёсдаги ижтимоий мослашиш – жамиятдаги асосий ишлаб чиқарувчи куч-инсон, ижтимоий гуруҳ билан ишлаб чиқариш муносабатлари ва тегишли устқурма кўринишларининг диалектика бирлигини таъминлаш ва зиддиятларни ҳал этишдан иборат. Устқурма шахс моддий, маънавий эҳтиёжлари ривожланиши ва унинг биологик-ижтимоий табиатига кўра, ўзгариб боради.

Ижтимоий ва биологик жиҳатдан инсоннинг кўнишиш имкониятларидаги чуқур ўзгаришлар кўплаб касалликларнинг юзага келиши ва кўпайишига туртки бермоқда. Фан-техника инқилоби кент қулоч ёзаётган паллада меҳнат ва капитал ўртасидаги зиддиятлар ижтимоий-экологик ва технологик йўналишларда янги муаммолар туғдирмоқдаки, бу инсоннинг ижтимоий ва биологик фаолиятида ҳар хил зиддиятлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

#### 4.4. Ишлаб чиқариш муносабатлари ўзгаришининг инсон мослашишига таъсири

Кишилик жамиятида ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланган сайин ишлаб чиқариш муносабатлари ҳам ўзгаради. Бундай шароитда инсон омилининг роли ортиб, унинг мослашиши-бунёдкорлик имкониятлари кучаяди. Инсон омилини фаоллаштиришнинг муҳим шартларидан бири бўлган ижтимоий мослашиш фан-техника тараққиёти ютуқлари хўжалик юритишининг иқтисодий механизмлари устунликлари билан уйғуналашадиган шароитларда муваффақиятли амалга ошади. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш инсон биологик-ижтимоий табиатининг атроф-муҳитга мослашиши учун тамоман янги имкониятларни юзага келтириб, унинг жисмоний ва интеллектуал имкониятларига таъсир этади.

Инсоннинг мослашиш муаммосини унинг ижтимоий ва биологик жиҳатлари яхлитлиги асосида қараб чиқиши керак. Ижтимоий ва руҳий-жисмоний мослашишлар ўзаро боғлиқ жараёндир. Диалектик ўзаро таъсир тифайли бу жараёнлар инсон турмушининг барча ижтимоий ва табиий-биологик томонларини қамраб олиб, атроф-муҳит аҳволига боғлиқ бўлади.

Барча тирик мавжудотнинг атроф-муҳит билан муносабатларida ташки муҳитнинг организмга таъсири организм фаолияти учун зарур ресурсларни олиш, атроф-муҳитни ўзгартириш хусусида сиртдан олинаётган маълумотларга муносабат асосий унсурлардандир. Ноорганик муҳит барча организмларга яхлит тарэда таъсир кўрсатади. Айни чорда, ҳар бир тоифадаги мавжудот ва алоҳида организм ҳам ноорганик, ҳам органик табиий муҳитнинг таъсирида бўлади.

Кишилар томонидан муайян тажрибанинг ўзлаштирилиши уларнинг муҳиттага муносабатида ўзига хосликни шакллантирди. Генотурда ўзига хос инстинктив шаклларда бу муҳитни ўзлаштириш ва идрок қилищнинг йўқлиги инсоннинг муҳиттага муносабатини, табиий ўзига хосликни келтириб чиқаради. Унинг

фөзл-атвори азалдан мухиттага мослашмаган, ҳаракатлари мухит томонидан узил-кесил белгилаб қўйилган эмас, балки шахсий тажриба ортириш мобайнида мухиттага мослашишdir. Ана шуларга мувофиқ инсониятнинг генетик жамғармаси ижтимоий фаолият давомида ўзини намоён этади, табиий лаёқатларнинг онгли фаолияттага айланиши давомида инсоний маданиятни бойитади ва табиатни янада ўзгартириш учун асос яратади. Ушбу жараён инсоннинг биологик ранг-баранглигини кенгайтиришга олиб келсада, у ижтимоий омиллар, ижтимоий тараққиёт жараёнлари таъсири билан белгиланади. Шуни айтиш лозимки, у фақат биологик кўринишда эмас, балки мазмунга кўра, фан ва жамиятдаги ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиёти билан белгиланадиган ижтимоий жараён ҳисобланади.

Табиатда биологик мослашиш ўрнида бўлган ва инсоният ривожланишида етакчи ўринни эгаллаган ижтимоий қўни-киш инсоннинг табиий ва ижтимоий мухитта фаол муносабатидир. Лекин инсон фаолияти ижтимоий ва биологик жиҳатларнинг яхлит ҳолида ҳамда диалектик ўзаро таъсирида биологик мослашиш ҳам алоҳида ўринга эга.

Барча тирик мавжудотлар ҳаётига асос бўлувчи биологик жараёнларнинг ролини инкор қилиб бўлмайди. Қиши организми бу жараёнларга бўйсунаркан, биологик мослашишни бошдан кечиради. Инсоннинг зот сифатидаги биологияси ижтимоий муносабатлар ривожланган ва атроф-муҳитдаги шароитлар ўзгарган сайин такомиллашиб, организмнинг шароитларга мослашишида ўз аксини топади.

#### 4.5. Инсон хасталанишининг табиий-ижтимоий шароитта мослашиш билан боғлиқлиги ва уларнинг хусусиятлари

Инсон ўзининг ижтимоий-тариҳий фаол моҳияти билан фарқланувчи тирик жонзоридир. Ижтимоий жиҳатдан ялпи устуворлик меъёр ҳолатида ҳам, нуқсонли ҳолатда ҳам инсон анатомияси ва физиологиясининг барча жиҳат ва томонларига тегишли ҳисобланади. Кишиларнинг мослашишини табиий ҳолда ва нуқсонли ҳолатда «ижтимоий биологик» жараён деб қараладиган бўлса, бу ерда «биологик-ижтимоий» тущунчасини маъною жиҳатдан бир-бира, сўзсиз, қарама-қарши қўйиб бўлмайди. Инсон танасида биологик жиҳатлар ижтимоий жиҳатларни белгиламай, балки ижтимоий жиҳат биологик томонларни белгилайди. Ана шундай ёндашиш қасалликнинг юзага келишини атроф-муҳит ва ижтимоий мухитдаги етакчи омиллар белгилайдиган ҳодиса сифатида математистик идрок қилиш имконини беради.

Хар қандай жамиятнинг катта бойлиги инсон саломатлиги, халқ саломатлигидир. Бу соҳада илм-фан турли соҳаларининг ўзаро ҳамкорлиги жуда муҳим. Чунки меҳнат ва турмуш шароитларини соғлом ҳолатга келтириш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, бўш вақтни оқилона ташкил қилиш, касалликларнинг олдини олиш ва даволашда ҳам ижтимоий, ҳам табиий омилларни ҳисобга олиш керак. Инсон саломатлиги табиатнинг соғломлиги, атроф-муҳитнинг мусаффолиги билан уз-вий боғлиқдир. Инсоннинг мослашиши, унинг саломатлиги ва хасталикларига «биологик» ёки «биологик-ижтимоий» ҳодиса сифатида ёндашишининг бошқача шакллари ҳам мавжуд. Бундай ёндашув мавжудотнинг қуи шаклидан юқори ижтимоий шакл томон ҳаракатини инкор қиласди.

Инсон хасталиклари экологияси ва патогенези ўзгариши, баъзи хасталикларнинг йўқолиб кетиши ёки кўпайиб кетиши ёки бошқаларининг юзага келиши ўз ҳолича юз берадиган жараён эмас. Бу ҳодисаларнинг барчаси охир-оқибатда ижтимоий шароит тақозосидир. Чехиялик шифокор М. Обтулович таъкидлашича, аллергик хасталиклар кўпайиб кетишининг сабаби беҳаловатлик, шошмашошарлик ва зўриқишилар натижасида вегетатив асаб тизимининг ожизланиши, уларни келтириб чиқарувчи омилларнинг кўпайганлиги, шунингдек ташкил омиллар таъсири кучайишидир.

Шаҳар ҳавосини булғайдиган саноат чиқинидлари нафас олиш йўлларига шикаст етказиш, фармацевтика саноат етказиб берадиган дори-дармонларни кўп микдорда ишлатиш, овқатланишда табиий моддалари камайган консерва ҳолидаги тамларни кўп ейиш, сунъий аччиқ-чучуклардан фойдаланиш, ҳашаротларга қарши курашишда захарли химикатлардан фойдаланиш натижасида улар озиқ-овқат маҳсулотларига ўтиб, турли хасталиклар пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Табиатнинг инсон томонидан ўзгартирилиши одамлар таъсида юз берадиган ўзгаришлардан жуда илгарилаб кетган. Натижада ижтимоий-экологик талаблар билан инсон имкониятлари ўртасида зиддиятлар юзага келмоқда. Буларнинг ҳаммаси ҳозирги давр қициларининг хасталиклирида акс этмасдан қолмайди. Турмушининг янги шароитлари ҳозирги давр қишисидаги номақбул ўзгаришларнинг моҳиятига таъсири қиласди. Ўтмишда патология моҳияти ҳали булғанимаган табиатнинг нокулай таъсири билан белгиланган бўлса, ҳозирги пайтда инсоннинг ўзи ўзгартирган табиий шароитлар таъсири натижасидир.

Эндилиқда «биосферанинг мослашиши механизмлари» туғаб битини арафасида бўлиб, кўпинча имкон чегарасидан чиқ-

моқда. Шу асосда тузатиб бўлмайдиган салбий ўзгаришлар юз бериб, ўсимлик ва ҳайвонат дунёси, шунингдек, инсоният учун ҳалокатли оқибатларга олиб келмоқда. Инсон организми атроф-муҳитнинг тез суръатларда ўзгаришига ўрганмаган.

#### 4.6. Фан-техника тараққиёти ривожининг инсон экологиясига таъсир турлари ва вужудга келаётган муаммоларни ечиш йўллари

Ҳозирги давр кишиисига фан-техника тараққиёти жадал ривожланиши туфайли юзага келаётган кўплаб омиллар ўта салбий таъсир кўрсатмоқда. Атом ва кимё саноати ривожланиши сабабли юзага келган заарли унсурлар, биогеоценозларни ўзгартиравчи ишлаб чиқариш қодиклари, урбанизация жарёнининг мукаммаллашиши каби жараёнлар инсоннинг турли касалликларга ҷалинишига сабаб бўлмоқда.

Экологик ўзгаришлар жадал юз берганида организмларниң фаолияти, мослашиш имкониятлари билан инсон мавжуд бўлган ва ўзгараётган муҳит ўртасида муайян зиддиятлар келиб чиқмоқда. Организмнинг биологик эволюцион тараққиёти давомида шаклланган ўлчовлари антогенетик ўзига хосликлари билан экологик шарт-шароитда юз бераётган ўзгаришларга мостарзда кўника олмаслик қобилияти ўртасида юзага келган номувофиқликлар, бу ҳозирги давр кишиисининг хасталанишига жуда катта таъсир этмоқда.

Шундай қилиб, фан-техника тараққиёти инсониятга фаровонлик келтириш билан бирга айни чоғда ўзига хос муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бу муаммоларни ўз вақтида ва оқилона ҳал қилиш кўп жиҳатдан инсон ва табиат келажагини, фан-техника тараққиёти истиқболини белгилайди.

Шу нуқтаи назардан гарб тадқиқотчиларининг фан-техника инқилоби билан боғлиқ равишда «дегуманизация», «дезадаптация» ва «инсоннинг бегоналашувчи» ҳақидаги қатор назариялари эътиборга моликдир. Бир гурух хорижий олимларнинг фикрича, XX асрнинг 50-йилларида юзага келган «ижтимоий дезадаптация» назарияси шундай таълимотлардан биридир. Бу таълимот муаллифлари гарб тиббиёт ва тиббий социологияси вакилларидир. Лекин у кўплаб муаммоларни қамраб олгани учун фанлар доирасига сизмайди. Бу назариянинг қатор концепциялари юрак-қон томир, асаб хасталиклари, хавфли ўсимталар, травматизм ва патология бошқа қўринишларининг юзага келиши ва жадал ёйилишининг бош сабаби ва шарти фан-техника тараққиёти деб тушунилади.

«Ижтимоий дезадаптация» назарияси асосчиларидан бири Г. Делорнинг фикрича (1961 й.), хасталик инсоннинг уни ўраб турган биологик ва ижтимоий мұхитта күникишида юз берган четга чиқышлар натижасидир. «Ижтимоий дезадаптация»нинг асосий сабаби ҳозирги давр кишисининг яшаш шароитлари билан зот сифатидаги шаклланиш ўртасида номувофиқликкінг чуқурлашиб кетгенлигидир. Р. Дюбонинг (1962 й.) таъкидлашича, инсоннинг табиат күйнидан ажралып чиқиши у зот сифатида эга бўлган «табиий маромлар» билан номувофиқликка олиб келади ва у ўз навбатида физиологик бузилиш ва хасталиклар кучайишига сабабчи бўлади. Юқоридаги муаллифларнинг фикрича, ижтимоий антиадаптация шундай намоён бўладики, замонавий цивилизация ривожланган сайнин ижтимоий мұхитнинг инсониятга бегоналиги яққол сезилмоқда.

Г. Делор ва Р. Дюбон концепциясида ижтимоий маромларни бартараф этиш ёки четлаб ўтиш зарурати асосий ҳисобланган. Айнан ижтимоий маромлар, аниқроғи, уларнинг тартибига тушмаган эквивалентлари инсон учун номақбул ҳисобланади. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, хасталиклар сабабларининг концепцияси намоён бўлиб, унда маромларнинг номувофиқлиги асосий омил ҳисобланади. Инсоннинг табиий ҳаёти маромлари ва маданийлашган жамият юзага келтирган янги турмуш тарзи маромлари ўртасидаги номувофиқлик патологик ҳолатларнинг кўп учровчи ва умумий кўринишидир.

Янги давр цивилизациясининг хасталиклари, ижтимоий дезадаптация, дегенерация каби назарияларни танқидий таҳлил қилиш, уларда инсон фаолиятининг ижтимоий ва биологик жиҳатлари объектив акс этган.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш инсоннинг рухий-жисмоний жиҳатларини қайта тиклашнинг янги ўлчовларини илгари суради. Инсон яратган компьютер ва микропроцессорлар, технологик линиялар ва робототехника ундан ўз ривожланиши суръатларига мос рухий-жисмоний фаоллик талаб этади. Маълумки, инсон саломатлиги ўзгарувчан жараён бўлиб, унинг сифат ва микдор жиҳатлари ўзи яшаб турган мұхитдаги ўзгаришларга мос равишда ўзгариб туради.

## **Қисқача хуосалар**

**Маълумки, фан-техника тараққиёти ишчилар меҳнатининг мазмуни ва шаклларида ўзгаришларга олиб келади.**

Тор ихтисосли касблар ўрнини бошқарув, созлаш ва механизацияшган тизимларда хизмат кўрсатиш вазифаларини ўзида уйғунаштирувчи «кенг тармоқли» касблар эгаллайди.

Саломатлик имкониятларини аниқлаш худудларнинг иқлимий-географик шароитлари, этник ривожланишдаги ўзига хосликлар, аҳоли турмуш тарзи, илмий техника инқилоби устувор соҳалардаги технологик савиялари, ишлаб чиқариш имкониятларининг техник ўчловлари инсоннинг антропометрик ва руҳий-жисмоний имкониятларига мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда ҳаётга татбиқ этишини тақозо қилади.

ФТТ ни ишлаб чиқаришда кенг жорий қилишда меҳнат жараёнини гигиеник ва ижтимоий-экологик мақбуллаштириш бўйича асосий омиллар объектив ва субъектив курухларга бўлинади.

## **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Фан-техника тараққиёти инсон онги, руҳий ва жисмоний ҳолатига қандай таъсир кўрсатади?
2. Мехнат жараёни халқ хўжалиги тармоқлари бўйича қандай олиб борилади?
3. Инсоннинг биологик ва ижтимоий мослашиш тушунчаси нима?
4. Ишлаб чиқариш ва унинг мослашуви нима?
5. Инсон хасталигининг табиий-ижтимоий шароитига мослашиш билан боғлиқлиги ва уларнинг хусусиятлари нимадан иборат?
6. Ҳозирги даврда тараққиёт яратा�ётган ижтимоий муаммолар нималардан иборат?

## **Асосий адабиётлар**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Горелов А.А. Экология (Курс лекций). - М.: Центр, - 1998.
3. Шодиметов Ю.Ш. Ижтимоий экологияга кириш. - Т.: Ўқитувчи, 1994.
4. Лосев А.В., Провадкин Г.Г. Социальная экология. - М.: Владос, 1998.
5. Маркович Д.Ж. Социальная экология. – М.: Просвещение, 1991.
6. Багинская Г.А. Основы социоэкологии. – Л., 1993.
7. Коробкин В.И. Экология. – М., 2003.
8. Миллер Т. Жизнь в окружающей среде. – М.: Пангея, 1993.
9. Протасов В.Ф., Молчанов А.В. Экология здоровье и природопользование в России. – М.: Финансы и статистика, 1995.
10. Равель П., Равель Ч. Среда нашего обитания. – М.: Мир, 1995.

## V боб

### МИНТАҚАВИЙ ИЖТИМОИЙ-ЭКОЛОГИК МУАММО ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ УМУМИЙ ТАСНИФИ

#### 5.1. Минтақавий ижтимоий-экологик муаммолар ва уларга таъсир этувчи омиллар

Ижтимоий-экологик муаммолар умумбашарий, минтақавий ва локал муаммоларга бўлинади. Минтақавий ижтимоий-экологик муаммолар кенг миқёсли муаммолардан фарқли равишда, минтақавий-ижтимоий экотизимлар элементлари ва алоҳида минтақаларни қамраб олувчи муайян чегараларга эга.

Экологиянинг минтақавий муаммоларини ўрганиш турли минтақаларда инсоннинг хўжалик юритиши фаолияти натижасида юзага келган мухитдаги табиий ва ижтимоий шароитларни умумлаштириб баҳолаш, ноқулай ижтимоий-экологик муаммолар белгиларини аниқлашга имкон беради. Бундай баҳолаш учун табиий мухит, иқтисодиёт тармоқлари, тегишли минтақадаги демографик ва ижтимоий-иқтисодий маълумотлар хусусида катта миқдордаги ҳаритачилик, статистика ва адабиётлар материаларидан фойдаланилади.

Минтақавий ижтимоий-экологик муаммоларга баҳо бериш мезони – ҳаво ва сувнинг булғанганилиги, белгиланган чегара концентрацияси, тупроқ эрозияси, яйловларнинг ишдан чиқиши, ўт-ўланлар ва яшил массанинг камайиши, дарахтларни кесиш ва ҳ.к. Минтақага қараб, алоҳида ижтимоий-экологик муаммо мезонлари жиддий фарқланиши мумкин.

Барча экологик муаммолар олти гурухга бирлаштирилган:

- атмосферага оид (ҳавонинг ифлосланиши);
- сувга оид (сувнинг ифлосланиши ва камайиб кетиши);
- биологик (ташқи омиллар таъсирида ўрмонларнинг яроқсиз ҳолга келиши, дарахтларни кесиш, ўтлоқларнинг ишдан чиқиши ва ҳ.к.);
- тупроқ-геоморфологик (эрозия, дефляция, жарликларнинг юзага келиши, ер шўрланиши ва ҳ.к.).
- ерга оид (ернинг бузилиши ва заминнинг яроқсиз ҳолга келиши, ерни ажратиб қўйиши).
- ландшафтга оид (табиий рекреацион хусусиятларининг ёмонлашиши ва бой берилиши, ноёб табиий обьектларни мухофаза қилиш таркибининг бузилиши).

Минтақавий ижтимоий-экологик муаммолар қопланадиган, нисбатан қопланадиган ва қопланмайдиган даражада бўли-

ши мумкин. Табиатни муҳофаза қилиш муаммоси ёки ижтимоий-экологик вазият табиий экотизимлар тикланиши чегарадан чиқмаган бўлса, қопловчи омиллар туфайли ижтимоий экотизимлар тўла тикланиши мумкин.

Экологик омилларниң аста-секин камайиб бориши ижтимоий экотизимлар ижтимоий ривожланишда уйғунликни бузиб, уларнинг тикланиш имкониятларини анча ёмонлаштириши мумкин. Бу ҳодиса табиий экотизимларниң қисман қопланадиган ҳолати дейилади.

Экологик тизимларниң ҳолати буткул издан чиқиб, уларнинг ривожланишида экотизим биотик элементлари ҳалокатига ва ландшафтларниң вайрон бўлишига олиб келувчи экостаз бузилиши қопланмайдиган деб таърифланади.

Ижтимоий-экологик муаммолар оқибат натижасига кўра, уч турухга бўлинади:

- антропоэкологик;
- экологик-иқтисодий;
- табиий ландшафтга оид.

Нокулай экологик вазиятли майдонлар анчагина бўлиб, Козоғистон, Марказий Осиё, Шарқий Сибирь ва Уралда кўзга ташланади. Нокулай экологик вазиятли ареаллар майдони алоҳида тарзда кўриқланадиган майдонлар ҳажмидан каттадир. Шуниси ҳам борки, кўриқланадиган худудларниң бальзилари ушбу ареаллар таъсири доирасидадир. Ареаллар миқдори ва табиатни муҳофаза қилишга оид муаммолари турлари бўйича мураккаб, ўтиш ва оддий тоифаларга бўлинади.

Мураккаб ареаллар, асосан саноат марказларининг ифлослантирувчи таъсири, табиий ресурсларниң жадал ишга солиниши ва юксак аҳоли зичлиги билан таърифланади. Шулар жумласига Ўзбекистонда Фарғона водийси, Зарафшон ва Хоразм воҳалари, Россияда унинг Европа қисми, Шарқий Урал саноат минтақаси, Украинада Донбасс ва бошқаларни киритиши мумкин.

Чала чўл ва чўл минтақаларида табиатни муҳофаза қилиш омиллари, асосан ерларни сұғориш ва яйловларда молларни ортиқча бўқиши натижасида уларни издан чиқариш билан боғлиқдир.

Ижтимоий-экологик муаммолар табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ янги муаммоларни келтириб чиқаради, мавжуд муаммоларни кўпайтиради. Тайга минтақасида табиатни муҳофаза қилишининг асосий масаласи, ҳисоб-китобларга қараганда, ўрмонни ортиқча кесишидир. Бу кўкат ва бута захираларини камайтириб, боткоқликларни кўпайтиради. Фойдали маъданларни қазиб олиш табиатга жуда катта зарар етказди. Кенг баргли

Үрмөнлар мінтақасыда дәхқончилік урбанизацияси ва үрмөн кесиши билан бөглиқ муаммолар кескінлашды. Үрмөн ва үрмөн-дашт ландшафтлари ернінг күп міңдерда ҳайдалиши ва тупрокнинг ювалибы кетиши, жарлыklар ҳосил бўлиши натижасыда ер ҳосилдорлигининг бой берилиши билан таърифланади. Ўтлокларда эса молларнинг ортиқча боқилиши ўтлокларнинг издан чиқиши ва тиклаңмаслигига олиб келади.

Шундай қилиб, ижтимоий-экологик муаммолар батызы мінтақаларда табиат захирадаридан фойдаланишга интенсив ёндашиш, ландшафтнинг ўзига хослигини писанд құлмаслик, уннинг антропоген таъсирларга чидамлилігі ва потенциалини менсімаслик натижасыда юзага келади. Уларнинг ҳаммаси, агар кеңг миқёсда тадбир күрілмаса, табиатни муҳофаза қилиши билан бөглиқ янги муаммоларни көлтириб чиқаради ҳамда мавжуд ижтимоий муаммоларни күпайтиради.

Мамлакатимиз ахолисининг таҳминан учдан икки қисми қишлоқ жойларда яшайди. Туғилиш міңдерининг юқори, ўлимнинг нисбатан камроқ эканлиги ахолининг тез күпайшини таъминлайди.

## 5.2. Марказий Осиёнинг орографик тузилиши ва уннинг ижтимоий экологик базиятга таъсири

Марказий Осиё чўллар ва қор ҳамда музликлар билан ўқопланган тоғли мінтақадир. Сувга сероб дарёлар шу тоғлардан бошланиб, ҳайқириб пастга оқади. Текисликда жойлашган воҳалар – қишлоқ ахолиси ва саноат шаҳарлари жойлашган ерлар улардан оби-ҳаёт олади. Марказий Осиё табиий ландшафтлари асосий турлари тоғлар, тоғ олди текисликлари, воҳалар ва чўллардир.

Орографик жиҳатдан Марказий Осиё иккі қисмга бўлинади: гарбий қисми текисликлардан иборат, шарқий қисми эса Тянь-Шань ва Помир тизмалари билан банд. Гарбий қисмдаги текисликларнинг анчагина майдони океан сатҳидан пастдадир. Қоракумдаги Оқчақай чуқурлигининг энг қўйи нуқтаси 81 м гача боради. Манғишлоқдаги Қорагиё чуқурлигининг қўйи нуқтаси эса 132 м дан қўйироқдир.

Марказий Осиё тоғлари Осиё қитъасини узунасига кесиб ўтган. Евроосиё тоғ тизмаларининг энг баландларига мансуб. Марказий Осиё чегарасыда Тянь-Шань ва Помирнинг гарбий қисми ва Копетдоғ тизмалари жойлашган.

Бу тоғларнинг тузилишидаги ўзига хослик шундаки, бу ерда узоқ давр мобайнида жадал тектоник жараёнлар туфайли кўта-

рилишига нисбатан денудация устун келиши оқибатида юзага келган төг текисликлари мавжуд. Үшбу минтақа тоғлари учун увоқ төг жинсларининг юқоридан пастга тушиб туриши тасифидир. Төг чўққиларида бундай кўчиш кучли ёмғир ва кўкламги қор эриши пайтида қум, тош аралаш сув оқимлари ёрдамида амалга ошади.

Ён бағирларда тошу-харсангларнинг ўпирилиб тушиши ва зилзилалар туфайли баҳайбат қояларнинг қулаши тасифидир. Ён бағирлар бўйлаб қолдиқ төг жинсларининг қулаши кўпинча ҳалокатли тус олади. Музликларда кейинги вақт мобайнида юз берган баҳайбат ўпирилишларни Тянь-Шань ва Помир тоғларида учратиш мумкин. Тик ўпирилишларнинг катта қисми кучли зилзилалар, сел ва дарё қирғоқлари ювилиши билан боғлиқ.

Марказий Осиё тоғларининг аксарият қисми 8-9 балли зилзила бўладиган минтақага мансубdir. Марказий Осиёдаги ер қимиirlашларнинг ўчоги ер қатърида 8-25 км, баъзан 40 км түқурликда жойлашган. Шунинг учун ҳам уларнинг акс-садосини ер қобиғининг устки қисмидаги содир бўлаётган тектоник жараёнлардан излаш керак.

Нисбатан яқинда тектоник ҳаракатлар фаоллашган худудлар ер қимиirlаш кўп жойлар ҳисобланади. Уларга төг олди текисликларининг кўтарилаётган қисмлари, шунингдек, ҳозирги пайтда изчил кўтарилаётган минтақаларга мансуб худудлар киради.

### 5.3. Марказий Осиё иқлими, ўсимликлари хусусиятлари ва уларнинг ижтимоий экологияга таъсири

Марказий Осиёда асосий иқлим ҳосил қилувчи омилларнинг ўзаро таъсири – ер иқлимининг қурғоқчилик бўлиши, куннинг қизиб кетиши, ёргулкнинг сероблиги ва ҳароратнинг кескин ўзгаришига олиб келади, ҳар йили ва бир йил ичида деярли барча иқлимдаги ўзгарувчанликни белгилаб беради. Энг совуқ ва энг иссиқ ойлар ўртасида ўртача ҳарорат фарқи 30 даражага етади. Ёғингарчиллик микдори баъзи ойларда кўп йиллик ўртача кўрсаткичлардан 2-4 марта кўп ёки оз бўлиши мумкин. Марказий Осиёни жанубдан ва жанубий-шарқдан тўсиб турадиган төг тизмаларининг мавжудлиги ва шимолда ҳеч қандай ғовнинг йўқлиги шунга олиб келадики, шимолдан келган совуқ ҳаво ҳеч бир тўсиққа учрамай паст текисликларга ёйлади ва жанубга ўта олмасдан төг этакларища туриб қолади. Ёзда совуқ ҳаво тез исийди, шунинг учун ҳам Марказий Осиё жануби, Эрон ва Афғонистон

шымолидаги ҳарорат деярли фарқ құлтрайди. Қиңда эса унинг хусусиятлари секин юз беради. Шу туфайли, Марказий Осиё республикаларыда қиң, одатта Эрон ва Афғонистоннинг чегара вилоятларидагы совукроқ. Туркманистан жануби, Эрон ҳамда Афғонистон шымолида қиңда январь ойининг ўртаса ҳароратидаги фарқ 5-10 даражага боради. Йил давомида Марказий Осиё ҳудуди шымолий чегарада жами ҳар сантиметрга 120 ккал ва жанубий чегарада 160 ккал радиация олади. Иссикликнинг бундай күплиги, аввало түшки пайтда күёшнинг узок мұддатда тик туриши, шунингдек, өзининг иссиқ палласида булутларнинг кам бўлиши билан изохланади. Паст текисликларда очик ҳаво эхтимоли 90-95, 60-80%ни ташкил этади.

Иссиқ мавсумда Марказий Осиёнинг текис жойларыда радиацион баланс ва унинг жадаллиги кенглик бўйича кам ўзгаради ва асосан юза қатлами ҳолатига боғлиқ. Чунончи, июнда радиацион баланс ўртаса 7-11 ккал/см<sup>2</sup> га тенг. Қоракумда июнь-июнда туш пайти радиацион баланс минутига 0,65-0,80 ккал/см<sup>2</sup> га тенг. Йилнинг иссиқ мавсумида радиацион баланс тоғли ўлкаларда жиҳдий ўзгаради, паст текисликларда эса нисбатан барқарордир. Йилнинг совук палласида радиацион баланс миқдори қор қопламининг мавжудлиги ва ҳолатига қараб ўзгаради. Марказий Осиё ҳудудида ой давомида манфий радиацион баланс деярли кузатилмайди, энг совук ойларда унинг ўртаса миқдори шымолий чегарада 0 га яқин, жанубда эса 1 ккал/см<sup>2</sup> дан ошади.

Иқлим шаклланишида мухим омиллардан яна бири атмосфера ҳавосининг айланиб туришидир. Турли айланиш жараёнлари натижасида Марказий Осиё ҳудуди узра юзага келадиган ҳар хил ҳаво оқимларини куйидагиларга ажратиш мумкин:

- циклон ва антициклон кўрининшида гарб ва шарқдан ҳаво оқимларининг кириб келиши;
- шимол ва жанубдан ҳаво оқимларининг кириб келиши;
- муқим тур ҳаво оқимларининг жуда секин қўчишидан иборат бўлиб, кўёш радиацияси ва юза қоплама таъсирида уларнинг метеорологик хусусиятлари жадал ўзгаради. Йилнинг турли фаслларида бундай ҳаво алмашышлари ҳар хил тарзда тақрорланади.

Марказий Осиёда энг совук ой январдир. Қиң бу ерда асосан юмшоқ, мўътадил совук, январда жанубий чегараларда ўртаса ҳарорат – 2-8 даражада, тоғли вилоятларда – 15 - 23 даражага етади. Қуёшдан олинадиган иссиқлик миқдори кўп бўлишига қарамай январда энг паст ҳарорат кузатилади. Ҳатто, текисликларнинг энг жанубий қисмида – 25-30 даражада.

шымолий қисмда – 30 даражадан күпроқ, төг чүккіларида – 50 даражагача совуқ қайд этилади. Лекин бу кучли изғириналар узоқ вақт сақланмайды. Марказий Осиёнинг барча қисмларида йиллик ўртача ҳарорат – 15-20, төгларда – 5-10 даражагача күтарилиши мумкин.

Аксарият худудларда энг иссиқ ой текисликларда июль, төгларда июль-августдир. Марказий Осиёда энг юқори ҳарорат Термез ва Шерободда кузатилган. Марказий Осиёнинг жанубида деярли ҳар йили июль ойида 40 даражадан ошади. Төг этакларида эса энг юқори ҳарорат 30-35 даражадан ошмайди. Барқарор иссиқ ҳавога қарамасдан ёз пайтлари кучли чангтўзонлар ҳамроҳлигига совуқ ҳаво кириб келиш эҳтимоли бор.

Марказий Осиё сув тармоқдарининг ўзига хослиги шундаки, дарёлар төг ва текисликларда бир текис жойлашмаган. Төгларда 10-12 минг дарё ва ирмоқчалар мавжуд бўлиб, улар ўзаро қўшилиб, асосий сув тармоқлари – Сирдарё ва Амударёни оби-ҳаёт билан таъминлайди.

Тоғли ўлканинг сув тармоқларига хос яна бир хусусият шундаки, сув четга чиқиб кетмайди. Марказий Осиё дарёлари Каспий ва Орол дengизлари ҳавзаларига мансуб. Дарёларнинг суви МДХ, чегараларида шаклланадиган ва Эрон ҳамда Афғонистондан келадиган сувлардан ташкил топади. Дарёлар орқали келувчи сувдан ташқари Марказий Осиё текисликларига ер тагидан ҳам сувлар чиқади. Баланд төг чүккіларида дарёларнинг музликлардан чиқиш жойларида сув ҳарорати 0 даражага яқин. Пастга тушган сайин ҳарорат оша бориб, төгларни тарқ этишда 10-12 даражага кўтарилади.

Ўртача энг кўп ойлик ҳарорат июлда, баъзан августда барқарорлашади. Баъзи дарёлардаги сув июнь ёки май ойида энг кўп исийди. Музлик ва төг чүккіларидағи қор сувлари 10-12% дан ошмайди. Төг тизмаларида юз берадиган ёғингарчилик туфайли тушадиган сув йиллик ҳажмининг 1% дан кўпроғини ташкил этади.

Ўрта төг миңтақаларида дарёларнинг асосий сув манбай мавсумий қорларнинг эриши туфайли ҳосил бўлган сувлардир. Ёмир йиллик сув ҳажмининг 3-5%ини беради. Фақат марказий Тянь-Шань ва шарқий Помир төгларидан ёмғир сувлари 10%, ҳатто ундан ҳам кўпроқ миқдорда сув беради. Ер ости сувлари баъзи дарёларни 40% гача таъминлайди. Марказий Осиёдаги кўлларнинг сони мингдан ошиқ, уларнинг 80% и текисликларда жойлашган. Текис жойлардаги кўллар, асосан ўзандар ўзгариши жараёни билан боғлиқ. Суғориш тармоқлари билан боғлиқ кўллар эса сунъий равишда ёки чукур жойларга сув

тўлиши натижасида ҳосил бўлган. Тоғлардаги кўлларнинг ҳосил бўлиши текисликлардаги кўлларнинг пайдо бўлишидан фарқ қилиб, ранг-барангдир. Бунга тектоник кўллар, қояларнинг ўтирилиши ёки тоғ водийларидағи қадимги музликларнинг қолдиқлари билан тўсилиши натижасида юзага келган тўғон туридаги кўллар мисол бўлиши мумкин.

Марказий Осиё худудини гидрологик жиҳатдан тоғли, тоғ олди ва текислик районларига бўлиш мумкин. Тоғли районлар кор ва ёмғир сувлари тўпландиган жойлар бўлиб, ер ости сувларининг манбаи ҳисобланади, текисликларда эса аллювиал ва платформа текисликларга бўлинади.

Кескін континенталлик, умумий қурғоқчилик, йиллик ўртача ҳароратнинг юқори эканлити вегетация мавсумининг 2 хиллиги: нисбатан қисқа намли ва иссиқ, узоқ ва қуруқ бўлиши. Бу айниқса, янги ерларни ўзлаштириш, шаҳарлар куриш, йирик иншоотлар бунёд этишда жуда аскотади.

Марказий Осиё иқлимининг ҳусусиятлари тупроқ ҳосил бўлишида асосий омилдир. Бу, худуднинг аксарият қисмини ўз табиатига кўра, кенг миқёсида Эрон-Араб фациаси деб қарашга имкон беради. Марказий Осиёнинг текислик қисмида кенг тарқалган тупроқларга кулранг қизгиш чўл, тақир ҳолатида ва чўл қум кўринишидаги тупроқлар киради. Таркиби ва келиб чиқиши турлича бўлган кулранг қизгиш чўл тупроқлари ёши энг катта текисликларга ҳос бўлиб, ўзида ҳозирги иқлимий таъсирларни ҳамда ўтмишдаги палеогеографик шароитларни ҳам акс эттиради.

Марказий Осиё тоғ этаклари ва тоғларнинг тупроқ қатлами вертикал пояс қонунига бўйсунади ва айрим худудларнинг потенциал ўзига ҳосликларини акс эттиради. Бундан ташкари, тоғларда тупроқ қатлами орографик шароитлар билан муракаблашган.

Марказий Осиё ўсимликлар оламига таъсир қилувчи табиий мухитнинг барча омиллари ичида гидротермик ҳолат энг кўп аҳамиятта эга. Гидротермик ҳолат бу ерда йил мавсумлари бўйича кескін ўзгариб қолмасдан; жойнинг географик ўрига ҳам боғлиқ. Ўсимликлар олами таркибида турли биологик шаклларни кўриш мумкин. Булар бир йиллик ва кўп йиллик ўт-ўланлар, ярим бута кўринишдаги экинлар, буталар, пўстлоқли экинлар, шунингдек, моҳ, лишайниклар ва тупроқ ўтларидир. Чўл ўсимликлари олами ташқи ранг-баранглиги, таркибида у ёки бу биологик гурухдаги ёхуд бир неча биологик гурухлардаги ўсимликларнинг ўзаро бирикиши асосида юзага келади. Ҳар икки ҳолатда ҳам ўсимликлар қатлами тузилиши ўзгариб қол-

масдан, тупроқ-замин шароитлари ҳам ўзгаради. Тоғлардаги ўсимликлар оламининг таркиби чўл текисликлари ва ясси тоғлардагига нисбатан анча ранг-барангдир.

Ҳароратга боғлиқ ҳолда денгиз сатҳидан кўтарилган сайиин ўзгариб турадиган ўсимлик турлари жуда кўп. Бир томонда тоғларда узум, анор, анжир каби иссиқсевар экинлар, иккинчи томонда анча паст ҳароратга мослашган экинлар учрайди.

Марказий Осиёда чўл ҳайвонлари кенг тарқалган. Текисликлар ҳайвон гурухларининг тоғ ҳайвонлари билан кескин алмашинуви тоғ этагида юз беради. Ушбу чегарада текисликлар томон турли эндемик турлар ва зотлардан иборат чўл ҳайвонлари тарқалган. Улар эски Дунё, айниқса Шимолий Африка ва Олд Осиё чўллари, камроқ Фарбий Хитой ва Мўгулистон чўллари ҳайвонларига ўхшайди. Юқорироқда тоғ этаклари ва тоғларда Евроосиёда кенг тарқалган ҳайвонлар ёки Қозогистон ва Мўгулистон чўлларида, Тайга ўрмонларида ёки Марказий Осиё ясси тоғларида яшайдиган ҳайвонлар кенг тарқалган.

Тоғлар фаунасининг ўзагини Галарктика зоогеографик областнинг Марказий Осиё ва Ўрга денгиз қисмига хос бўлган турлари ташкил этади. Façat Тоҷикистон ва Туркманистон жанубида айрим тропик шаклларга дуч келасиз. Марказий Осиё тоғ фаунасида Галарктика ва бошқа ерларнинг деярли барча фауна турлари учрайди. Унда Осиёдан келиб чиқсан типик тоғли турлар асосий ўзагини таъкидлаш мумкин.

Марказий Осиё мintaқасининг иқлимий географик хусусиятлари инсон, жамият ва табиият ўзаро муносабатлари жараёнинг, экотизимлар шаклланини ва ривожланишига жиддий таъсир кўрсатади.

Табиий мухитнинг асосий бузилишлари хўжалик фаолияти, ишлаб чиқарувчи кучларни экстенсив ривожлантириш билан боғлиқ. Биосферанинг улкан экологик захиралари, унинг янги инсон ўзгартирган шароитларда эволюция қилиши имкониятлари чексиз бўлишига қарамай, кўпгина антропоген таъсиirlар ҳозирча анча салбий оқибатлар тутдирдики, мintaқасининг биоценозлари бу оқибатларни амалда бартараф қила олмайди. Орол денгизи худудидаги вазият деярли инсон назоратидан чиқиб кетди. Оролбўйи экологик фалокат мintaқасига айланди. Марказий Осиё бўйича углерод, олтингугурт, углеводород, қаттиқ моддалар, азот қолдиқлари етакчи ўринда туради. Углерод оксиди эмиссияси умумий микдорнинг 39%ини ташкил этиб, кейинги ўринларда турган олтингугурт гази, углеводородлардан икки хисса кўпdir.

1989 йили бир кечакундузда атмосферага туниган зарап-

ли моддалар миқдори ҳар километрга 165 кг ни, истиқомат жойларнигина ҳисоблаганды 236 кг ни ташкил этди. Қашқадарё вилоятида бир кечакундузда бу күрсаткичлар 18,7 ва 39,9 кг/км<sup>2</sup> га этди. Анча йиллардан буён Фарғона водийси атмосферасига заҳарли бирикмалар зулум ўтказмоқда.

1989-1999 йилларда баъзи хўжаликлар ва шаҳарчаларда мевали дараҳтлар гўза баргларининг Олмалиқ кон-металлургия комбинатидан чиқаётган олтингугурт қолдиқлари билан нобуд бўлиши кузатилди. Бундан ташқари саноат чиқиндилари ва автотранспортдан юзага келаётган ифлослантирувчи моддаларнинг об-ҳаво билан кўшилиши ҳаво таркибини бузмоқда, ноқулавий шароитларни юзага келтирмоқда.

#### 5.4. Марказий Осиёдаги ижтимоий - экологик муаммоларнинг пайдо бўлиш сабаблари ва уларни бартараф этиш йўллари

Жамият тараққиёти қонуниятларини илмий англаш, инсонни ижтимоий феномен сифатида кўрсатиш унинг тараққиётини тўғри белгилаш имкониятини беради. Инсоннинг жамият аъзодари билан биргаликда ўзаро муносабатларда яратган ижтимоий ва руҳий муҳитлар таъсирини социал экологик, яъни ижтимоий-экологик экотизим дейилади.

Демак, мазкур илм тармоғи қайси объектив борлиқни ва унинг қайси жабхасини ўрганишни, бундан мақсад нима эканлигини ҳамда шу соҳада доимо ҳукм сурувчи қонуниятлар жамият манфаатларига қандай хизмат қилишини яхши билган кишигина бундай муаммони еча олади.

Инсон биоижтимоий мавжудот бўлганилиги туфайли, унинг биологик моҳияти билан бир қаторда ижтимоий ва руҳий моҳиятини сақлаб қолиш зарур. Биосферанинг таркибий қисми бўлган инсон тирик мавжудотларнинг олий шакли ҳисобланниб, табиий муҳит билан бир пайтнинг ўзида ижтимоий ва руҳий муҳитларда яшайди. Одамзот биологик, ижтимоий ва руҳшунослик қонуниятлари бўйича ривожланиб боради ҳамда уларнинг доимий ўзаро таъсири остида бўлади.

Ҳар бир давлатнинг ички ва ташқи сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий фаолияти натижасида юзага келаётган инсонлар ҳаёт-момотининг ижтимоий муҳити «макроижтимоий муҳит» деб юритилади. Табиат инсон учун ягона макон, у одамни турли озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, уй-жой ва бошқа зарурый буюмлар билан таъминлайди. Аҳолининг экологик онги табиат муҳофазасини мунтазам амалга оширишда асосий ижрочи омил ҳисобланади. У ҳар доим ҳам юқори бўлиши, вақти-

вакти билан табақаларга бўлиниши мумкин. Аҳолининг барча табақалари боғча ёшидаги ёш болалардан тортиб, мўйсафид отаҳон ва онахонларгача атроф-муҳитга яқдил, ижобий фикрда бўлишлари, унга зиён-захмат етказмаслик руҳида тарбияланишлари даркор.

Шундай қилиб, инсон яшаб турган муҳитни барқарор вазијатда асрари одамзот биоижтимоий тадрижий ривожланиш жараёнини меъёрий ҳолатда сақлаб қолишга қаратилган бўлади.

## Қисқача хулюсалар

Ижтимоий-экологик муаммолар умумбашарий, минтақавий ва локал муаммоларга бўлинади.

Минтақавий ижтимоий-экологик муаммолар кенг миқёсли муаммолардан фарқли равишда минтақавий-ижтимоий экотизимлар элементлари ва алоҳида минтақаларни қамраб олувчи муайян чегараларга эга.

Минтақавий ижтимоий-экологик муаммоларга баҳо беришнинг мезони ҳаво ва сувнинг ифлосланганлиги, белгиланган чегара концетрацияси, тупроқ эрозияси, яйловларнинг ишдан чиқиши ва ҳ.к.

Ижтимоий-экологик муаммолар оқибат натижасига кўра, уч гурӯхга бўлинади: антропоэкологик; экологик-иқтисодий; табиий ландшафтга оид.

Ижтимоий-экологик муаммолар баъзи минтақаларда табиий ресурслардан фойдаланишига интенсив ёндашиш ва потенциалини менсимаслик натижасида юзага келди.

## **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Минтақавий ижтимоий муаммоларга нималар киради?
2. Ижтимоий-экологик муаммоларнинг оқибат натижаси қандай?
3. Марказий Осиё орографик тузилишининг ўзига хос хусусиятлари нималарда ва у ижтимоий-экологик вазиятга қандай таъсир этади?
4. Марказий Осиёда ташкил топган ижтимоий-экологик муаммоларни айтиб ўтишинг.
5. Марказий Осиё минтақасининг иқлим ресурслари нималардан иборат ва улар ижтимоий-иқтисодий ривожланишда қандай аҳамиятта эга?

## **Асосий адабиётлар**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафоларлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Шодиметов Ю.Ш. Региональные проблемы социальной экологии. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
3. Шодиметов Ю.Ш. “Ижтимоий экологияга кириш”. – Т.: Ўқитувчи, 1994.
4. Лосев А.В., Провадкин Г.Г. Социальная экология. – М.: Владос, 1998.
5. Камаров В.Д. Социальная экология. – Л., 1990.
6. Багинская Г.А. Основы социоэкологии. – Л., 1993.
7. Коробкин В.И. Экология. – М., 2003.
8. Миллер Т. Жизнь в окружающей среде. – М.: Пангея, 1993.

## VI боб

### МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИ БИОСФЕРАСИГА АНТРОПОГЕН ТАЪСИР ВА ИЖТИМОИЙ-ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

#### 6.1. Марказий Осиё минтақасининг ижтимоий-экологик ҳолатига иқтисодиётнинг асосий тармоқларининг таъсири

Саноат таъсири. Ишлаб чиқариш ўсган сайдин атмосфера-га зарарли чиқиндилар ташлаш анча ошиди, оқава сувлар ҳажми ҳам ўсиб бормокда. Биосферага саноатнинг таъсирини ўрганаёт-тиб, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва режали тарзда ижтимоий-иқтисодий ва экологик ривожланишида муҳим аҳами-ятта эга бўлган ишлаб чиқаришни ҳудудий жиҳатдан мақбул равишда ташкил этиш каби ўзак масалаларни четглаб ўтиб бўлмайди. У ишда экологик оқибатлар илмий ва лойиха ташкилотларининг тавсияларини ҳисобга олмасдан ўз билганича иш тутиш ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришда, тармоқлар ичидаги ҳудудий жиҳатдан жиҳдий номутаносибликларга ҳамда аҳоли саломатлигининг ёмонлашувига олиб келади. Барча чекловларга қарамасдан Тошкент вилояти ва Фарғона водийсида, Тошкент шаҳрида саноат жадал ривожланмоқда. Ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этиш масалалари етарли ўрганилмаганлиги сабабли, Тошкент шаҳрининг ривожланишига изчил ёндашиш таъминланмагапти. Ҳолбуки, Тошкент аҳолиси кейинги 10 йил ичидаги 24% ўсиб, 2,5 млн. нафардан ошиб кетди. Бунинг 2/5 кишини бошқа шаҳарлардан келгандар ташкил этади. Чирчиқ-Олмалиқ, Оҳангарон-Ангрен, Фарғона-Марғилон, Навоий ва Ўзбекистоннинг бошқа қатор минтақаларида кимёвий, нефть-кимёвий ва микробиологик тармоқ корхоналари, кўп қувват ва сув талаб қиласидаги бошқа ишлаб чиқариш воситаларининг кўплиги туфайли экологик вазият кескинлашмоқда.

*I-жадвал*

#### Саноатнинг таъсири динамикаси

	1970 й.	1976 й.	1985 й.	1996 й.	2001 й.
Асосий и/ч фондлари (мілд. сўм)	13,6	27,5	84,9	109,8	117,5
Излии миҳалот қиймати	18,1	28210,1	46387	57633	61521
Ташланадётган чиқинди сувлар хисми (млн.м <sup>3</sup> ) шу жумлаифло-и	20611	25831	25881	28500	3034065
Атмосферага чиқаётган зарарли моддалар (млнг тоғиз)	318	393	411	570	5
	1508	1525	1339	1335	2250,3

Тоҷикистоннинг Турсунзода шаҳрида жойлашган алюминий заводининг салбий таъсири йилдан-йилга ошиб бормоқда. Завод қуввати ортиши билан аста-секин атмосферага чиқаёттан зарарли моддаларнинг (фтор бирикмалари) салбий таъсири чегараси ҳам кенгаймоқда. Ҳозирги пайтда Сурхондарёнинг Сариосиё, Денов, Шўрчи ва Олтинсой туманлари худуди унинг таъсирига тушиб қолган. Бу таъсир доирасининг кенглиги 4-25 чақиримгача этади. Ҳозиргача зарар кўрган умумий майдон 25-30 минг гектарни ташкил этади. Юқорида келтирилган туманларнинг баъзи ҳўжаликларида помидор, бодринг, карам ва узум ҳосилдорлиги камайган. Пилла етиштириш ҳажми пасайиши кузатилмоқда. Шунингдек, анор ва хурмонинг ҳосилдорлиги ва сифати пасайиб кетди. Аҳолининг саломатлиги ёмоқлашди. 1999 йилга келиб, фторли водород чиқиндилари 56,7 минг тоннага кўпайди. Ҳолбуки, 1982 йили бу кўрсаткич 24,5 минг тонна эди. Натижада аҳвол янада мураккаблашди.

Табиатга саноат таъсирининг янада кучайиши бундай шароитда кузатилаётган ижтимоий-гиниеник, экологик оқибатларни олдиндан ҳисоблаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Табиатни муҳофаза қилишга оид лойиҳалаштирилаётган тадбирлар ва атроф-муҳитни антропоген жиҳатдан зўриқтиришни пасайтиришга қаратилган қўшимча тавсиялар ишлаб чиқиш самарадорлигини баҳолаш ҳам минтақа экологик истиқболини белгилаш жараёнидаги муҳим вазифадир. Замонавий фан-техника тараққиёти ютуқлари асосида саноат ишлаб чиқариш потенциалини жадал ривожлантириш минтақанинг табиатга антропоген таъсирини анча оширади ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид самарали тадбирларни тақозо этади.

Узбекистонда атмосфера ҳавосига чиқарилаётган турли чиқиндилар ўтган асрининг 90-йиллари ўрталарига нисбатан камайиши йўналишида бўлишига қарамасдан ҳали ҳам юқори кўрсаткичларга эга.

Буни ушбу жадвалдан кўриш мумкин:

**2-жадвал**

Йил	1985	1994	2001
Жами чиқинди миндори	4,2 млн. т	1,8 млн. т	2,25 млн. т

Бу жиҳатдан саноат корхоналари чиқарган чиқиндилар 1,3 млн. т дан 0,9 млн. т гача қисқарди. Транспорт воситаларидан чиқсан ифлословчи моддалар эса 2,7 дан 1,4 млн. т га камайди. Бунга чиқиндилар камроқ чиқарилиши, корхона дудбўронларига турли лойиҳадаги газ ва чангни ушлаб қолувчи

ҳамда тозаловчи мосламалар ўрнатилиши ва мавжудлари сама-  
радорлигини ошириш сабаб бўлди. Шунингдек, ишлаб чиқарни  
ҳажмининг камайиши ва шунга мувофиқ ёқилғидан фойдала-  
ниш микдорининг пасайиши ҳам таъсир кўрсатди.

Ишга туширилган газни тутиб қолувчи ва заарасизланти-  
рувчи курилмаларни ишлаш тамоилини қуидаги жадвада  
кузатиш мумкин:

### 3-жадвада

1981-85	1986-90	1991	1994	2001/02
421,3 минг м <sup>3</sup> соатига	723	1282,8	514	773,0401

Атмосферани ифлослантириш индекси (АИИ) динамика-  
си маълумотларга асосан, республиканинг кўпгина шаҳарлари-  
да қаралади, бироқ айrim шаҳарларда, чунончи, Нукус, Олмалиқ,  
Тошкент, Фарғонада (5-6), Навоий шаҳрида анча юқорилийги  
(7,62) кузатилган.

Айrim шаҳарларда санитария-гигиена меъёрининг ружасат  
этилган меъёри (РЭМ) ўртача (1 дан то 3,5) кунлик меъёрдан  
ошганлигини кўрини мумкин:

- ҳаводаги чаңг — Олмалиқда, Бухоро, Гулистон, Қарниш, Кўкон, Навоий, Нукус, Самарқанд, Тошкент;
- олtingутурт оксиди — Олмалиқ;
- азот оксиди — Олмалиқ, Навоий, Тошкент, Фарғона, Марғилон, Термиз;
- фенол — Ангрен, Навоий, Фарғона;
- аммиак — Андижон, Навоий, Чирчик, Тошкентда анча юқори.

Республика бўйича энг ифлосланган шаҳар Навоий ҳис-  
обланади. Стационар манбалар атмосферага 150 хил турдан  
ортиқ ифлослантирувчи моддалар чиқади. Худудий миқёсда  
90% чиқинди моддалар Тошкент, Қашқадарё, Фарғона, Бухоро,  
Навоий, Сирдарё вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

Стационар манбалардан чиқадиган чиқинди моддалар улунни  
саноат корхоналари бўйича олиб қаралса, 34,1% и энергетиклар, 31,9%и «Ўзбекнефтъгаз»га, 16,5%и металлургияга, 3,8%и курилтий  
саноатига, 3,6%и маший хўжаликка, 2,6%и кимё саноатига тўғри  
келади. Бошقا тармоқларнинг салмоғи эса 7,4% дан ошмайди.

Транспортнинг таъсири. Автомобиль транспорти энг йирик  
ифлослантирувчи манбадир. Марказий Осиёда автомобиль йўлла-  
ри кўп. 2001 йили республикамиз бўйича жами газ чиқиндилари  
нинг 67,8%и ёки 1,54 млн. т си транспорт ҳиссасига тўғри келди.  
Транспорт таъсирининг ошиб бориш кўрсаткичлари кейинги

йил ичида Ўзбекистонда автомобиль йўллари тифизлиги деярли 2 марта ошганлигини кўрсатади. Автомобиллар сонининг ошиши атмосферанинг ерга яқин қатламларида азот газлари, кўрошин бирикмалари, олtingутурт газлари, углерод газлари, углеводороднинг ёимаган қолдиқлари, заҳарли бензиприн ва бошига моддалар миқдори ошишига олиб келади. Автомобиль чиқинцилари, биринчидан, шуниси билан хавфлики, улар биосферанинг фаол зонасига таъсири қиласи, иккингидан, таркибида барча тирик жонзотлар учун жуда заҳарли бўлган кўрошин бирикмалари бор. Учинчидан, автомобиль газ чиқинцилари атмосферанинг ерга яқин қатлами, инсон нафас оладиган сатҳига тушади. Тошкент, Самарқанд, Андижон, Бухоро шаҳарларининг ўзидағина шаҳар атмосферасига тушадиган заҳарли газларнинг ва моддаларнинг 80%и автомобиллар ҳиссасига тўғри келади. Бу чиқинциларнинг миқдори 300 минг т дан кўпроқдир. Хавфли жиҳати шундаки, автомобилларнинг аксарият қисми шаҳарларда жамланган бўлиб, уларнинг газ чиқинцилари бевосита инсонларга таъсири қиласи.

Йўллар кўплиги, шаҳарлардаги кўчаларда йўл белгилари, светофорлар сероблиги Марказий Осиёнинг иссиқ иқлими шароитида вазиятни янада мураккаблаштиради. Йўллар қониқарсиз бўлган шароитда ҳавонинг ифлосланиши меъёрдагидан 6-8 марта ошади. Автотранспорт газ чиқинциларини газ пасайтириш усуслари ҳақида анъанавий тасаввурлар қўшимчаларга муҳтоҷдир. Гап шундаки, автомобиллар таъсирида атмосфера булғанишини камайтириш уларнинг заҳарли газ чиқаришини назорат қилиш, ҳаттоқи автотранспорт корхоналарида назорат-созлари пунктларини ташкил қилишгина эмас, балки экологик жиҳатдан пухта ўйланган режалаштиришдан бошланади. Бунда минтақа иқтисодиётининг эҳтиёжлари автотранспортуга кўйиладиган экологик талаблар бўйича автотранспорт билан юқ ташиш миқдори ва сифати эътиборга олинади.

Табиатта, инсон экологиясига транспорт таъсирини янада камайтириш масаласини мақбул тарзда ҳал этиш учун зарари кам ёнилғи воситалари яратиш ва двигателларни такомиллаштиришга фан-техника ютуқларини жадал жорий қилиш зарур. Бунга транспорт воситаларини тўла электр куввати билан ишлашга ўтказиш, автобусларни троллейбуслар билан алмаштириш ва автомобиллардан электромобилларга ўтиш киради. Ёқилғи балансида этиллаштирилмаган бензин ҳиссасини ошириш керак. Мутахассислар фикрича, атмосфера ҳавоси автотранспорт газ чиқинцилари билан ифлосланишининг олдини олишда мотор ҳолатининг созлиги ва карбюратор ишлашини пухта назорат қилиш мухим омилдир.

Мамлакатимизда автомобиль паркининг техника ҳолатини баҳолаш шуни кўрсатадики, заҳарли газ чиқиндилари бўйича автомобильларнинг фақат 10%гина соз ҳолатдадир. Транспорт таъсирининг оқибатларини аниқ-пухта билиш минтақадаги барча манфаатдор ташкилотларнинг ўзаро муваффақиятли ҳаракатига боғлиқ. Чунки бу муаммо бир республика, ҳатто бутун минтақа миқёсидан каттадир. Автотранспорт муҳитни ифлослантирадиган энг йирик манбалардан бири бўлишига қарамай, автомобиль-газ чиқиндиларининг биосферага салбий таъсирини камайтириш юзасидан етарли тадбирлар ишлаб чиқилгани йўқ. Минтақа табиий муҳиттага транспорт зуғуми ортиб бораётган ҳозирги даврда бу муаммо янада долзарблиқ касб этиб, кечиктириб бўлмайдиган қарорлар қабул қилишни талаб қиласди.

Қишлоқ хўжалигининг таъсири. Бу инсоннинг фаол аграр-саноат фаолияти билан боғлиқ ва умуман, биогеоценоз ва экотизимларга салбий таъсир кўрсатувчи экологик омиллар маҳкумудир. Фан ва техниканинг замонавий ютуқлари билан қуролланган инсон табиатни жадал ўзлаштирумокда, ерга ишлов беришда баҳайбат машина ва механизмлар ишлатилмоқда, қишлоқ хўжалигига фойдаланилаётган кимёвий воситалар тирик мавжудотга салбий таъсир қилмоқда. Кейинги йилларда Марказий Осиё шароитида инсоннинг қишлоқ хўжалик фаолияти анча фаоллашди. Қишлоқ хўжалик экинлари майдонлари кўпайди. Тупроққа солинаётган ўғитлар миқдори жадал ошиб бормоқда. Қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш гурӯхлари (бино ва иншоотлардан ташқари) кейинги 15 йил ичida 13,9% ошиди. Ноорганик ўғитлар, заҳарли химикатларнинг кенг кўлланилиши тупроқда ва кейинчалик ўсимлик ва ҳайвонлардан олинадиган маҳсулотларда кадмий, кўрғошин, симоб, фтор ва табиий радионуклеидларнинг миқдорини ошишига олиб келмоқда. Сугориладиган ер майдонларини чексиз кўпайтириш сиёсати сон кетидан кувиши, Марказий Осиё республикаларида экологик шароитнинг мураккаблашувига олиб келди. Миллионлаб гектар ерлар шўрланди ва сув тагида қолди, оқава сувларнинг кўпайиши шўр кўлларни юзага келтирди Амударё ва Сирдарёдан режали тарзда кўплаб сувни олиш экологик ҳалокатта – Орол дengизининг қуришига олиб келди ва Орол бўйида ижтимоий-экологик вазият кескинлашиб бормоқда.

Кимёнинг таъсири. Яқин пайтларгача пестицидлар муамосига соғ қишлоқ хўжалик масаласи деб қараларди. Энди аёники, у кенг миқёсли бутунжаҳон экологик муаммолар қаторидан жой олди. Негаки, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси айни пайтда соғлиқни муҳофаза қилиш, ҳайвонот ва наборот дунёсини кўриқлаш, умуман, биосферанинг уйғун эволюция-

си билан боғлиқдир. Бу, айни чөнда сиёсий масала ҳамdir. Марказий Осиё минтақасидаги салбий ижтимоий-экологик шароитнинг асосий сабабларидан бири қишлоқ хўжалигига кимёвий воситаларни ҳаддан ортиқ ишлатиш, технологик интизомнинг пастлиги ва инсон саломатлиги учун хавфли бўлган кимёвий дориворлардан фойдаланишини тегиши назорат қилмоқликдир.

Республика хўжаликлари ҳар йили 1,3-1,4 млн. т минерал ўғитларни ва 80-85 минг тонна ҳар хил пестицидларни ишлатади. Шундан ярмига яқини дефолиантларга тўғри келади. Ўртача ҳар бир гектар суғориладиган майдонга 300-350 кг минерал ўғитлар ва 20-25 кг пестицидлар кўлланилади. Баъзи вилоятларда пестицидлар гектарига 40 килограммга етади. Йўнгичقا атиги 13-16%ини банд қилган экин майдонларнинг оғир ҳолати органик моддалар олиш манбаларини шакллантиришга шароит яратиш у ёқда турсин, микдор кетидан қувиш, кенг миқёсда кимёвий воситалар ишлатилишига олиб келди.

«Ўзагрокимётаъминот» хўжаликлари омборларида 1990 йиллар бошига келиб, муддати ўтиб кетган ва қўлланилиши ман қилинган 12 минг тонна кимёвий моддалар тўпланиб қолди. Бу моддаларни кўмиб зарарсизлантириш масалалари қониқарсиз ҳал этилди. Қайд этилган микдордан атиги 3 минг тоннаси кўмиб зарарсизлантирилди. Бу иш экологик талаблар, қурилиш қонун-қоидлари қўпол равишда бузилган ҳолда амалга оширилди. Баъзи вилоятларда эса ҳисоб-китоб ишларининг йўқлиги сабабли, кўмилган пестицидларнинг микдори ва хавфлилик даражаси белгиланмаган, заҳарли моддалари кўмилган жойлар ва экологик шароит устидан назорат қилинмаяпти.

Республикада мавжуд заҳарли моддаларнинг 993 омборхонасидан атиги 836 таси ёки бор йўғи 40%и талаб даражасидadir. Назорат, тегиши ҳисоб-китоб йўқлиги турли ўйирликларга шароит яратиб берди. 1995-99 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги пестицидлар билан кучли заҳарланиш бўйича 13 ҳолатни қайд этди. Натижада 245 кипи азият чекиб, улардан 13 нафари вафот этди. Хар йили сурункали профессионал заҳарланиш юзасидан 35-50 ҳолат аниқланмоқда. Кейинги 20-25 йил мобайнида пахтацилик минтақаларида пестицидларни қўллаш юзасидан умумлаштирилган маълумотлар унинг қишлоқ жойларида болалар ўлимининг ўсиши билан ўзаро боғлиқликни кўрсатди. Пестицидлар сақланадиган 512 омборхона санитария ва табиатни муҳофаза қилиш талабларига жавоб бермайди. Кимёвий моддаларни улар учун мос келмайдиган жойларда, баъзан умуман очик ҳолатда сақлаш ҳоллари кўп.

Шунни айтиши керакки, ўтган асрнинг 90-йиллари бошида тупроқнинг пестицидлар билан ифлосланиши даражасини аниқ белгилаш имкони йўқ эди. Чунки, ишлаб чиқаришда 80 га яқин номдаги турли пестицидлар ишлатилиди. Шундан фақат 14 таси бўйича озми-кўими тупроқ таркиби назорат қилинарди. Моддий базанинг заифлиги, замонавий асбоб-ускуналарнинг йўқлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Кишилоқ хўжалигига пестицидларнинг кенг қўлланилиши заҳарли кимёвий моддалар билан ишлайдиган кишилар сонини кўпайтиради. Бундай ҳолатларда руҳий бузилишлар (85%), асаб ва ҳис-туйғу аъзолари хасталиклари (109%), нафас олиш хасталиклари (108%) ошиши кўзга ташланади.

Пестицидлар оммавий равишда қўлланиладиган минтақалардаги ишлайдиган аҳоли ўргасида бошқа туманлардагига нисбатан кўп зиён кўриш ва хасталаниш ҳоллари мунтазам кузатувлар давомида аниқланган.

Табиятда турли ифлослантирувчи моддаларнинг тарқалишига баҳо бериш учун бир қанча ёндашувлар мавжуд. Улардан дикқатга сазовори стресс-индекс деб юритиладиган тизимни ишлаб чиқишидан иборатdir.

Қўйидаги жадвал табиятдаги ҳар хил тоифадаги ифлослантирувчи моддаларнинг стресс-индекслари келтирилган:

#### 4-жадвал

#### Ифлослантирувчи моддаларнинг стресс индекслар

1	Пестицидлар	140
2	Оғир металлар	90
3	Олтингутргази ва унинг хосил бўладиган маҳсулотлар	72
4	Углерод гази	75
5	Тўкилган нефть	48
6	Саноат корхоналари чиқинди сувлари	48
7	Кимёвий ўтилар	30
8	Қаттиқ чиқиндилар	35
9	Органик чиқиндилар	24
10	Азот гази	24
11	Радиоактив чиқиндилар	20
12	Шаҳар чиқиндилари	16
13	Ҳаво углеводородлари	10
14	Иссик чиқиндилар	5
15	Шаҳар шовқун-сурони	4
16	Углерод гази	9
17	Фотокимё оксидлари	12

Ф.Карте таклиф қылған стресс-индексларининг күрсатишича, атроф-мухит учун энг хавфли ифлослантирувчи модда пестицидлари дидир. Лекин, келажакда ҳозир ушбу рўйхатда 2-ўринни эгаллаб турган оғир металлар музалиффлар фикрича, асосий аҳамиятта эга. Т.Р.Лея маълумотларида келтирилишича инсонга таҳдид солаётган антропоген ва техноген воситаларнинг 30 тури ичида пестицидлар ва бошқа кимёвий дориворлар саккизинчи ўринда. 1986 йили ўртacha ҳар гектарга 1,9 кг пестицидлар солинган эди (улар фойдаланилган минтақаларда, яъни жами экин майдони 87 %). Бу аҳоли жон бошига ўртacha 1,4 кг дан тўғри келади. Мамлакатимизда ўтган асрнинг 80-йилларда ўтказилган тадқиқотлар ҳомиладорлик ва тугиш пайтидаги мураккабликлар, ўлик туғилишилар, чақалоқлардаги нуқсонлар пестицидлар ишлатиш микдорига боғлиқлигини күрсатади. Шу нарса аниқландики, пестицидлар кўп ишлатиладиган районларда саломатлик кўрсаткичлари жуда ёмон аҳволда. Афтидан пестицидлар радиация каби таъсириниң қуи нуқтасига эга эмас.

Профессор X.Крау шундай таъкидлайдики: «Пестицидлар айrim кимёвий доривор радиация каби, ҳатто ундан ҳам кучлироқ таъсири қилиши муносабати билан ташвишланишга етарли асослар мавжуд».

Маълумки, жуда кўп ишлатиладиган қатор кимёвий моддалар айrim организмларда ирсий нуқсонларни келтириб чиқаради. Атроф-мухитни ифлослантирувчи кимёвий моддаларнинг мутаген потенциалини аниқлаш бальзи усуулларини Ф.К.Циммер ва бошқалар ҳам ўрганиб чиқишиган.

Кимёвий мутагенез оқибатларини ўрганиш ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлиб эътиборни жалб қила бошлади. Кейинчалик адабиётларда «супермутагенлар» тушунчаси қарор топди. У бекиёс мутагенликка (таъсири) эга бўлган ҳолда организм ва хужайраларнинг ҳаёти фаолиятига таъсири кўрсатмайдиган моддаларни билдиради. Супермутагенлар радиацияга нисбатан ўнлаб ва юзлаб мутаген фаоликка эга. Атроф-мухитнинг пестицид, гербицид, дефорлиант ва ҳоказолар билан ифлосланиши оқибатларини ўрганиш ҳозир энг муҳим экологик муаммо бўлиб турибди. Атроф-мухитни муҳофаза қилишда соф пестицидлар, шунингдек, инсон ва жониворлар учун хавфли жориворларни қўллаш ҳажмларини имкон борича камайтириш муҳим аҳамиятта эга. Шу муносабат билан яқин вақтларда пестицид билан ифлосланишга қарши зудлик билан чоралар кўрилишини тақозо этадиган туман ва вилоятларни аниқлаш керак. Шунинг учун пестицид қолдиклари билан алоҳида минтақаларнинг ифлосланишини аниқлайдиган услубиётчилар зарур.

**Маълумки, Марказий Осиё мингақасининг иссиқ шароитларида инсон истеъмол қиласиган сув миқдори ортади. Сув билан танага ҳар хил заарарли моддалар кўп миқдорда кириб қолиши мумкин.**

Ўтган асрниңг 90-йилларига қадар паҳтачиликда агромикатлар иҷлатилиш даражасининг ўсиб бориши ўткир ошқозон-ичак кассаликларини келтириб чиқарди.

Табиятта агрокимёвий зуғумларнинг оқибатларини ўрганиш вазиятга баҳо беришда муҳим кўрсаткичdir. Б.Д. Клейнер Марказий Осиё тоғларида дараҳт баргларида, ўт-ўланларда ва тупроқда пестицидлар узоқ муддат сақланиб қолишини аниқлаган. Белгиланган олтингугурт гази устида ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ўсимликлар газни сульфатга айлантириб қолмасдан, олтингугуртни водород ҳолатига қайтарар экан. Бинобарин, газ тўлқини ўтганидан сўнг айни шу газ ҳавони 2 марта ифлослаятиради.

Кейинги 15-20 йил ичида мамлакатда тармоқ, идоравий анъаналарниңг кучайиши ҳам республика иқтисодиётининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Халқ хўжалиги, маъмурий, худудий ва тармоқ манфаатлари устун кўйиб борилиши оқибатида бу тушунчаларнинг моҳияти бузилди. Чунончи, айнан тармоқлар манфаатлари устун қўйилиб республикада халқ хўжалигини ривожлантириш, айниқса қишлоқ хўжалигида бир томонламалик кучайди (М.Зиёдуллаев). Минерал ўғитларнинг кенг қўлланиши миңтақада муҳим муаммо — ўғитлар баҳосининг арzonлиги ва аксарият аҳолининг ортиқча ўғит солиш зарарини билмаслиги баъзан ҳосилдорликни ошириш ўрнига уни пасайишига олиб келади. Ўғитлардаги азот тупроқ ва организмларда нитратларга ва уларга нисбатан 20 марта заҳарли хатар моддаларга айланади. Сувда, ем-хашакда уларнинг мавжудлиги жуда ўткир ошқозон-ичак бузилишлари, заҳарланишлар ва сурункали касалликлар уйғотади.

Нитратлар гемоглобиндан икки валентли темирни уч валентли қилиб меттемоглобинга нитратларни нитрогемоглобинга айлантиради. Гемоглобин таркибида улар 20%га етса, кислород этишмаслиги юзага келади. 80% етса фожиага олиб келади.

АҚШ, Франция, Германияда ичимлик сувининг ҳар литрида 64-860 миллиграмм нитрат мавжудлигидан болалар хасталиклари келиб чиқсан. Чили, АҚШда рак билан хасталаниш ичимлик сувидаги нитратлар миқдорига боғлиқлиги аниқланган. Ичаклардаги микроблар жуда хавфли нитрозминларни юзага келтиради. Соғлиқни сақлаш Бутунжаҳон жамияти белгилаган меъёр бўйича овқат, ичимлик билан азот бирималарини бир

кеча-кундузда истеъмоли қўйидагиларга: азот нитратлари 200 мм гр; нитратлар 10 мм гр. Йиссиқ мамлакатларда (БМТнинг озиқ-овқат бўйича ихтиослашган муассасаси) бу меъёр 500 мм гр гача, АҚШда 700 мм гр гача оширилган.

Бизнинг шароитимизда азот ўғитларидан кўп микдорда фойдаланишга ружу қўйиб бўлмайди. Зоро, АҚШ ва Европада ёғингарчилик кўп бўлиб, тупроқ ювилиб туради.

Марказий Осиё республикларида азот ўғитларини ишлатиши технологиясининг кўплаб бузилиши хатарли оқибатларга олиб келади. Ҳолбуки, ҳар йили азот ўғитларининг ишлатилиши ҳажман ортиб бормоқда Чунончи, 1990 йили 593,4 тонна ишлатилган бўлса, 1995 йилга келиб, бу кўрсаткич 760 минг тоннага етди. Ҳолбуки, сув захираларининг тақчиллиги туфайли Ўзбекистон Республикасида экин майдонларининг ҳажми ошиши кутилаяпти. Илмий маълумотларга қараганда, азотли ўғитлар самарадорлиги 40-45%ни ташкил қиласди. Қолган қисми ер ости ва ер усти сувларига ўтиб, уларни нитрат билан ифлослантиради. Бу ифлосланишининг олдини олиш борасида ЎзФА «Биолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси қатор амалий ишларни амалга оширмоқда. Азот ўғитларини қўйлашнинг ўсив борици жиҳдий дастурни тақозо этади. У қўйидагиларни қамраб олиши керак:

- тупроқ, сув ва ҳавода азотнинг маҳаллий тўпланишини ҳисобга олиш;
- секин ювилиб кетадиган ва экинлар секин ўзлаштирадиган шаклларни танлаш ва бошқа озиқ моддалар билан азотнинг мақбул тарзда уйғунлашишига эришиш;
- экинларга меъёрида минерал ўғитлар солиш ва алмашлаб экинни ташкил қилиш;
- ўғитларни, зараркунандаларни, ҳосил сифатини аниқлашни ташкил этиш;
- минерал нитратини мевали ва бошқа экинларга солишни ташкил этиш.

## 6.2. Марказий Осиё давлатларининг ижтимоий-экологик муаммолари

Тожикистон Марказий Осиё мінтақасининг ижтимоий экотизимида муҳим ўрин эгаллади.

Республика худудида 3 мингдан кўпроқ музликлар бўлиб, энг катта Федченко музлиги ҳам шу ерда жойлашган. Бу худуддаги ичимлик сувлар йилига 110-115 миллиард м<sup>3</sup> ни ташкил этади. Бундан ташқари, водийдаги туманларда кенг майдонлар

ғұза билан банд. Ғұза етиштиришда күп міндердә (гектарига 50кг) пестицидлар ишлатилади, бу эса табиатта бүлгап антропоген таъсирнинг жуда ёмонлигидан далолат беради.

Республикада йирик шаҳарлар атроф-мухити ҳолати мураккаб вазияттада. Ташланғындың ерлар, дарё этаклари, қышлоқ жойлар, тоғ этакларини жадал үзлаштириш үсімлік табиий қатламини ва ҳайвонат дунёсінің жиддий үзгартирди. Ҳайвонот ва үсімлік оламини илк марта рүйхатдан үтказиши буни тасдиқлада. Шу нараса аниқланғыки, антропоген күчлар таъсирида Тожикистандағы умуртқасиз ҳайвонларнинг 58 тури, балиқларнинг 49 туридан 4 тури тұла ійүқолиб кетиш араfasыда. Судралиб юрувчиларнинг 50%и ёки 44 туридан 21 тури, құшларнинг 10 турдан күпроғи (350 турдан) ійүқолиб кетди. Сут әмисувчилардан роппа-rossa 50%и (84 туридан 42 таси) ійүқолиб бормоқда. Бу ёввойи ҳайвонлар ва үсімліклар экологиясینи үрганишни көнгайтириш ва чуқурлаштириш заруриятини келтириб чиқарди. Бу тадқиқотлардан холоса шуки, Тожикистандағы құриқхона ва муҳофаза жойларини күтталаштириш керак.

Тожикистанда 3 та йирик – «Гигровая балка», «Рамит», «Дашти-құм» тоғ құриқхонлари ва 15 та муҳофаза қилиш масканлари мавжуд. Жадал саноат ифлосланиши юз берган туманларда умумий тизимда техника воситалари билан бирга довдараҳтлар мұхим роль үйнайды. Ҳозирги пайтда Тожикистан Фанлар Академиясы ботаника институты мутахассислари бу борада муайян ишларни амалға оширмоқда.

Тожикистан Республикасыда экологик вазият хилма-хил бүлгап туманлар анча күп. Энг мураккаб экологик вазият Ҳисор водийсіда вужудға келген. Шу ердаги Турсунзода шаҳрида жойлашған алюминий комбинати Ҳисор водийсінинг шарқий қанотидан то унинг ғарбий қанотигача, Узбекистон Республикасы Сурхондарё вилоятининг Сариосиे ва Узун туманларигача бүлгап масофадаги сув, тупроқ ва атмосфера ҳавосини ўз чиқындилари билан ифлослантироқда. Корхона чиқараётган газлар ишлаб чиқаришда фтор бирикмаларининг мавжудлигі нағағат инсон, балқи уй ҳайвонларнинг соғлигига, үсімліктарға жуда кatta зарап етказмоқда.

Туркменистан ҳам Марказий Осиё мінтақавий ижтимоий экотизимиининг бир қисми сифатида кейинги 4 йил мобайнида кеңг миқёсли үзгаришларга учради.

Узунлиғи 1100 км Қоракүм каналининг қазилиши 710 минг гектар янғын ерларни үзлаштириш имконини бермоқда. Амалда 510 минг тонна пахта, шу жумладан, 300 минг тонна 1-навли интичка тола пахта олимоқда, 244 минг тонна сабзавот, 124

минг тонна узум етиштирилмоқда. Канал қурилган миңтақада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ялпи ҳажми 1 миллиард 167 миллион сўмни ёки республика қишлоқ хўжалиги ялци ишлаб чиқариши ҳажмининг 47,4%ини ташкил қилмоқда. Канал асосида юзага қелган экотизимлар юксак маҳсулдорлик ва иктисолий самараదорликка эга. Шуни айтиш керакки, Марказий Осиё миңтақасида сугориладиган бошқа жойлардан бу жой 1,5 марта юқоридир.

МДХ мамлакатлари орасида Туркманистон газ қазиб олиш бўйича 2-уринда туради. Бу худудда йилига 14 миллион куб метр туз хомашёси қайта ишланади. Аммо республикада экологик вазияти ўта мураккаб бўлган районлар мавжуд. Мамлакат жанубидаги Даҳҳовуз вилоятида Орол денгизи ва Оролбўйи худудига хос муаммолар кенг тарқалган. Шуларнинг асосий қисми ичимлик сувининг етишмаслиги ҳамда оқава сувлар миқдорининг кўплиги билан боғланган.

Туркманистон гарбида экологик вазиятнинг шаклланишига нефтни қазиб олуви ва уни қайта ишлаш ва кимёвий саноатнинг ривожланганлиги катта таъсир қиласди. Худди шундай экологик вазият Лирий вилоятида ҳам мавжуддир. Бу ерда экологик вазиятнинг барқарорланишида Йирик табиий газ конларининг ишлаши ҳамда йўлдош газларнинг очик ҳавода доимий равишда ёндирилиши асосий ўринни эталлади.

Мамлакатнинг Туркманобод вилояти атроф-муҳитининг ўзгариши шимолда нефтни қайта ишлаш мажмусининг фаолияти, жанубда Гаудан, Керки районларида олтингугурт, полиметалл ва бошқа фойдали қазилма конларининг ишлаши билан белгиланади. Умуман олганда, Туркманистон Республикасида Бекдаш-Челекен, Небит-Даг, Қум-Даг, Мари-Тажон, Гаурдак-Керки, Туркманобод-Нефтезаводск районларида мавжуд экологик вазият қониқарли эмаслигини таъкидлаб ўтиш зарурдир.

Қозогистон Республикасида ер-сув ресурслари ва атмосфера ҳавоси ифлосланган районларга саноати, айниқса, төғ-кон, рангли ва қора металлургия саноати, электроэнергетика тармоғи ривожланган. Шарқий Қозогистон (қўроғошин-рух, мис саноати), Павлодар (кўмир, нефтни қайта ишлаш саноати, электроэнергетика), Қустанай (төғ-кон саноати), Караганда (кўмир саноати, қора металлургия), Жезқазган (кимё саноати), Шимкент (асосий кимё, рангли металлургия), Актуба (қора металлургия), Турғай (рангли металлургия), Ажирау (нефть-газ саноати, нефтни қайта ишлаш), Мангистау (атом электроэнергетикиси, нефть саноати, рангли металлургия) вилоятлари киради. Шуларнинг ишлаб чиқаришидан экологик вазият энг му-

раккаб бўлган вилоятларни шарқий Қозогистон, Павлодор, Қарағанда, Жезғазган, Мангистау ва Тўргай вилоятлари ташкил этади. Қозогистонда шамол эрозияси кенг тарқалган. Шамол эрозияси натижасида асосий экин – баҳорги бутдой ҳосилдорлиги 30-40%га қисқариб, 8-10 центинердан ошмайди.

«Экологик танглик» ҳолати Марқазий Осиё минтақасининг жуда кўп қисмларига хосдир. Бу ўринда, айниқса, Қозогистон ажралиб туришилигини таъкидлаб ўтиш зарурдир.

Қирғизистон Республикасида экологик инқироз ҳолати Иссиккўл водийисида ҳамда жанубда Майли сув дарёси водийисида ва кўмир қазиб олинадиган районларда кузатилмоқда. Майли сув дарёсининг юқори қисмида радиоактив чиқиндилар сақлананаётган «қабристонлар» нафақат Қирғизистон, балки Ўзбекистонга ҳам катта хавф тугдирмоқда. Кўмир конлари жойлашган Қизил-қия ва Сулукта шаҳарлари ва уларнинг атрофи ҳудудларида ҳам мураккаб экологик вазият ҳукмрон. Шунга ўхшаш вазият симоб конлари жойлашган Ҳайдаркон, сурма металл қазиб олинадиган ва қайта ишланадиган Қадамжой шаҳарчаларида ҳам мавжуддир.

Шундай қилиб, Марқазий Осиё минтақаси ва унда мавжуд барча давлатларнинг экологик вазияти мураккаб бўлган дунё районлари қаторига кўшиш мумкин. Энг афсусланарли жойи шундан иборатки, минтақадаги экологик вазият амалга оширилаётган қатор амалий тадбирларга қарамасдан ёмонлашишда давом этапти. Бу аҳоли сони тез суръатлар билан ўсаётган минтақада умумий ижтимоий-сиёсий вазиятни ҳам барқарорлаштириши мумкин.

## Қисқача хуосалар

Биосферага саноатнинг таъсирини ўрганаётib, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва режали тарзда ижтимоий-иқтисодий ва экологик ривожланишда муҳим аҳамиятта эга бўлган ишлаб чиқаришни ҳудудий жиҳатдан мақбул равиша ташкил этиш каби ўзак масалаларни четлаб ўтиб бўлмайди.

Автомобиль чиқиндилари, биринчидан, шуниси билан хавфлики, улар биосферанинг фаол зонасига таъсири қилади, иккинчидан, уларда барча тирик жонзотлар учун жуда заҳарли бўлган кўроғошин бирикмалари бор.

Транспорт таъсирининг оқибатларини аниқ-пухта билиш минтақадаги барча манфаатдор ташкилотларнинг ўзаро муваффақиятли ҳаракатига боғлиқ.

Қишлоқ хўжалигида пестицидларнинг кенг кўлланилиши заҳарли кимёвий моддалар билан ишлайдиган кишилар сони кўпайтирилишини тақозо этади.

Табиатга агрокимёвий зуғумларнинг оқибатларини ўрганиш вазиятта баҳо беришда муҳим кўрсаткичdir.

### Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Марказий Осиё минтақасининг ижтимоий-экологик ҳолатига саноат қандай таъсири кўрсатади?
2. Ижтимоий-экологик ҳолатга транспортнинг таъсири қандай?
3. Ижтимоий-экологик ҳолатга қишлоқ хўжалигининг таъсири қандай?
4. Ижтимоий-экологик ҳолатга кимёлаштиришнинг таъсири қандай?
5. Марказий Осиё давлатларининг қандай ижтимоий-экологик муаммолари бор?

### Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафоларлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Шодиметов Ю.Ш. Ижтимоий экологияга кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1994.
3. Лосев А.В., Провадкин Г.Г. Социальная экология. – М.: Владос, 1998.
4. Камаров В.Д. Социальная экология. – Л., 1990.
5. Багинская Г.А. Основы социоэкологии. – Л., 1993.
6. Коробкин В.И. Экология. – М., 2003.

## VII боб

### ОРОЛ ВА ОРОЛБҮЙИДА ИЖТИМОЙ-ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТНИНГ КЕСКИНЛАШУВИ

#### 7.1. Орол денгизининг қуриб бориши сабаблари

Орол денгизининг қуриб бориши тоят кескин муаммо, айтиш мумкинки, миллий кулфат бўлиб қолди. Орол денгизи муаммоси узоқ ўтмишга бориб тақалади. Лекин бу муаммо сўнгги ўн йилликлар мобайнида хавфли даражада ортди. Марказий Осиёning бутун ҳудуди бўйлаб сугориш тизимларини жадал суръатда қуриши кўплаб аҳоли пунктларига ва саноат корхоналарига сув бериш баробарида кенг кўламдаги фожия – Орол ҳалок бўлишининг сабабига ҳам айланди.

Яқин-яқинларгача чўлу сахролардан тортиб олинган ва сугорилган янги ерлар ҳақида дабдаба билан сўзланарди. Айни чоғда, ана шу сув Оролдан тортиб олинганлиги, уни «жонсизлантириб қўйганлиги» хәёлга келмасди. Эндиликда Оролбўйи экологик кулфат ҳудудига айланди. Орол таанглиги инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар фожиалардан биридир. Денгиз ҳавзасида яшайдиган қарийб 35 миллион киши унинг таъсирида қолди. Биз 20-25 йил давомида жаҳондаги энг йирик ёпиқ ҳавзалардан бирининг йўқолиб боришига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бироқ бир авлоднинг кўз ўнгига бутун бир дениз ҳалок бўлган ҳол ҳали рўй берган эмасди. 1911-1962 йилларда Орол денгизининг сатҳи энг юқори нуқтада бўлиб, 53,4 метрни, сувнинг ҳажми  $1064 \text{ км}^3$  ни, юзаси  $66000 \text{ км}^2$  ва минераллашув даражаси 1 литр сувда 10-11 гр ни ташкил этганди.

Денгиз транспорти, балиқ хўжалиги, иқлим шароити жиҳатидан катта аҳамиятга эга бўлган, унга Сирдарё ва Амударёдан ҳар йили деярли  $56 \text{ км}^3$  сув келиб қуйилар эди. 1994 йилга келиб, Орол денгизидаги сувнинг сатҳи - 32,5 метрга, сув ҳажми  $400 \text{ км}^3$ дан камроққа, сув юзасининг майдони эса 32,5 минг  $\text{км}^2$  га тушиб қолди, сувнинг минераллашуви 2 баробарга ортди. Оролнинг сатҳи 20 метр пасайиши натижасида у энди яхлит дениз эмас, балки 2 та қолдик кўлга айланниб қолди. Унинг соҳиллари 60-80 км га чекинди. Амударё билан Сирдарёning дельталари жадал суръатлар билан бузилиб бормоқда. Денгизнинг сув қочган туби 4 млн. га дан ортиқроқ майдонда кўриниб қолди. Натижада яна битта «қўлбола» қумли - шўрҳок саҳроя эга бўлдик. Шамол Орол денгизининг қуриб қолган тубидан туз ва чанг-тўзонни юзлаб км га учирив кетмоқда.

## 7.2. Орол денгизи ва унинг атрофидаги бугунги ижтимоий-экологик вазият

Оролниң қуриб қолған тубидан чанг бўронлари 1975 йилда ёк космик тадқиқотлар натижасида аниқланган эди. Ўтган асрнинг 80-йиллар бошларидан бўён бундай тўфонлар бир йилда 90 кун давомида кузатилмоқда. Чанг бўронларининг таъсир доираси эса 300 километргача етмоқда. Мутахассислар берган мазъумотларга қараганда, бу ерда ҳар йили атмосферага 15-75 миллион тонна чанг кўтарилади. Буларниң ҳаммаси Оролбўйи иқлимининг ўзгаришига олиб келди. 1983 йилдан бошлаб, Орол балиқ овлашга яроқсиз бўлиб қолди. Соҳиленг ҳозирги чизигидан йироқларда балиқчиларнинг қачонлардир қудратли бўлган флотилияси занг босган қолдиқларини, вайронага айланган балиқчилар посёлкаларини учратиш мумкин. Бўзкўл, Олтинкўл, Қаратма кўрфазлари йўқолди. Акпетки архипелаги қуруқлик билан қўшилиб кетди. Ййлов ва ўтлоқлар йўқолиб бормоқда. Худуд ботқоқча айланмоқда. Сувнинг тобора тақчилашиб бораёттганлиги ва сифати ёмонлашаётганлиги турорқ ва ўсимлик қатламишининг бузилишига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсида ўзгаришлар юз беришига, шунингдек, сугорма деҳончилик самарадорлигининг пасайишига олиб келмоқда.

Орол денгизининг қуриб бориши ва бу жараён туфайли Оролбўйи минтақасида табиий мухитнинг бузилиши экологик фожиа сифатида баҳоланмоқда. Чанг ва туз бўронларининг пайдо бўлиши, фақат Оролбўйида эмас, балки денгиздан анча наридаги бепоён худудларда ерларнинг чўлга айланиши, иқлим ва ландшафтларнинг ўзгариши, булар ана шу фожиа оқибатларининг тўлиқ бўлмаган рўйхатидир.

Орол фожиасини ўтган асрнинг 70-йиллари бошларида, жуда кечи билан 80-йиллар бошларида, денгизнинг сатҳи унчалик пасаймаган бир пайтда идора қилиш мумкин эди. Ҳозирги вақтда эса бу жараён яна ҳам мушкуллашди ёки умуман бошқариб бўлмайдиган ҳолга келди. Натижада Орол денгизи атрофифа, айниқса, Қорақалпоғистон Республикасида Қизил Ўрда ва Даҳчовуз вилоятларида аҳоли саломатлиги учун хавфли оғир ижтимоий-иқтисадий, экологик ва санитария-эпидемиологик вазият вужудга келди. Касалга чалиниш даражаси, айниқса аёллар ва болаларда кўтарилди, ўлим ҳам кўпайди.

Оролбўйи аҳолиси саломатлигининг ёмонлашувига экологик омиллардан ташқари, тиббиёт муассасалари ишидаги камчиликлар, бир қатор аҳоли истикомат қиласидаган жойларда марказларига водопровод тизимишининг йўқлиги ҳам сабаб бўлмоқ-

да. Масалан, Қарақалпоғистонда шаҳар жойларнинг бор-йўри 11% и водопровод тизими билан таъминланган холос, қишлоқда эса буидай тизим бутунлай йўқ.

Кишлоқ хўжалигини кимёлаштиришни кучайтириш ва бошқа қўринишдаги салбий антропоген таъсир билан уйғунлашган ҳолда ирригацияга катта эътибор берилганини миңтақа экологик тизимида салбий ўзгаришларни келтириб чиқарди.

Назоратсизлик ва сувдан фойдаланишининг бепуллиги ҳамда алмашлаб экишларнинг йўқлиги сувдан самарасиз фойдаланишга олиб келди. Оролбўйида дengизнинг қуриб бориши муносабати билан ҳалқаро, кенг кўламли аҳамиятга молик бўлган экологик, ижтимоий-иктисодий ва демографик муаммоларнинг мураккаб мажмуи вужудга келди. Бундай муаммоларни ҳал этиш ҳозирги бозор муносабатлари шароитида анча мураккаб бўлишига қарамасдан, республикада бу борада бир мунҷа изобий ишлар амалга оширилмоқда. Оролни соғломлаштириш, уни сув билан таъминлаш, дengиз атрофидаги экологик мухитни яхшилашга қаратилган ибратли ишлар бошланди.

### 7.3. Орол дengизининг қуриб қолишига қарши олиб борилаётган чора-тадбирлар

Орол дengизининг қуриб бориши ва минтақанинг чўлга айланиши билан боғлиқ экологик фожиа бу ҳавзада яшаётган барча ҳалқларнинг дарду аламидир. Сув захиралари билан боғлиқ бўлган муаммолар мажмуаси кенг кўламли ва мураккаб кўп тармоқли ёндашувни, минтақадаги давлатлар билан ҳалқаро ҳамжамият ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришни талаб қиласди. Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг 1993 йил март ойида Қизил Ўрдада бўлиб ўтган учрашуви ана шу муаммоларни ҳал қилиш йўлидаги турткни бўлди. Бу учрашувда Орол дengизи танглигини ҳал этиш юзасидан биргаликда ҳаракат қилиш тўғрисида битим имзоланди. Орол дengизи муаммолари бўйича Давлатлараро кенгаш ва унинг ишчи органи Ижроия қўмитаси, шунингдек, Оролни кутқариш ҳалқаро фонди ташкил этилди. Марказий Осиё республикалари давлат бошлиқларининг 1994 йил январида Нукус шаҳрида бўлиб ўтган иккинчи учрашувида Орол дengизи ҳавzasидаги экологик вазиятни яхшилаш юзасидан яқин уч беш йилга мўлжалланган, минтақани ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг аниқ ҳаракатлар дастури тасдиқланди. 1994 йил март ойида Тошҳовзда бўлган учинчи учрашувда Давлатлараро кенгашнинг ушбу дастури бажарилиши ҳақидаги ҳисобот тингланди.

1997 йил февралда Марказий Осиёдаги беш давлат бошлиқларининг БМТ, Жаҳон банки ва бошқа халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида Алматида бўлиб ўтган учрашувида Орол муаммосини ҳал этиш бўйича ташкилий тузилмаларни такомиллаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Оролни кутқариш халқаро фондининг анча ишchan таркиби ва унинг негизида ҳаракатчан Ижроия қўмитаси тузилди.

Орол муаммосининг бутун қескинлигини, уни сақлаб колиши юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўриш зарурлигини тушунган ҳолда Марказий Осиё республикаларининг ҳукуматлари, мутахассислари ва минтақанинг илмий жамоатчилиги, халқаро ташкилотлари 1995 йил 20 сентябрда Йукус шаҳрида Марказий Осиё давлатлари ва халқаро ташкилотларнинг Орол денгизи ҳавзасини барқарорлигини ривожлантириш муаммолари бўйича Декларация қабул қилдилар. Декларация барқарор ривожланиш қоидаларига қатъий амал қилишни назарда тутади ва эътиборни куйидаги фоят муҳим муаммоларни ҳал қилишга қаратади:

- қишлоқ ва ўрмон хўжалигининг янада мувозанатли ва илмий асосланган тизимиға ўтиш. Республикада ўрмон фонди ни кенгайтириш ишлари олиб борилмоқда;
- сув захираларидан фойдаланишнинг тежкамли усуллари ни ишлаб чиқиш, суғорища ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишда такомиллашган технологияларни қўллаш воситасида ирригациянинг самараадорлигини ошириш, шунингдек, бозор муносабатларига ўтишда сувдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш масаласи ҳам жорий қилиш;
- минтақанинг табиий захираларидан фойдаланишни мажмua бошқариш тизимини такомиллаштириш керак.

Пировард натижада Орол танглигини барқарор ривожлантириш, бу минтақада яшаётган одамларнинг турмуш даражаси пасайиб кетишига йўл қўймаслик, келажакда ёш авлод учун муносиб турмушни таъминлаш тамойиллари асосида ҳал қилиш бўйича узоқ муддатли стратегия ва дастур ишлаб чиқилган.

## **Қисқача хулюсалар**

Орол дengизининг ҳозирги кунда қуриб бориши хавфи ғоят кескин муаммо, айтиш мумкинки, миллий кулфат бўлиб қолди. Бу муаммо сўнти ўн йилликлар мобайнида хавфли даражада орти.

Эндиликда Оролбўй ижтимоий-экологик кулфат худудига айланди.

Орол дengизининг қуриб қолган тубидан ҳар йили атмосферага 15-75 млн. тонна туз ва чанг тўзони кўтарилади.

Оролбўйда дengизининг қуриб бориши муносабати билан халқаро, кенг кўламли аҳамиятга молик бўлган экологик, ижтимоий-иктисодий ва демографик муаммоларнинг мураккаб мажмуми вужудга келди.

## **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Орол дengизининг қуриб бориши сабабларини кўрсатинг.
2. Орол дengизининг ҳозирги ҳолати.
3. Орол дengизини сақлаб қолиш юзасидан олиб борилаётган чора-тадбирларни айтиб ўтинг.
4. Орол дengизини сақлаб қолиш юзасидан халқаро ташкилотларнинг амалий ишлари.
5. Орол дengизи ва унинг атрофидаги ижтимоий-экологик вазият қандай?

## **Асосий адабиётлар**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафоларлари. – Т.: Узбекистон, 1997.
2. Шодиметов Ю.Ш. Региональные проблемы социальной экологии. – Т.: Узбекистон, 1992.
3. Шодиметов Ю.Ш. Ижтимоий экологияга кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1994.
4. Рафиқов А.А. Орол тақдири. – Т: 1990.
5. Турсунов Х.Т. Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш. – Т., 1997.
6. Национальный доклад. О состояния окружающей природной среды и использовании природных ресурсов. – Т., 2002.

## VIII боб

### «ИЖТИМОЙ ЭКОЛОГИЯ»НИНГ СИЁСИЙ АСПЕКТИ

#### 8.1. Экологик сиёсат ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг бир кўриниши

Инсоният ривожининг ҳозирги босқичида жамият ва табиат ўзаро муносабатлари сиёсий партия, халқаро ташкилот, миллий ҳукуматлар, жаҳон жамоатчилиги кенг доиралари ёзтиборини тобора кўпроқ ўзига тортмоқда. Бу фан-техника тараққиётининг экологик оқибатларга кенг кўламли ижтимоий ёндашуви зарурияти билан боғлиқдир.

Бутунги кунида, фан-техника тараққиёти яқин истиқболда ҳар хил ижтимоий шароитларда амалга оширилади. Шу билан бирга, фан-техника инқилобининг оқибатлари кўп жиҳатдан барча мамлакатлар учун умумийдир, атроф-мухитни муҳофазалаш, илмий асосланган экология сиёсатини ишлаб чиқиши муаммоларини ҳал этишга умуминсоний ёндашувни талаб қиласди.

Экологик сиёсат дейилганда, давлатларнинг «табиат-жамият» тизимидағи ўзаро муносабатларни тартибга солишнинг энг қулай ва самарали амалга оширишга йўналтирилган фаолиятини тушунмоқ лозим. Турли ижтимоий тизимларда табиат ва жамият ўзаро алоқаларининг қонуниятлари, шароитлари ва шаклланиши, шунингдек, ўзаро алоқаларни қулайлаштириш ва уларни бошқаришни ўрганадиган сиёсий экология бундай сиёсатнинг илмий-услубий базаси ҳисобланади. Экологик сиёсатни ишлаб чиқишида ҳозирги замон билимлари барча тармоқларининг вакиллари қатнашадилар. Мазкур сиёсат давлатнинг бошқарувига доир қарорларда жамланма ифодасини топади.

Ҳозирги вақтда экология сиёсатини ишлаб чиқишида дунёда муайян тажриба тўпланган. Қоида бўлиб қолганидек, у давлат ва унинг жойлардаги марказий, маҳаллий, ишлаб чиқариши, жамоат ва бошқа даражалардаги органларнинг асосий уч соҳадаги тартибга солиб турувчи фаолиятини ўз ичига олади. Бу соҳалар жамиятнинг атроф табиий мухит билан мавжуд ва потенциал ўзаро алоқаларига дахлдордир:

- биринчидан, бу гўё табиатни «консерватив» муҳофаза қилиш, яъни қўриқхона ҳудудлари, миллий бор ва ўрмонлар, биосфера қўриқхоналари ҳамда хўжалик муаммосидан чиқарилган табиатни муҳофазалаш объектларини эҳтиётлаш, шунингдек, ўсимлик ва ҳайвонот оламини табиий ҳолатда сақлашнинг ташкилий-хуқуқий чораларини ишлаб чиқиши;

- иккинчидан, табиатни муҳофазалайдиган ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиатдаги экологик мувозанатни ҳисобга олиб, худудларни, ҳомашёнинг энергия манбаларидан фойдаланиш расамадини карталаштириш, фойдали қазилмаларни қазиб олиши тартибга солиш ва бошқалар;
- учингчидан, сув, ҳаво ва ерни муҳофаза қилиш, шовқинсурон ва радиацияга қарши кураш, чиқинидисиз ишлаб чиқариши ташкил этиш, аҳоли дам олиши учун қулай шароитлар яратиш ва ҳоказоларни ўз ичига олади.

Шундай қилиб, экологик сиёсат жамият ва табиатнинг жуда ранг-баранг ўзаро алоқаларни асл ҳолатида бошқаришнинг мурракаб ва мажмуйи механизми сифатида намоён бўлади.

Бозор муносабатларига ўтила борган сари, инсон ҳуқуқларининг мутлақо янги тарқибий қисми – экологик ҳуқуқ олдинги ўринга чиқилмоқда. Фарбнинг кўпгина давлатларида фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга, экологик мувозанатни сақлашга бўлган ҳуқуқи масалаларига жуда жиддий ёндашадилар. Бу мамлакатларнинг 1975 йилдан кейин қабул қилинган барча Конституциялари асосида ана шу ҳуқуқ ҳақида бевосита ёки билвосита ёзиб қўйилган ва у тегишли иқтисодий жиҳатлар билан тъзмийланади. Республикамиз Конституциясининг бир катор моддаларида табиат муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни келажак авлод учун саклаш қайд этилган.

## 8.2. Экологик сиёсат тузилмаси

Экологик сиёсатни ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг кўринишларидан бири деб изоҳлаш мумкин. У тегишли ишлаб чиқариш тури, жамият ҳаёти ижтимоий-иқтисодий шакллари ва шахс омилларига асосланган жамият билан табиат ўртасидаги ўзаро алоқаларни танлаш ва амалга оширишга йўналтирилган бўлади. Экологик сиёсат стратегик мақсадни ҳам кўзлайди, яъни жамият ва табиат ўзаро муносабатларини мувофиқлаштиришин ҳамда одамлар турмушини меҳнатнинг қулай табиий шароитларини, шунингдек, табиатдан фойдаланишнинг у ёки бу йўналишларини такомиллаштиришни ҳал этади.

Экологик сиёсат олим ва мутахассислар, давлат ва жамоат ташкилотларининг, жумладан, тафаккури билан ишлаб чиқилади ва қонунлар ҳамда меъёрларни белгиловчи ҳужжатларда мужассамлашади.

Экологик сиёсатни ишлаб чиқиш муайян қонун-коидалар мажмугига асосланади. Бу жамиятни ривожлантиришнинг аниқ,

ички ва ташқи шароитларини ва унинг накд имкониятларини хисобга олиш, инсон ва табиатнинг ўзаро таъсири жараёнида ижтимоий ишлаб чиқаришининг белгиловчилик аҳамияти, жамият ҳаётининг экологик ва бошқа томонлари бирлиги, экологик вазифаларнинг хўжаликни оқилюна юритиш имкониятларини таъминлаш узлуксиз ривожланиши зарурити кабилардан иборатdir.

Шубҳасиз, экологик вазиятнинг кескинлашувида фан ва техника таъсир кўрсатишини таъкидлаш билан бирга, келгусида бу вазифа яхшиланишида унинг роли катта эканлигига етарли баҳо бермаслик ҳам мумкин эмас. Аммо бу ҳолат муайян жамият доирасида мазкур жамият муассасалари амалга оширадиган сиёсат, ўз сиёсатини амалга оширишда эгаллайдиган услублар, улар кўзлайдиган мақсадлар ва ҳоказолар доирасида юзага чиқади.

Ҳар қандай сиёсат каби экологик сиёсат ҳам аниқ-равшандир. У обьект (ижтимоий-экологик тизим)нинг билиб олганлик даражаси, давлат ривожининг ички ва ташқи шартшароитлари, бундай сиёсатни амалга ошириш учун жамият эга бўлган моддий имкониятлар билан изоҳланади.

Мамлакатнинг ҳозирги ижтимоий-экологик ҳолати муайян даражада инқилюдан кейинги дастлабки йилларида фаол ўтказилган табиатни муҳофазалаш сиёсатининг натижасидир. 1919 йил қабул қилинган дастурда тупроқ, сув ва ҳайвонларни муҳофаза қилишга аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишнинг зарур шарти сифатида қаралган эди. 1925 йилда табиатни муҳофаза қилиш бўйича давлат қўмитаси, ўлка ва республикаларда идоралараро комиссиялар тузилди.

Бироқ ўтган асрнинг 30-йиллари бошларида табиатни муҳофаза қилиш йўлида чекиниш рўй бера бошлади. Табиатни ўзгартириш ғояси устун тус олдики, бу амалда табиий жараёнларнинг жиддий равишда бузилишига олиб келади. 30-50 йиллар мобайнида ижтимоий онгда табиатта истеъмолчилик муносабатлари мустахкамланди, табиат бойликларининг битмас-туғанмаслиги тўғрисидаги тасаввурлар пайдо бўлди. Инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатлари муаммосига илмий ёндашибига уриниш саноат ва қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш афзаллигидан келиб чиқсан маъмурӣ қарорларга тўқнаш келди. Экология сиёсати муайян босқичларга бўлинди.

### 8.3. Экология сиёсатининг босқичлари

Биринчи босқич вақт эътибори билан тахминан ўтиш даврига тўғри келади. У давлатнинг мамлакатда табиатдан фойдаланишининг ташкилий ва ижтимоий-иктисодий шаклларини тар-

тибга солишга қаратылған фаол қонунчилік фаолияти билан тавсифланади. 1917 йилдан 1936 йилгача бұлған даврда бу борада умумдавлат аҳамиятига молик 25 та йирик ҳужжат қабул қилинади. Улар орасыда Халқ Комиссарлари кенгасынинг «Ер ости түгрисида»ги декрети (1922 йил, 30 апрель), «Үрмөн ҳұжалигини ташкил этиш» (1939 йил, 31 июль), «Балиқ овлашни тартибга солиши ва балиқ захираларини муҳофаза қилиш» (1935 йил, 25 сентябрь) түгрисидеги қарорлари ва бошқа ҳужжатлар бор. Айни бир вақтта моддий маблағларнинг етишмаслиги оқибатида мамлакатда табиатдан фойдаланишини такомиллаштырыш соҳасыда умумдавлат аҳамиятига молик йирик амалий табдирлар ҳаётта жорий қилинмади.

Ижтимоий-экологик сиёсатнинг иккинчи босқичи тахминан ўтган асрнинг 30-йиллари ўрталарида бошланади. У табиатдан фойдаланишини тартибга солищдаги сұсткашлықдан табиатни ўзгартиришнинг улкан миқёсли фаол ишларига ўтиш (кудратли гидростанциялар, кемалар қатнайдынан ва сугориш каналлари қурилиши, үрмөн пахтазорлар барпо этиш, құрғыларни шудғор қилиш) билан тавсифланади.

30 йилдан күпроқ вақтни ўз ичига олған бу босқич мұраккаб ва зиддиятли бўлған. Одамларнинг маданий фаолияти кўп ҳолларда инсоннинг табиат устидан ҳукмронлиги деган тескари талқинлиғо ясасланди, шу боисдан бу фаолият кўпинча орқа, ўнгта қарамай табиатни бўйсундиришига йўналтирилди. Кўп жихатдан адабиёт, санъат, оммавий ахборот воситалари кучая бориши табиий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари туфайли бундай хатти-ҳаракатларнинг оқибатлари дарҳол кўзга ташланмади, лекин бир неча ўн йиллардан кейин сезилиб қолди. Табиатдан фойдаланиш муаммоларига давлат органлари эътибори сусайиб кетди. 1937 йилдан 1966 йилгача бу ишни умумиттироқ даражасыда тартибга солиши бўйича бор-йўғи 11 та йирик ҳужжат қабул қилинди, янын қонунчилік фаоллиги бир неча марта пасайиб кетди.

Табиатдан фойдаланиши жабхасидаги ахвол II жаҳон урупидан кейинги йилларда янада мураккаблашди, сабаби ҳалқ ҳұжалигини тикшаш учун ғоят катта маблаг сарфлашга тўри келди.

Ижтимоий-экологик сиёсатдаги қангайишлар, табиатдан нуқул манфаатпарастлик билан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишга етарли эътибор бермаслик 60-йиллар охирида қатор салбий оқибатларга олиб келди: атмосферанинг ва ички сувларнинг, айникса, Волга дарёси, Каспий денгизининг буғланиши кучайди. Орол бир неча марта қискарди, қишлоқ ҳұжалиги экинзорлари эрозияси жараёнлари кучайди, собиқ Иттироқнинг Ев-

ропа қисмидә ўрмон кесиши ваҳшиёна усул қасб этди, нокондекцион ёғочдан фойдаланилмади, қазилма бойликлар конларидан оқилона фойдаланилмаслик ҳоллари пайдо бўлди ва бошқалар.

Ҳаётнинг ўзи экологик сиёсатни ўзгартириш, унинг янги босқичига ўтишни тақозо этади. Бу босқич 60-70 йиллар чета-расида намоён бўла бошлади.

Ижтимоий-экологик сиёсатнинг учинчи босқичи 1967 йилдан 1986 йиллар ва ҳозирги кунларимизгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр давлатнинг қонун чиқарувчилик фаолияти кучайиши, табиатни муҳофаза қилиш соҳасига маблағ ажратишини фаоллаштириш, табиатдан фойдаланишни бошқаришнинг марказлашган тизими шаклланиши билан тавсифланади. Шу йиллар мобайнида табиатдан фойдаланишга оид муносабатларни тартибга солувчи 70 та умумдавлат хужжатлар қабул қилинди.

Гарчи, оз бўлса ҳам табиатни муҳофаза қилиш соҳасига марказлашган капитал маблағ сарфлаш ҳажми ўси. Ҳукуматнинг 1972 йил 29 декабрдаги «Табиатни муҳофаза қилишни кучайтириш ва табиат бойликларидан фойдаланишни яхшилаш тўғрисида»ги қарорига мувофик мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш давлат режасига табиатни муҳофаза қилиш ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланишга бағишланган маҳсус бўлим қўшилиши расм бўлди. Давлат режалаштириш қўмитаси хузурида эса Табиатни муҳофаза қилиш бўлими тузилди. Батъзи бир собиқ иттифоқдош республикаларда табиатни муҳофазалашга жавоб берадиган вазирлик ва қўмиталар ташкил этилди. Жумладан, Белорусия ва Украина табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси илгаридан фаолият юритиб келаётган эди.

Шу билан бирга 70-80 йилларда экологик сиёсатни амалга ошириш номигагина бўлди, бу кўп жиҳатдан мамлакатдаги турғунлик ҳолати билан «тепадан» назорат етарли бўлмаганлиги ва «қуида» аниқ манфаатдорлик йўқлиги билан боғлиқ эди. Чунончи, Вазирлар Конғашининг 1969 йил 21 январда қабул қилинган «Байкал кўли ҳавзаси табиий мажмууларини сақлаб қолиш ва улардан оқилона фойдаланиш чоралари тўғрисида»ги қарори 17 йил мобайнида ҳам тўла амалга оширилмади. Табиатдан фойдаланиш муаммосига идоравий ёндашибни енгизига муваффақ бўлинмади. Бу гедротехника қурилиши масалаларида, айниқса ёрқин намоён бўлди.

Идоралар қандай бўлмасин табиатни ўзгартиришнинг улкан лойиҳаларини амалга оширишга интилишга, аниқ ижтимоий эҳтиёжларга ва қилинаётган ишларнинг экологик оқибатларига кам эътибор берди. Бунда Орол денгизининг қуриши Қора

Бұғозчұл құлтиғининг Каспий деңгизидан ажралиб чиққанлиги натижасыда күкка совурилған пуллар әрі ҳалокат сари бора ёттан нодир табиий обьект әрқын мисолдир.

Зарарлы нарсаларни атроф-мухитта чиқарып ташлашни чеклашларнинг жорий этилиши табиий мұхит сиғатини илмий ва техникавий жиҳатдан ассоғланған ҳолда бошқариш учун шартшароитлар яратади. Аммо бу тадбирлар тегишли ҳажмдаги капитал маблағлар ва белгиланған пудрат билан мустаҳкамланаңы; уларни бажаришдан қурилиші ва монтаж қилиш ташкилотлари маңбаатдорлигини таъминловчи моддий рағбатлар ҳақида ўйлаб құрылмады.

## Қисқача хulosалар

Экологик сиёсат дейилганды давлатларнинг «табиат-жамият» тизимидағы ўзаро муносабатларни тартибга солишини энг қулай ва самарали амалға оширишга йўналтирилган фаолиятни тушунмоқ лозим.

Хозирги даврда экологик сиёсатни ишлаб чиқицда дунёда муайян тажриба тўпландган.

Экологик сиёсат, бу жамият ва табиатни жуда ранг-баранг ўзаро алоқалар ҳолатида бошқаришининг мураккаб ва мажмуий механизми сифатида намоён бўлади.

Бозор муносабатларига ўтиш борган сари инсон ҳукуқларининг мутлақо янги таркибий қисми – экологик ҳукуқни олдинги ўринга кўймоқда. Экологик сиёсат олим ва мутахассислар, давлат ва жамоат ташкилотларининг тафаккури билан ишлаб чиқилиб, қонун ҳамда мельёрларни белгиловчи ҳужжатларда мужассамлашади.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Экологик сиёсат ижтимоий-иктисодий сийёсатнинг бир кўрининиши эканлиги.
2. Экологик сиёсатнинг ижтимоий-иктисодий сиёсат билан яхлитлиги.
3. Экологик сиёсат тузилмалари қандай?
4. Экологик сиёсатнинг асосий босқичларини таърифланг.

### **Асосий адабиётлар**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида; хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Шодиметов Ю.Ш. Региональные проблемы социальной экологии. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
3. Шодиметов Ю.Ш. Ижтимоий экологияга кириш. – Т.: Ўқитувчи 1994.
4. Лосев А.В., Провадкин Г.Г. Социальная экология. – М.: Владос, 1998.
5. Холмүминов Ж. Экология ва қонун. – Т.: Адолат, 2000.
6. Камаров В.Д. Социальная экология. – Л., 1990.
7. Маркович Д.Ж. Социальная экология. – М.: Просвещение, 1991.
8. Багинская Г.А. Основы социоэкологии. – Л., 1993.
9. Коробкин В.И. Экология. – М., 2003.
10. Миллер Т. Жизнь в окружающей среде. – М.: Пангея, 1993.

## IX боб

### ИЖТИМОЙ-ЭКОЛОГИК ЙЎНАЛТИРИЛГАНЛИК

#### 9.1. Ижтимоий-экологик тафаккурнинг аҳамияти

Экологик тафаккур назарий ва амалий фаолиятда, ижтимоий-экологик жараёнларни бошқаришда, табиатни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал этишда дунё миқёсида умуминсоний нуқтаи назардан ёндашиш қонун-қойдаларига амал қилиш, демакдир. Ҳар хил миқёсдаги ходимларнинг экологик йўналтирилганилиги экология муаммоларининг байналминал тавсифини чуқур тушуниш заруриятини ҳам ўз ичига олади. Экология муаммоларининг миллий чегараси йўқ, у тобора кўпроқ минтақаларни қамраб олмоқда. Мазкур муаммоларни ҳал этиш учун барча ҳалқ ва миллатлар куч-ғайратларини ўйғуллаштириш зарур. Табиатни муҳофаза қилиш фаолиятида ижтимоий соҳани ривожлантиришга кескин бурилиш зарурлигини тушуниб этиш хукumat ва давлатлар ижтимоий-экологик йўналтирилганигининг энг муҳим томонидир. Ағсусли, давлат органлари ва маҳаллий бошқарув ташкилотларининг анчагина қисми ишида ана шундай йўналтирилганилик рўй бермаётир. Амалиётнинг кўрсатишнича, мавжуд ижтимоий тузилмалар ижтимоий-экологик муаммоларни ҳал этиш масаласида ҳали ҳам сусткашлик қилмоқдалар

Ижтимоий-экология муаммоларига энг муҳим ижтимоий-сиёсий иш деб қараш, табиатни муҳофаза қилиш муаммоларини олдиндан билиш ва тўғри ҳал этиш рўй бериши мумкин бўлган ижтимоий-экологик зиддиятларнинг олдини олиш учун шартшароитлар яратиш экологик сиёсатнинг муҳим йўналишидир.

Ҳозирги замон жамиятининг ижтимоий-экологик йўналтирилганилиги кенг кўламли экология жараёнларига раҳбарлик қилиш ва бошқариш кўникмаларини шакллантириш, инсон, жамият ва табиат муносабатларини қулайлаштириш ҳамда мувозанатлаштириш муаммоларини ҳал этишни талаб этади. Экологик йўналтирилганилик бир-бири билан боғлиқ икки даражага эгадир. Биринчи даража экологик маданият кўрсаткичи бўлмиш экологик тафаккур, иккинчиси, табиатни муҳофазалаш жараёнларини барча даражаларда умумдавлат даражасидан тортиб алоҳида корхонагача бевосита амалий бошқариш кўникмалари билан боғлиқ. Бу даражалар орасидаги боғлиқлик шундаки, биринчиси иккинчиси учун услубий негиздир, иккинчиси биринчисига қайтарма фаол таъсир кўрсатади. Уларнинг ҳар бирини кўриб чиқамиз.

## **9.2. Ижтимоий-экологик йўналтирилганлик даражалари**

Ижтимоий-экологик йўналтирилганлик, даставвал жамият ва табиатнинг ривожланиш қонунларини, уларнинг коэволюциясини чуқур билишни назарда тутади. Бундай билиш инсон, жамият ва табиат ўзаро муносабатларининг илмий-материалистик қарапшлари билан танишиш натижасида шаклланади. Жамият ривожининг ҳозирги бурилиш босқичида ҳам ижтимоий, ҳам табиатнинг ривожланиш объектив қонунларини диалектик бирликда, зиддиятли ва ўзаро боғлиқ ҳолатда билиб олиш лозим. Уларни амалий ҳаётда, фаолиятда, назар-эътиборда тутиш ижтимоий-экологик ривожланиш муаммоларига бир томонлама технократик ёндашиш, эскича тафаккур қилиш, ўзбoshимчалик, субъективизм ва экологик нұқтаи назардан асосланмаган қарорлар қабул қилишдан халос қиласди.

## **9.3. Ижтимоий-экологик йўналтирилганлик муаммолари**

Ижтимоий-экологик йўналтирилганлик муаммолари орасида бозор (муаммо) муносабатларини назарда тутиб, экологик ривожланишин режалаштириш мухим аҳамият касб этади. Бундай режалаштириш ҳали кўпчилик корхона ва ташкилотларда амалий ишга айланмаган. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишин жадаллаштириш зарурлиги ижтимоий-экологик режалаштиришга янги қўзғалиш касб этади. Гап ижтимоий ривожлантириш режаларига экология сиёсати вазифаларининг бутун мажмунини киритиш, режаларни моддий-техник жихатдан таъминлаш, табиатдан фойдаланишининг иқтисодий механизmlари ва ҳоказоларни ишга солинг тўғрисида бормокда.

Ижтимоий-экологик режалаштиришнинг ҳар бир даражасида меҳнат жамоасидан тортиб, умумдавлат даражасигача аҳоли саломатлиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, инсоннинг ҳар томонлама ва мувозанатли ривожланиши учун шартшароитлар яратиш асосий ўринни эгаллаши керак. Масаланинг ҳамма томонларини қамраб олиш, аниқлик, реаллик ижтимоий-экологик режалаштиришнинг асосий қонун-қоидалари бўлиши лозим моддий бойликлар ва бошқалар ҳисобга олиниши керак.

Инсон табиати уни жамоаларга бирлашишини тақозо этади. Статистик маълумотларга кўра, мамлакатимизнинг 70% аҳолиси меҳнат жамоаларига бирлашган.

Меҳнат жамоалари, киши ҳаётининг энг кўп қисми ўтадиган жой бўлиб, инсон шахсини камол топтиришда етакчи роль

ўйнайди. Мехнат жамоалари унда ишлаб юрган ҳар бир кишига меҳрибонлик кўрсатиб, унинг тинчлиги ва фаровонлиги тўғрисида қайгуриши шарт. Ўз навбатида, ҳар бир жамоа аъзоси ҳам бутун жамоанинг тақдирни устида бош қотириши турган гап. Иңсоният тарихий ривожланиш жараёнида орттирган энг катта бойлик ўзаро муносабатда бўла олишиликдир. Бу, асосан меҳнат жамоаларида амалга оширилади. Мехнат жамоаларида киши нафақат ишлаб чиқариш муносабатларида, балки ижтимоий ва сиёсий муносабатларда ҳам бўлади. Мехнат жамоаларидағи руҳий ва ижтимоий мухитларнинг соғломлиги биринчи навбатда маъмуриятнинг ўз қўл остидагиларига уларни бошқариши мақсадида қилган муносабатларига борлиқдир. Мехнат жамоаларининг раҳбарияти ўз хизматчи ва ишчиларига тазиик ўтказмаса, ундай жамоада соғлом ижтимоий мухит бўлиши мумкин. Бунда амалдор, унга ишониб топширилган корхона ёки муассасани бошқариш чорида, ҳар бир масала устида бир тўхтамга келишдан аввал жамоа аъзолари билан маслаҳатлашиб, ҳамма қарши ва тарафдорлар фикрини ўрганади.

## Қисқача хуросалар

Экологик тафаккур назарий ва амалий фаолиятда, ижтимоий-экологик жараёнларни бошқаришда, табиатни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал этишда дунё миқёсидаги умуминсоний нұқтаи назардан ёндашиш қонун-қоидаларига амал қилиш, демақдир.

Экологик йўналтирилганлик бир-бири билан боғлиқ икки даражага эгадир. Биринчи даражага – экологик маданият кўрсаткичи бўлмиш экологик тафаккур, иккинчиси табиатни муҳофаза қилиш жараёнларининг барча даражаларда – умумдавлат даражасидан тортиб алоҳида корхонагача бевосита амалий бошқариш кўникмалари билан боғлиқ.

Ижтимоий-экологик режалаштиришнинг ҳар бир даражасида аҳоли саломатлиги, инсоннинг ҳар томонлами ва мувозаватли ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш асосий ўринни эгаллаши керак.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Хукумат қарорларида ижтимоий-экологияга бўлган эътибор.
2. Экологик тафаккурнинг аҳамияти нимада?
3. Экологик йўналтирилганлик нима?
4. Ижтимоий-экологик йўналтирилганлик ва бозор муносабатлари.

## Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Горелов А.А. Экология (Курс лицей). – М.: Центр, 1998.
3. Шодиметов Ю.Ш. Ижтимоий экология кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1994.
4. Лосев А.В., Провадкин Г.Г. Социальная экология. – М.: Владос, 1998.
5. Камаров В.Д. Социальная экология. – Л., 1990.
6. Маркович Д.Ж. Социальная экология. – М.: Просвещение, 1991.
7. Багинская Г.А. Основы социоэкологии. – Л., 1993.
8. Коробкин В.И. Экология. – М., 2003.
9. Миллер Т. Жизнь в окружающей среде. – М.: Пангея, 1993.

## X боб

### ЭКОЛОГИК ҚАЙТА ҚУРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ

#### 10.1. Ижтимоий-экологик вазиятнинг ёмонлашуви сабаблари

Ҳар қандай экологик сиёсат қабул қилинадиган ва йирик миқёсли дастурлар муайян услубий концепцияларга суюниши керак. Экологик муаммолар негизида объектив равишда мавжуд бўлган асосий зиддиятларни ҳал этиш учун шундай концепция ишлаб чиқилиши лозимки, у хўжалик юритиш анъанавий усули билан объектив равишда мавжуд эволюция тақозоси бўлган экологик чеклашларга эга биосфера ўртасидаги зиддиятларни бартараф этишга мўлжалланган бўлиши лозим.

Масалан, қишлоқ хўжалигига минерал ўғитлар, пестицидларни ўринисиз ишлатиш. Бу гўё мелиорация нуқтаи назаридан фойдалидек, маданий ўсимликлар ҳосилдорлиги ортади, дехқончилик барқарорлиги таъминланади. Экология нуқтаи назардан эса бу зааралидир. Чунки бунинг касофатидан кўпгина ўсимлик ва ҳайвонлар йўқолади, атроф-муҳит сифати ёмонлашади, аҳоли саломатлиги таҳлика остида қолади. Албатта, экологик вазиятнинг ёмонлашувига фақат қишлоқ хўжалиги эмас, балки транспорт, саноат ва хўжалик фаолиятининг бошқа турлари ҳам таъсир кўрсатади. Табиатга антропоген таъсир ўтказиш биосфера экологик мувозанати бузилишига, атроф-муҳит булаганишига, инсон атрофидаги муҳитнинг издан чиқишига олиб келади. Экологик-иқтисодий зиддиятнинг таъсири шундайки, анъанавий воситалар билан эришилган иқтисодий ўсиш жуда қимматга тушади, экологик орқага кетиш рўй беради. Дехқончилик, чорвачилик, кейинчалик индустряниянг ривожланиши табиат билан ўзаро муносабатларнинг шундай қонун-қоидаларига асосланганки, биосфера экологик мувозанатининг бузилиши, атроф-муҳитнинг булганишига олиб келади.

#### 10.2. Бозор муносабатлари шароитида ижтимоий-экологик қайта қуришни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

Ҳозирги экологик муаммоларни ташкил этувчи шу уч нарсанинг ҳаммаси табиатдан фойдаланишнинг «неолит» қонун-қоидалари ҳосиласидирки, вақт ўтиб боргани, ижтимоий ишлаб чиқариш миқёслари ва суръатлари ўсгани сари табиий муҳитни тобора кўпроқ таназзулга олиб келди.

